



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

*Ўрхон Камол*

# ТУБСИЗЛИК ГИРДОБИДАГИ АЁЛ

*Роман*  
*Иккинчи нашри*



УЎК: 821.512.161-3  
КБК 84(5Тук)  
К 21

*Турк тилидан Рустам Жабборов таржимаси*

Азиз китобхон! Сизга Шарк аёлларининг ҳаёти, турмуш тарзи, турфа тақдирлари ҳақида ҳикоя қилувчи атоқли турк адиби Ўрхон Камол (1914–1972)нинг катта шуҳрат қозонган «El kizi» («Тубсизлик гирдобидаги аёл») асарини тақдим этамиз. Бу асар бундан ярим аср муқаддам яратилган бўлиб, бахтиқаро бир аёлнинг қисмати ми-солида турк хотин-қизларининг ўтган асрнинг биринчи ярмидаги ҳаёти қаламга олинган.

Кутилмаган ҳодисалар, ҳаётнинг ранг-баранг қирраларини ўзида акс эттирган бу асар ўқувчиларга манзур бўлади, деган умид-дамиз.

ISBN 978-9943-28-593-4

© Р. Жабборов, тарж., 2016, 2018  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016, 2018



\* \* \*

...Шиддатли тўлқинлар соҳил бўйидаги қояларга шахд билан урилиб ортга қайтади. Тошларнинг ўткир қирраларига урилган сув оқими шаффоф миноралар сингари осмонга санчилади. Телбавор долғалар қирғоқда чўзилиб ётган аёл гавдасини тебратиб, гўё уни уйғотмоққа уринади. Дайди шамол аёлнинг увада кийимлари, парижон сочларини тўзғитади...

– Эй, бандаи нодон! Ўзингни чўктириш учун топган вақтингни қара-я, – деди полиция комиссари мурдага яқинлашаркан.

– Балки у ўзини ўзи чўктирмагандир? – шубҳа билдирди унинг ёнида турган балиқ кемаси хўжайини.

– Ҳақиқатни очишимизда Яратганнинг ўзи мадаккор бўлсин, Омийн!

Ёш балиқчи марҳуманинг юзига фонар нурини йўналтирди. Аёл чамаси қирқ бешдан ошмаганди. Балки у қачонлардир жуда гўзал бўлгандир? Аммо ҳозир... Ичичига чўкиб, кўзларининг оқи кўкиш тус олган, юзлари моматалоқ бўлиб кетган, чап чаккасидан то иягига қадар чандиқ кўриниб турарди.

– Парвардигор унинг гуноҳларини афу этгай, – деди художўй комиссар.

– Қаранглар, – қичқирди ёш балиқчи, – манави узукка қаранглар!

Ҳамма жасадга яқинлашди. Унинг шишиб, кўкариб кетган бармоқларидаги каттакон, олмос кўзли узук фонар ёруғида ярақлаб турарди.

– Манавини узук деса бўлади.

– Бу фақир аёл бунақа узукни қаердан олди экан?  
Фонарнинг хира ёғдусида узук ўзидан қандайдир  
кўкиш шуъла таратиб турарди.

## 2

Кўп йиллар муқаддам бу узук ҳозирги муҳташам банк  
биноси ўрнидаги заргарлик дўконининг пештахтасини  
безаб турарди.

Кунларнинг бирида пештахта ёнига хушбичим, башанг  
кийинган бир йигит келди. Унинг қадду қомаги келишган,  
ҳаракатларидан куч ёғилиб турар, очик юзларида олижа-  
ноблик ва самимият намоён эди.

У пештахта олдида бироз туриб қолди, кейин дўконга  
кирди.

– Менга анави олмос кўзли узукни кўрсатсангиз!

– Хўп бўлади, муҳтарам Мазҳарбей, – ялтоқланди  
сотувчи.

– Сиз мени танийсизми? – сўради харидор.

– Нега танимас эканман? Ахир сиз адвокат Мазҳар-  
бейсиз-да! Мана, марҳамат!

Мазҳар узукни қўлида айлантириб, унинг кўзидаги  
сайқалланган тошни обдон томоша қилди. У узукни хо-  
тинининг бармоғига хаёлан чамалаб кўраркан, нархини  
сўради.

– Савдолашмасдан бўладиган нархини айтайми?

– Ихтиёрингиз, – деди Мазҳарбей босиклик билан.

– Бу жуда қимматбаҳо узук, – деди сотувчи. – Бу узук  
қачондир султонга тегишли бўлган. Бунга шубҳаланма-  
сангиз ҳам бўлади. Кейин бир судхўр яхудийнинг қўлига  
тушиб қолган ва узукни ўз болаларига мерос қолдирган.  
Кейин бу узук...

– Келинг, узукнинг тарихини бир ёққа қўйиб турай-  
лик.

– Нархини айтайми?

– Ҳа, кутиб турибман.

Сотувчи айтди. Бу озмунча пул эмасди. Аммо Мазҳарбейнинг мўлжали тўғри чикди. Шундай бўлса ҳам, бироз арзонлатишни сўради.

– Бунинг иложи йўқ, – деди заргар. – Агар сизга тўғри келмаса, мен ҳеч нарса қилолмайман. Француз консулининг рафиқаси ҳам бу узукни кўриб, олмоқчи эканини айтганди.

– Бўпти, оламан, – деди Мазҳар.

Заргар узукни кўк баркут ғилофга жойлаб, харидорга уятди. Мазҳарбей эса, пулни санаб берди ва дўконни тарк этди.

Хотини бу узукни кўриб қанчалик қувонар экан-а? Тортинчоқ, уятчан Назаннинг бу ҳадядан боши осмонга етиши турган гап. Уларнинг турмуш қурганига мана, беш йилдан ошди, аммо бир марта бўлсин, у эрини эркалаб «менинг азизим, севгилим, асалим» деб атамаган. Қачон қараса, қимтиниб, ердан кўзини узмай ўтиради, аёл ҳам шу даражада тортинчоқ бўладими? Йўқ, у бунақа аёлни орзу қилмаганди.

Мазҳарбей фойтунга чиқаркан, «уйга!» деб буюрди.

Ҳамма извошчилар адвокатни яхши танишарди. Шу боис, уй манзилини айтишга эҳтиёж ҳам йўқ эди.

...У Назанни бир кўришда севиб қолганди. Воқеа Истанбулда юз берган. Ўша пайтда у юридик факультет талабаси эди, дўсти Нихат Янъял билан Сулаймония туманида бир хонани ижарага олишганди. Уларнинг ёғоч кулбаси торгина кўчада жойлашган эди. Бир куни дераза олдида турганида, кўчани супураётган қизни кўриб қолди. Ҳар супурги урганида узун кокиллари қизнинг баланд оёқлари, тўпикларини ўпарди.

Мазҳар қиздан кўз узмай қандай қилиб унинг эътиборини тортиш ҳақида ўйлай бошлади. Бироқ, қиз бегона назарни пайқаши билан нураб турган кулбасининг эши-

гига ўзини урди. У Ниҳат билан Адапазари кўчасидаги қаҳвахонанинг бир кунжида китоблар оламига шўнғиб кетишган эди. Ярим кечада у ердан чикиб, Сулаймониянинг овлоқ кўчаларида узоқ санғишди, кейин эса, ўзларининг ғарибона кулбаларига йўл олишди. Шу аснода сочлари тўпиғини ўпиб, ер супуриб юрган қизни эсига олди.

Мазҳарбей дўстига қараб, чуқур хўрсинди. Ниҳат ҳам уни дарров тушунди – Қўшни қиз! Улар ижара хоналарига етиб боришганда тўлин ой булутлар панасига беркинган, кўчани зулмат қоплаган эди. Рўпарадаги уй деразасидан эса, чироқ ёғдуси тараларди. Қиз чамаси дераза олдида нимадир тикиб ўтирган экан. Афтидан, у ишини тезроқ тугатиб, ухламоққа ошиқарди.

Мазҳар панжара тугилган ойнага яқинлашди. Қиз илқис бошини кўтарди ва қичқириб юборди...

Улар тез орада танишдилар. Назан ғирт етимча бўлиб, мархума онасининг синглиси – Алия холаси билан яшарди. Мазҳар уни учрашувга таклиф этганида жуда хокисорлик билан «бу оламда Аллоҳдан бўлак ҳеч кимим йўқ, сиз мени хафа қилмассиз?!» дея ўтинган эди.

Танишувнинг учинчи ойида улар ўртадаги кўринмас чегарани бузиб ўтишди. Тўртинчи ойдан кейин эса, Назаннинг қорни анча дўппайиб қолганди.

Бундан хабар топган холаси уйни бошига кўтариб дод солди. «Уйимда фоҳишага ўрин йўқ, қаерга борсанг, боравер!»

Ва 16 ёшли Назан кўчада қолди...

Мазҳар қорни нақ иягига тегиб турган қизни уйга етаклаб борганида, онаси ҳам нақ қиёматни бошлади.

Онаси эсига тушиши билан Мазҳарнинг юраги увушди. Онаси бечора Назаннинг бошига нима кунларни солмади?! У муштдеккина Назанни чин маънода хўрларди. Беихтиёр Мазҳарнинг кўз олдида онасининг ёшига но-

муносиб пардоз-андозлардан янада баджаҳл кўринадиган юзи гавдаланди. Нима қилсин? Минг қилса-да, онаси, юрак ютиб, гап қайтаролмайди.

\* \* \*

...Ҳожар хоним эридан анча эрта ажради. Эридан қўлга илингулик ҳеч вақо қолмаганди. Мазҳар онасининг бойларнинг эшигида хизмат қилиб, уларнинг уйини тоза-лаб, кирини ювиб юрган пайтларини яхши эслайди. Она фарзандининг билим олиши учун қўлидан келганини аямади. Оналик бурчини садоқат билан бажарди.

Мазҳар улғайиб онасининг заҳматларига муносиб жавоб қайтарди. Ҳозир у ўғлининг хайхотдек, барча қулайликларга эга ҳовлисида ёзилиб-яйраб яшайпти. Ҳар байрамда, тантаналарда онасидан энг қимматли совғаларни аямас, аёлнинг бўғчаю сандиқлари ҳам тўлиб тошганди.

Ҳар қалай, онаси ўғлидан нолимаса ҳам бўлади. Шундай шоҳона яшагандан кейин, ўғли ва келинининг ҳам тинчгина яшашига қўйиб берганида эди... Қанийди! Унақамас-да! Ҳар доим қилдан қийиқ ахтаради, кунда жанжал! Йўқ, қачонгача шундай давом этади ахир? Бунга чек қўймоқ керак.

Ҳожар хоним ойна қаршисида ўзининг қаримсиқ ба-шарасини томоша қилиб ўтирарди. Мана у ёнокларини қизартириб, қош-кўзларини бўяди, кейин упа суриб, фаранг шоҳисидан тикилган ялтироқ чоршафини бўйнига ташлаб, ўзидан мамнун ҳолда илжайди.

– Юр, сайр қилиб келамиз, – деди у полда ўйинчок паравозини ўйнаб ўтирган невараси Ҳалдунга.

Бола бошини кўтарди:

– Сен биланми?

– Вой юзинг курсин, бетамиз, «сен билан» деганинг нимаси? Лекин ёмон тарбия кўрганинг учун сен айбдор эмассан. Ҳаммасига анави ялангоёқ онанг айбдор.

Ҳожар хоним неварасини кўтариб дарвоза тарафга юрди.

– Эй, қайси гўрдасан? – сўради оёғини зинапояга кўйarkan.

Назан ошхонада нимадир юмуш билан банд экан. Шошиб-пишиб, қўлини артиб чиқди.

– Лаббай, афандим?

– «Афанди»ламай ўл, – мазамматлади қайнона. – Афандинг ўлиб, афандисиз қол! Тезроқ кел, бу ёққа!

Назан бундай муомалага анча кўниқиб қолган бўлсада, барибир ҳар гал хийла кўнгли оғрирди. Лекин бирор марта ҳам қайнонасига гап қайтармасди.

– Лаббай, нима хизмат?

Хоним келинига ҳатто қиё ҳам боқмади.

– Мен сайрга чикяпман, – деди у бўшлиққа тикилиб.

– Хўп, ойижон, – деди Назан мутеълик билан.

– Қанақа «ойижон»? Мен сенинг ойинг эмасман, иккинчи бунақа гапни тилга олма, демаганмидим?

– Нега? Ахир сизни онам ўрнига онам деганман. Сиздан бошқа кимим бор менинг?

Назан қайнонасининг кўнглини юмшатиш учун унинг бўйнидан кучишга уринди. Аёл унинг қўлларини нари итарди:

– Бор, йўқол, ялтоқланганларни ёктирмайман. Мен сенинг онанг тенгимидим? Тентак, мени қариб чириганлар қаторига кўшмоқчимисан?

Қайнона зиналардан бирма-бир пастга инди. Назан жойида қотиб қолганди. У «онанг тенгимидим?» деганда, Сулаймонияда турадиган холасини назарда тутганди. Онаси эса... Бечора Назан ўзи ҳам эслолмайди онасини. Назан икки ёшлигида онаси кўричакдан вафот этган, қизча холасининг қўлида қолиб кетганди.

Фақат отасини эс-эс билади. У тез-тез холасининг уйига келиб турар, қизчасини тиззасига ўтқизиб, сочларини



силар, ўпиб эркаларди. Кўпинча каттакон қутиларда турфа ширинликлар, шоколад ва мевалар олиб келарди. Кейинчалик келмайдиган бўп қолди. Вақт ўтиб, қайсидир урушда ҳалок бўлганини эшитиб, кечаси билан йиғлаб чиққанди.

Дарвозанинг шарақлаб ёпилишидан ўзига келди.

Қайнонаси чоршафининг этагини тутганча кўчага чиқиб кетди. Рўпарадаги ҳовлида ишсиз-кучсиз, киморбоз Ризо қоксуяк аёли Ножия билан истиқомат қиларди. Ҳожар хоним уйдан чиққан маҳалда Ножия гуруч тозалаш билан овора эди. Уйи томон келаётган кўшни аёлни кўриб, Ножиянинг пешонаси тиришди.

У азалдан Ҳожар хонимни ёқтирмасди. Айниқса, эри билан гаплашаётганда, сурма чапланган кўзларини сузиши, эшилиб буралишини кўриб, жини кўзиганди.

– Келинг, хола, – деди идишни бир четга суриб, кўлини сочикқа артаркан.

– Қанақа хола? – қошларини чимирди хоним. – Мен сенга ҳали хола бўп қолдимми?

– Тўғри, узр, – деди у зўраки жилмайиб. – Сиз ҳатто биздан ҳам ёш кўринасиз. Қани марҳамат, юқорига ўтинг.

Ҳожар хоним уй бекаси билан изма-из кириб, хужранининг тўридан жой оларкан, атайин чоршафини очиб, камзулчасига қадалган олтин тўғноғичини кўз-кўзлади. Кейин кўз қири билан Ножияга қараб қўйди. Кўриб, бир кўзи куйсин!

Инсоф билан айтганда, бундай зийнатлар кўпроқ Ножияга ўхшаганларга ярашарди. Минг қилса-да ёш, чиройли. Аммо, қурумсоқ эри бундай тилла тақинчоқларни унга тушида ҳам совға қилолмайди. Қайтага биргина никоҳ узугини ҳам тортиб олиб, киморга тиккан.

Ҳожар хоним кумуш тамакидонидан сигара чиқариб, лабига кистирди.

– Назан хоним тузукмилар? – сўради Ножиya нокулай жимликни бузиб.

– Худо кўтарсин унақа келинни, – Хожар хоним кафти билан тутунни нари ҳайдади. – Тусини ел олсин унинг. Шунақа ношуд аёл бўладими? Қиладиган ишининг тайини йўқ, эрталабдан кечгача тимирскиланади, – чуқур уф тортиб, куруқ кўзларини ишқалади. – Э воҳ, шўрим бор экан, Ножиya, шўргинам бор экан. Пешонамга шунақа ландавур келин битадими? Бўлмаса, Истанбулда казо-казоларнинг қизи ўғлимнинг йўлига кўз тикиб турмаганмиди?! Ўғлимнинг ҳам аллақачон кўнгли совиган. Нима қилайликки, ўртада бола бор. Бўлмаса, ажратиб юборардим. У шундай дея неварасининг сарғиш, патила сочларини сийпалади.

Ҳалдун кўлидаги ўйинчоқни ўйнаб ўтирса-да, икки қулоғи бувисида эди.

– Ойисини ёқтирмайди ўзи, – у неварасининг бошини силаб кўйди. – Кечаси ҳам ёнимда ётади. Мени яхши кўради. «Ҳалдун, бир куни ўлиб колсам, нима қиласан?» деб сўрасам, кўзлари жикқа ёшга тўлади. «Бувижон, сиз ҳеч қачон ўлманг» деб йиғлайди.

У шундай дея боланинг сарғиш, жингалак сочларини сийпалади.

– Бу хотин бизнинг оилага умуман мос эмас, чўриликка ярайди, холос!

– Ким, буви? – сўради Ҳалдун.

– Бор, болам, сен ташқарида ўйнаб кела қол, – дея у болани чиқариб юборди. – Ҳар қалай, бу гапларни отасига айтиб-негиб юрмасин. Гап кўпаяди.

Бола чиқиб кетиши билан кампир яна мақтанишда давом этди:

– Чиройлилиги, ақл-фаросати ҳам ўзимга тортган. Раҳматли онам айтарди, бобом, тоғаларим полвон ўтишган, Қораўрмонда уларга тенг келадигани топилмас экан.

– Сиз асли Қораўрмонликмисиз?

– Ҳа-да, э, у ёқларда бобомнинг мулки – катта еримиз, бир боғларимиз бор эдики, асти қўявер. Қовун-тарвузлар, узумларнинг шираси тилни ёрарди. Чорвамиз ҳам кўп эди. Уйимиздан сут-қатиқ узилмасди... Фалакнинг гардиши билан юртимизни ўрис босди-ю, бор-будимиздан ажралдик.

Ҳожар хоним айтган боғ-роғлар асида унинг бобосига эмас, отаси деб билган бир кимсага тегишли эди. Ҳожарнинг онаси шу хонадонда хизмат қилиб катта бўлган, кейин кичик бир телеграф ходимига турмушга чиққанди. Ҳожар хонимнинг «авлодимизнинг бир томони султон саройига бориб тақалади» дейишига сабаб бир пайтлар бувиси ҳарамда канизак бўлгани билан боғлиқ эди.

Ўша пайтларда Ҳожар беш-олти ёшлардаги оппоққина, мовийкўз қизча эди. Ўзидан икки ёш катта опаси билан чекка бир қишлоқнинг ям-яшил ўтлоқларида чопқиллаб катта бўлганди. У ўша пайтлардан эркакшода бўлиб, маҳалла болаларининг юрагини безиллатиб қўйганди.

Ҳожар телеграф тизимида ишлайдиган отасига қаттиқ боғланиб қолганди. У жуда самимий, хушчақчақ одам эди. Ҳар куни ишдан келиши билан Ҳожарни эркалатар, унга турли эртақлар, кўшиқлар куйлаб берарди. Лекин онасининг кучоғида эркаланганини эслолмайди.

Онаси ошхонадан бошқа нарсани билмайдиган, қачон қарама, қошиқни косага уриб, тарақлатиб юрадиган баджаҳл аёл эди. Бирор марта бўлсин, юзида табассум асари сезилмасди.

Кунларнинг бирида қишлоқни ёв босди-ю, юзлаб қочоқлар қатори улар ҳам бу ерни тарк этишди. Ур-тўполон ичида опа-сингил ота-онасини йўқотиб қўйди. Кимдир бир-бирининг кўлидан ушлаб кетаётган қизчаларни аравага чиқарди. Улар кўч-кўрон юкланган бу аравада қаерга кетишаётганини билишмасди.

Шунча кўч-кўрони билан бирга бир сурув молини ҳам хайдаб кетаётган оқ соқолли бу одамни улар танишмасди.

Нихоят, йўл юра-юра миноралари кўкка бўй чўзган бир шаҳарга кириб келишди. Ўша пайтда бу шаҳарнинг Эдирне деб аталишини у ҳали билмасди. Худди шу ерда бир-бирига эт билан тирноқдек бирикиб қолган опа-сингилни бир-биридан айиришди. Опасини измирлик бир савдогарга фарзандликка беришди. Қизчалар бир-биридан жудо бўлмаслик учун қанча ялиниб ёлворишмасин, уларни ҳеч ким эшитмади.

Кунлар ўтаверди. Ҳожар ота-онаси, опасини кўмсаб, кечалари билан йиғлаб чиқарди. Орадан бироз ўтиб, Ҳожарни Истанбулда турадиган ҳарбий суд аъзосининг ногирон қизига қараш учун энагаликка беришди. Ҳожар эртаю кеч белидан пасти ишламайдиган қизчага қараш билан овора бўларди. Шу билан бирга бу хонадондаги супур-сидир, юв-тара сингари юмушларнинг барчаси унинг зиммасига юкланган эди.

Судьянинг хотини ҳам ўлардек нимжон, озгин, касалванд аёл эди. Худди бу хонадондаги бахтсизлик учун фақат Ҳожар айбдордек унга захрини тўкиб сочарди. Ҳожар эса, тирикчилик, кун кечириш учун ҳамма хўрликларга чидашга тайёр эди.

Ўн тўртга кирганида у келажакдаги режаларини туза бошлади.

... Унинг ўз оиласи, эри, фарзандлари бўлади. Уларга яхши тарбия беради. Улар улғайиб ҳарбий судда ёки шунга ўхшаш катта жойларда ишлашади. Ўғилларини аслзода кизларга уйлантириб, ҳаммага мақтаниб юради...

Ҳожар мурғак онги билан инсоннинг яхши яшаши учун бойлик, шон-шуҳрат, мартаба қанчалик муҳим аҳамият касб этишини англаб етганди. Олиймақом аёллар, казозоларнинг хонимлари у хизмат қилган хонадонга тез-тез келиб турар, Ҳожар уларга ҳам ҳавас, ҳам аллақандай ҳасад билан боқарди.

У елкасига куёш тегишини интизорлик билан кутарди. Ҳали унинг фарзандлари вақти келиб, катта ишларда ишлайди, у ҳам кибор хонимлар сафидан жой олишига ишонарди. Ҳали у ҳам хизматкорлари бор, ҳашаматли уйда истиқомат қилади.

Ана шундай ҳавойи орзулар қизчанинг борлигини забт этганди. Хонадоннинг заҳил соҳибасидан безган биргина Ҳожар эмасди. Суд азбоси ҳам анчадан бери қаримсиқ, касалманд аёлига қўнгилсиз эди. Бу пайтда судья ўттизга ҳам бормаган навқирон эркак эди.

У, одатда, уйга келишга ошиқмас, портфелини югурдак боладан бериб юборар, ўзи ярим кечагача Балиқбозордаги майхоналарда қўнглини хушлаб қайтарди.

Судья сархуш хиргойиси билан уйига кириб келганида, Ҳожар ўз хужрасида уйғоқ ётган бўларди. У хизматкорининг ёнига кириб пича у билан дардлашар, сочларини силаб эркалатар, анчадан кейин хотинининг ётоғига кирарди. Вақт ўтиши билан судьянинг бу «оталарча» навозишлари ҳам ўзгара борди. Қиз ўн бешга тўлиб, оқи оққа, қизили қизилга айрилган пайтда унинг ҳусни жамоли судьяни эсдан айиргулик даражага келтирганди.

Буни, табиийки, Ҳожар ҳам сизди. У атайин кечалари хужрасининг эшигини ичкаридан тамбаламасди. Хожаси кириб келганида ўзини ёлғондакам уйқуга солиб, сонларини очиб ётадиган одат чиқарди. Хожаси келиб, унинг баданини сийпалар, бошдан оёқ ўпиб чиқар, аммо орадаги чегарани босиб ўтишга ошиқмасди. Хожанинг бу эркалашларидан баданига таърифлаб бўлмас даражада ёқимли титроқ югурса-да, Ҳожар бутун кучини тўплаб овозини чиқармасликка уринарди.

Кунларнинг бирида судья ҳар қачонгидан ҳам сархушроқ ҳолатда қайтди. Эшикни маҳкамлади, ўзини қизнинг устига ташлади ва...

– Энди нима қиламан? – ҳиқиллади қиз. Хожаси аниқ бир қарорга келмаган бўлса-да, Ҳожарни қўлидан кел-

ганча овутишга тиришди. Бирданига ёдига ўзининг ходими, суд югурдаги Исмоил тушди. Нар и борса бошланғич маълумотга эга мусофир бир йигит. Бунинг устига ҳарбий хизматга чақириб қолишларидан кўриб юради. Қонунга кўра, чин етимларга уйланган йигитлар ҳарбий хизматдан озод этилади. Демак, унга Ҳожар худди сув билан хаводек зарур.

Уч кундан сўнг судья югурдакни чақириб, унга таклифини айтди. Исмоил ҳам анчадан бери ана шундай қулай фурсатни кутиб юргани учунми, дарҳол кўна қолди. Ахир бечора йигирма саккизи уриб қўйган, айна куч-қувватга тўлиб тошган бўлса-да, уйланишнинг эвини қилолмай юрганди.

Исмоил бошлиғининг портфелини дарчадан узатган киши бўлиб, атайин ерга тушириб юборди. Шу аснода наинки унинг юзига, балки елкасини тутиб турган оловранг сочларига, кўйлаги ёқасидан қафасдан кутулмоққа чоғланган қўш кабутарга менгзайдиган оппоқ сийналарга ҳам кўзи тушди. Беихтиёр қалқиб кетди. Наҳотки раҳбари унга ана шу соҳибжамолни раво кўрган бўлса? Ахир қирққа кирган жувонга ҳам рози бўлиб турган эди-ку?

Эртаси куни ишга бориб, раҳбарининг қўлларидан ўпиб, миннатдорлик изҳор этди. Раҳбарнинг ҳам тантилиги тутиб, тўй харажатларидан тортиб ижара пулигача кўтарадиган бўлди.

Бир ой деганда судья янги хизматкор топди. Ҳожар эса, югурдак йигит билан Сулаймониядаги икки хонали ижара уйига кўчиб кетди.

Ниҳоят, Ҳожар ўзи орзу қилган ҳаётнинг остонасида турарди. Ниҳоят, ўз уйининг саранжом-саришта, ораста бекасига айланди. Унинг ақлу фаросати, саранжомлиги кўни-кўшниларни ҳам лол қолдирди. Ҳар-ҳар замонда хожаси ва бекасини кўриш учун эри билан судьянинг хонадонини ҳам зиёрат қилиб туришарди. Ўз навбатида,

хожаси ҳам уни унутмаганди. Ёш келин-куёв уйдалигида хотини билан, Ҳожар ёлғиз қолганида бир ўзи унинг ёнига келиб турарди.

Кўни-кўшнилари ҳам ортиқча шубҳага боришмас, чунки у ҳаммага судьяни «амаким», унинг аёлини эса «янгам» деб таништирганди.

Албатта судья уларнинг кулбасига куруқ қўл билан келмасди. Судья илгарилари балиқбозордаги майхоналарга сарфлаб қайтадиган пулга энди Ҳожар учун совға-салом олиб кела бошлади. У Исмоилни ҳам унутмаганди. Энди маҳкамада унинг ҳам мавқеи анча ўсиб қолган, судьянинг қабулига кирадиган ҳамма шикоятлар фақат у орқали ҳал этиларди.

Судьянинг Ҳожарга бўлган интилиши, эҳтирослари йиллар ўтиши билан сўниш ўрнига баттар аланга олди. У энди ёш жазманининг ҳар қандай истагини иккиланмай бажарадиган бўлиб қолганди. Гарчи Исмоил ўз раҳбари ва жуфти ҳалоли ўртасидаги ришталарни аллақачон пайқаган бўлса-да, билганини сиртига чиқармасликка мажбур эди.

Бора-бора судья Ҳожарни қонуний эридан ҳам қизғана бошлади. Ҳожар эса, лаб буриб, уни хотиржамликка ундарди: «Ахир биласиз-ку, афандим, мен уни умуман севмайман!»

Ростдан ҳам эрини умуман севмаганди, севмасди. Хожаси нима мақсадда унга никоҳлаб берганини ҳам яхши тушунарди. Судьяни-чи? Уни ҳам севармиди? Йўқ! «Исмоил – менга тақдирнинг ўзи раво кўрган эр, судья эса чидаса бўладиган ўйнаш, холос» дея ўйларди у ўзича.

Аслида у кўшни кўчада турадиган ҳар тонгда уйи олдидан қиличини судраб ўтиб кетадиган, сарғиш мўйлови ўзига ярашиб турадиган артиллерия зобитини севиб қолганди.

Кун келиб офицер ҳам Ҳожарнинг сирли туйғуларидан огоҳ бўлди. Кўпинча у ишдан қайтишда Ҳожарни ўз уйи

олдида онаси билан гурунглашиб ўтирган пайтда учра-тиб қоларди. Бир икки марта кўчада унга рўпара келиб қолгач, умидвор қарашлари, сирли табассумини яшириб ўтирмади. Шу кундан эътиборан офицернинг ичида бир тўфон кўпгандек бўлди.

Кунларнинг бирида Ҳожар офицернинг Румэли туманига ишга тайинланганини эшитиб, кўзига дунё қоронғи кўришиб кетди. Ёш офицерга ҳам бу айрилиқ ёқмаслиги аниқ эди. Ўша куни у уят ва андишани четга суриб, эри уйда йўқлигида офицерни уйига таклиф этди. Офицер ҳам худди шу фурсатни кутиб ётган экан.

– Илтимос, мени ҳам олиб кетинг бу ердан, сизсиз ўлиб қоламан, – дея офицернинг бўйнидан кучиб хўнгради Ҳожар.

Орадан ўн беш кун ўтиб, Ҳожар иккинчи эри ва қайнонаси билан бирга Румэлига кўчиб кетди. Судья ва унинг югурдаги уйни хувиллаб ётганини кўриб, шошиб қолишди.

Вақт ўтса-да, Ҳожар қайтмади. Устоз ва шогирд Ҳожарнинг ким билан, қаерга кетганидан мутлақо хабарсиз эдилар.

Ҳожар эса энди, том маънода, ўзини бахтиёр ҳис эта бошлаганди. У энди чиндан ҳам ўз қалбининг соҳиби билан бирга яшай бошлаганди. У ҳам Ҳожарни жонидан ортиқ севар, оғзидан чиққанини муҳайё қиларди. Ҳатто «мен қайнонам билан бирга туришни истамайман», дея оёқ тираб олганида ҳам йўқ деёлмади. Бечора кампир кизининг уйига кўчиб кетди.

Орадан бир неча ой ўтиб, Ҳожар юкли бўлди. Офицер иш юзасидан анча пайт хотинини ёлғиз ташлаб кетишга мажбур бўлар, аммо фикри хаёли уйда, аёлида бўларди. Қўни-қўшнилардан кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қиларди.

Кўп ўтмай, бир жиноий гуруҳ билан бўлган тўқнашувда унинг эрини отиб кетишди. Ҳатто шунда ҳам Ҳожарнинг



кўзидан бир томчи ёш оқмади. Қорнида боласи билан Истанбулга йўл олди. Бу пайтда унга шаҳид бўлган эри учун компенсация ҳам тўлашарди.

У Сулаймонияга, аввалги эрининг уйига тап тортмай кириб келди. Аммо у ердан ҳеч кимни топмади. Аввалги эри хожаси билан бирга Онадўлига кетиб қолганди. У қандай бўлмасин эрига ялиниб-ёлвориб, яна унинг кўйнига кириш ниятида эди.

Ниҳоят, сўраб суриштириб, аввалги эрининг манзилини топди. Исмоил бўсағада турган хотинини кўриб, аввал таажжубланди. Кейин севинди. Ҳеч нарсани сўраб ҳам ўтирмай уйига таклиф қилди. Бу янгиликдан судья ҳам хабар топди. Хуллас, ҳаёт аввалги ўзанига тушди. Улар яна Сулаймонияга, аввалги ижара уйларига кўчиб боришди.

Кўни-кўшнилар ҳам табиийки, Ҳожар хонимнинг бир муддат қаерларга йўқ бўлиб келгани билан қизиқишди. Сўраганларга «Истанбулда, холамникида эдим» дея жавоб бера қолди.

Вақти соати етиб, Ҳожар ўғил туғди. Бола куйиб кўйгандек офицернинг ўзгинаси эди. Ҳожар унга отасининг исмини қўйди: Мазҳар!

Мазҳар бир ярим ёшга кирганида, Ҳожарнинг хожаси Арабистонга хизмат юзасидан жўнатилди. Эри эса мамлакатнинг шарқий ҳудудларидан бирига иш билан жўнаб кетди. Анчадан бери уни қийнаб келган сил хасталиги уни тириклар сафидан олиб кетди.

Ҳожар хоним яна бева бўлиб қолди.

\* \* \*

Ҳалдун хонага ирғишлаганча кириб келди:

– Урре, буви, дадам келдилар!

Ҳожар хоним кўшнининг деразасидан ўз уйи томонга кўз ташлади. Ўғли бунчалик эрта қайтмасди-ку?

Мазҳар фойтунчи билан ҳисоб-китоб қилиб, ерга сакради. Унинг юзида қандайдир хуррамлик акс этарди. Мак-

таб ўқувчисининг чакқонлиги билан эшик олдидаги зина-поядан ҳатлаб чиқди ва дарчани тақиллатди.

Эрининг кўйлагини дазмоллаётган Назаннинг хаёлида эса, қайнонасининг заҳарли сўзлари жаранг сочарди: «Мен сенинг онанг тенгимидим? Тентак, мени қариб чириганлар қаторига қўшмоқчимисан?»

Деразадан эрини кўрди-ю, у ҳам ажабланди.

– Ойим уйдамасми? – сўради у уйга кириши билан сал хавотирланиб. Назан бош чайқади.

– Боя айланиб келаман дегандилар.

Мазҳар енгил нафас олди. Хайрият, ёлғиз қолишибди.

Мазҳар аёлини бағрига босди. Назан эса, хавотирда эди: кўққисдан қайнонаси келиб қолса-я?

Эри унинг хуркак лабларидан устма-уст бўса олди. Кейин шарт кўтариб, ётоққа олиб кирди ва эшик иллагини туширди.

– Сенга зўр сюрприз опкелдим. Топ-чи нималигини?

Назан кўзларини пирпиратди. Бироз ўйлаб туриб елка қисди.

– Ўйлаганинг билан барибир тополмайсан, – деди Мазҳар ва чўнтагидан барқут қутичани чиқарди. Очди. Олмос тошли узукнинг жилоси Назаннинг кўзларини камаштирди.

– Менга олдингизми? – сўради кўзларига ишонмай.

– Сенга!

Назан ўзини яна эрининг кучоғига отди. Мазҳар узукни аёлининг нозик бармоқларига тақиб қўйди.

– Фақат эҳтиёт бўл, ойим кўрмасин, ўзинг биласан-ку!

Қайнонасининг номини эшитиб, Назаннинг юзидаги бахт табассуми ҳам ғойиб бўлди.

– Унда нима қилай буни? Тақмайми?

– Ҳозирча сандиқда тура турсин, кейинроқ тақарсан, – деди Мазҳар. Зотан, унинг ўзи ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди.

Дафъатан ташқаридан Ҳожар хонимнинг овози эшитилди.

– Мазҳар, ўғлим!

Эр-хотин саросимага тушиб қолишди. Назан чакқонлик билан қутичани сандикқа солди-ю, дарҳол уй эшигини очди.

Бўсағада Ҳожар хонимнинг ғазабдан тиришган юзи кўринди:

– Куппа-кундуз куни нима қияпсиз уйнинг ичида?

– Қизиқ савол, – асабийлашди Мазҳар. – Хоҳлаган ишимизни қияпмиз!

– Қойил! Офарин!

Ҳожар хоним эшикни қарсиллатиб ёпаркан, ўз хужрасига қайтди. Мана севимли ўғлидан чиққан гап. Онасига шунақа дедими? Онасига-я? Ҳаммасига ўша ялангоёк келини сабабчи. Онасидан совута бошлабди. Яна кундуз куни қайтгани-чи? Бир гап бор бу ерда.

Шу пайт эшик очилиб, бўсағада Мазҳар бўй берди.

– Нега келдинг? – захрини сочди она. – Нима керак сенга?

– Бу нима деганингиз, ойижон? Нима бўлди сизга?

– Дард бўлди, бало бўлди. Бор, ўтиравер, ўша хотинчангнинг бутига тиқилиб.

Ўғлини итариб, эшикни ёпди.

Онасининг бу тахлит ўзгариб қолгани Мазҳарнинг эътиборидан четда қолмаганди. Ахир бу қачонгача давом этади? Агар бу аёл унинг онаси бўлмаганида...

У хаёлчанлик билан ётоғидаги креслога ўзини ташлади. Худди кенг чойшабдек ёйилган денгиз бағрига қуёш бош қўймоқда эди. Қарғалар галаси зулмат парчалари мисол ҳар ёққа сачрайди.

Оғир ўйларга берилиб ўтирган чоғида ўғли Ҳалдун хонага ҳовлиқиб кирди.

– Нима бўлди, ўғлим? – сўради Мазҳар сергакланиб.

– Бувим мени ёмон сўзлар билан қувиб юборди.

– Буving нима деди сенга?

Ҳалдун аввал гапиришни истамагандек жим қолди.

– «Даюс отанг билан фоҳиша онангнинг ёнига бор» деб уришди.

У ғазабдан титраб, ўзини ташқарига урмоқчи бўлганида, уйга кириб қолган хотини унинг қўлларидан тутиб қолди.

– Нима бўлди? Қаёққа ошиқяпсиз?

У Ҳалдундан эшитган сўзларни қайтарганида, Назаннинг юзларида бирор ўзгариш сезилмади.

– Керакмас, борманг, – ўтинди у эрининг қўлларига ҳамон маҳкам ёпишиб тураркан. – Ахир у бегонамас, онангиз-ку? Агар мени севсангиз, борманг. Барибир мен айбдор бўлиб қолавераман.

Мазҳар аранг ўзини қўлга олиб, креслога чўкди. Назан ўғлини етаклаб хонадан чиқиб кетди. Нариги хонада кийимларни дазмоллашни давом эттираётганида, Ҳалдун бурчакда ўйинчоқ паравозини юрғизишга киришди.

– Мен бувимни ёмон кўраман, – минғирлади болакай паравозини хаёлчан ўйнаб.

Назан илкис ишидан тўхтади:

– Бу нима деганинг? Ҳеч замонда одам бувисини ёмон кўрарканми?

– Бувим сизни Ножия холага роса ёмонлади.

Назан қайнонасининг кўшни аёлга қандай ёмонлаганини тасаввур этса-да, индамади. Ўғлининг сарғиш сочларини сийпалади.

– Бувиларнинг ҳамма гапларига ҳам болалар эътибор беравермаслиги керак.

Дазмолни битириб, дастурхонни тузади. Кейин оҳиста қайнонасининг эшигини чертди. Жавоб бўлмагач, секин ичкарига мўралади. Ҳожар хоним хонанинг бир бурчагида хўмрайганча ўтирарди:

- Сенга нима керак? – ўшқирди у қовоғини очмай.
- Овқат тайёр эди. Чикмайсизми?
- Овқатинг бошингда қолсин, – тўнғиллади қайнона.

Кечки овқат нохуш кайфиятда тановул қилинди. Эрхотин анча пайтгача ухламай ўтиришса-да, бу масала хусусида оғиз очишмади. Эртаси куни Мазҳар тонг саҳарда ишга отланди.

### 3

Адвокат Мазҳар ўз иш хужрасида бошини чангаллаганча хаёлга чўмганди. Онасини қандай қилиб йўлга солса бўларкин? Наҳотки кечаги гапларни ростдан онаси гапирган бўлса? Она ҳам ўз ўғлини келинидан шунчалик кизғанадими?

«Бирор йўлини топиш керак, – ўйлади у сигарет тунини симираркан, – балки бошқа уйни ижарага олиб бериш керакдир? Йўқ, баттар ғазабга минади. У бир ўзи яшай олмайди. Нима қилса бўларкин?»

Хонага қўшниси Ножиянинг эри Ризо кириши билан хаёли бўлинди. Ризонинг ялтоқланиб таъзим қилганига эътибор бермай, қуруққина сўз қотди:

– Эшитаман, нима хизмат?

– Кеча муҳтарама онангиз кулбаи вайронамга қадам ранжида қилган эди. Бир масала хусусида ул зот билан гаплашган эдик. Балки жанобингизга етказгандир?

– Йўқ, онам менга сиз ҳақингизда ҳеч нарса демади. Билишимча, иш масаласида бўлса керак?

– Худди шундоқ, афандим.

– Бирор хунарингиз борми?

– Бироз муддат ўрта мактабда таълим олганман. Қанақа иш бўлса ҳам қилавераман.

Беихтиёр Мазҳарнинг ёдига бир яқинининг бари тушиб қолди.

– Барда ишлайсизми? – сўради ундан.

– Майли, жон дейман. Ўзи сизнинг бир танишингиз бор экан. Ҳозир унинг иши сизнинг қўлингизда эмиш. Унинг барида танишим ишлайди. Агар сиз ундан сўрасангиз, сўзингизни ерда қолдирмас экан.

– Майли, гаплашиб кўраман.

Ризо яна бурни ерга теккудек қуллуқ қилди.

– Аллоҳ умрингизни узун қилсин, мабодо фақирингизга хизмат йўқми? Уйга ул-бул обориш керак бўлса...

Котиб йигит ҳали ишга келмаганини кўриб, чўнтагидан пул чиқарди:

– Агар малол келмаса, гўшт, бақлажон, помидор ва узум олиб борсангиз. Жуда хурсанд бўлардим.

Ризо таъзим қила-қила кўшнисининг айтганларини олиш учун бозорга йўл олди. Эри жўнатган бозорликни Назаннинг ўзи эшик оғзида қабул қилиб олди.

– Узр, сизни ҳам хизматга қўйибмиз.

– Ҳечкиси йўқ, ҳамиша ҳозирман. Катта хоним уйда-милар?

Назан ўғлини чақириб, кулоғига нимадир деб пичирлади. Бола югуриб бувисининг хужрасига қараб кетди. Бироздан сўнг кош-кўзлари обдон бўялган Ҳожар хоним чиқиб келди:

– Ризо афанди сен билан гаплашгани келибдиларми ё мен билан?

Назан бўйинини эгиб, орқага чекинди. Ҳожар хоним Ризобейга еб қўйгудек ҳирс билан тикилди.

– Ҳуш келибсиз.

– Ўғлингиз менинг илтимосимни ерда қолдирмади. Шунга раҳмат айтиб, қўлингизни ўпгани келгандим.

Ҳожар хоним кеча бу ҳақда гапиришнинг мавриди бўлмаганини эслаб, бироз қизаринди:

– Узр, кеча мен ўғлимга бу ҳақда гапиролмагандим. Келиши билан куппа-кундуз кун хотинининг ёнига ки-

риб келди. Сиз ҳам кундузи хотинингизнинг ёнига кириб турасизми?

– Ё тавба, мутлақо, мутлақо, – одатига кўра ялтоқланишга тушди Ризо. – Агар рухсат берсангиз...

Кўшнининг кетишга чоғланаётганини кўриб, Ҳожар хонимнинг кошлари чимирилди.

– Нима, шунчалик тез жонингизга тегдимми? Қочмоқчи бўляпсиз?

– Ие, хоним, аксинча, сизнинг суҳбатингиз камини учун шараф. Фақат қимматли вақтингизни олмаслик учун...

Ҳожар хоним кўшнининг деразасига кўз ташлади:

– Хотинингиз ҳалидан бери бизни кузатиб ўтирибди.

Ризо деразасидан қараб турган хотинини кўриб, энсаси қотди.

– Ҳечқиси йўқ, хоним, эътибор берманг. Хизматингиздаман.

– Майли, чиқиб тулинг, гаплашармиз, – деди Ҳожар хоним кибор билан ортига бурилиб.

Ризо ҳам эгилиб-букилиб, ўз уйига қайрилди. Хотини Ножиё қўлини белига тираганча кутиб олди:

– Намунча у кампир билан валақлашиб қолдингиз?

– Қўйсанг-чи, – қўл силтади Ризо. – Энг асосийси, ишим ҳал бўлди. Ўғли мени барга ишга жойлаштираркан.

– Яхши, – Ножиёнинг қовоғи барибир очилмади. – У кампир нима деб бошингизни қотиряпти? Ўзи сизга анчадан бери ола қараб юрибди.

– Ол-а! – Ризо афтини буриштирди. – Энди шу олтишдан ошган кампирданам қизганасанми?

– Ҳечам, ҳали элликкаям кирмаган.

– Менга деса ўттизда бўлмайдими? – Ризо бефарқ қўл силтади. – Энг асосийси ишга кириб олсам бўлгани. У ерда яхши пул топса бўлади. Танишларим ўша ерда иш-лашади. Дунёнинг пулини топишди. Мен ҳам орттирган

пулимни банкка қўйиб, анча кўпайганидан кейин бирорта майхона очардим.

– Кейин менга нима олиб берасиз?

Ризо хотинига ола қараб қўйди.

– Ие, хали пишмаган ошга баковулликни ким қўйибди сенга. Қани кир уйга!

#### 4

Ҳожар хоним ўғлининг феълини яхши биларди. Бир аразлаб қолса, тез юмшайди. Дарров онасининг олдига келиб, хушомад қилишни бошлайди. Аммо, бу гал ундай бўлмади. Кечадан бери онасидан бирровгина ҳол сўрагани йўқ. Эрталаб сўрашмасдан ишга кетворди.

Мана, ўғлининг аҳволи. Ўша оймчасини деб, онадан кечиб ўтирибди бу номард. Ахир бутун умрини, ҳаётини шу ўғлига бағишлаган эди-ку! «Ўғлим ўгай отанинг кўлида қолмасин» деб бошқа эрга ҳам тегмади.

Қани эди шу тобда «эр чикса, тегармидинг, биттаси эшигингни қоқиб келмади-ку?» деб сўрайдиган мард топилса? Ҳамма хушторлари у билан кўнгилхушлиқдан бош тортмас, аммо уйланишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Ҳаётидаги эркакларни бирма-бир хотирлашга уринди. Биринчи бўлиб эсига тушгани Фурузанбей бўлди. У бир пайтлар Боби-Али тумани девонхонасида ишларди. Ҳар гал Ҳожар уларнинг уйига кир ювиш учун борганида, Фурузанбейнинг ё томоғи, ё боши оғриб ишга бормас, бейнинг онаси ҳам бунинг сабабини англаб, ўғлининг маишатига ҳалал бермаслик учун бирор ёкка йўл оларди.

Олдинлари Фурузанбей қанчалик тортинчоқ эди-я? Ўшанда энди танишган эдилар. Ҳожар уларникига кир ювгани борган, хонадон бекаси қаёққадир чиқиб кетганди. Ҳовлининг бир четида кир чайётган пайти Фурузанбей



унинг ёнига шарпадек сирғалиб келганди. Ҳожар аввалига кўрқиб кетди. Кейин дарров ўзини қўлга олиб, кўкраги аниқроқ кўриниши учун хиёл эгилди.

– Бей афандим, томоғингиз тузалиб қолдимми?

– Томоғим оғриётгани йўқ, – деди Фурузанбей ва шарақлаб кулиб юборди. – Бу сен билан ёлғиз қолиш учун бир баҳона эди, холос.

Бу эътирофдан Ҳожарнинг боши айланиб кетди. Орадан бир неча сония ўтмасдан ўзини чиройли, хушсурат бу йигитнинг кучоғида кўрди. Йигитнинг титроқ қўлларини вужудида ҳис этиб, кўзлари роҳатдан юмилди.

– Илтимос, бунақа қилманг, – деди инжа бир товушда йигитнинг қонини тагин-да қайнатаркан. – Ойингиз келиб қолмасинлар.

Кейин эса, унинг қўлидан балиқдек сирғалиб, бир уюм кийимлар устида ястанди...

Ҳозир Ҳожар тасбеҳ доналарини бирма-бир ўғираркан, ўша тотли лаҳзаларнинг лаззатини вужудида ҳис этгандек бўлди. Кўча эшикнинг тақиллашидан Ҳожар хонимнинг фикри бўлинди. Девор соати пешин вақтини кўрсатиб турарди. Демак, ўғли тушлик қилгани келган бўлиши керак.

Мана, ўғлининг таниш қадам товушлари! Унинг эшиги ёнидан ўтиб кетганини аниқ сезди. Бироздан сўнг, неварасининг «дада, мени осмонга ирғитинг» деган илтижосини эшитди. Кейин эр-хотиннинг баравар кулгиси жаранглади. Кампирнинг ичида бир ўт аланга олгандек бўлди. «Онасини бирров эсламадиям» дея хаёлидан ўтказди Ҳожар хоним.

Онага шунчалик ҳурматсизлик бўлиши мумкинми? Онасининг бор-йўғи билан ҳам қизиқмай қолган кўринадидек бу тентак. Эрта бир кун келиб, «ойи, сизга бошқа уй топдим, ўша ерда тинчгина яшайсиз» деб чиқариб юборишдан ҳам тоймайди. Қўлидаги тасбеҳни ғазаб билан четга

ирғитди. У нима қилиш ҳақида аниқ фикрга келиб улгур-ганди.

«Кўрсатиб қўяман, – деди ўзига ўзи айвондан пастга тушаркан. – Ишхонасига бориб, шармандасини чиқараман. Ҳали бу шаҳарда бошини кўтариб юролмайдиган бўлади бу нобакор ўғил!»

Аммо бир неча қадам юриб, фикридан қайтди. Йўқ, ахир бунақада ўғлини тамомила қўлдан чиқариб қўяди-ку! Кейин Мазҳарбей унга қайрилиб ҳам қарамайдиган бўлиб қолади. Ҳеч ким Ҳожар хонимни «муҳтарам Мазҳарбейнинг онаси» деб чақирмай қўяди-ку? Кейин яна оддий «кир ювувчи»га айланадими? Худо сақласин!

Ўғлини шу даражага етказгунча озмунча қон ютмадими! Ўғлидан у ҳеч нарсасини қизғанмади. У-чи, битта насл-насабининг тайини йўқ энгилтак аёлни деб онасини оёқости қилиб кетавераркан-да? Йўқ, ўғлининг тенги бу ялангоёқ эмас. Сулаймонияда қайси қиз унга жон деб тегмас экан?

Беихтиёр Мазҳарнинг отасини, кизғиш мўйлови ўзига ярашиб турган зобитни кўз олдига келтирди. Оғир хўрсиниб олди. Мазҳар ҳам қуйиб қўйгандек отасининг ўзи.

Эшик очилди. Ҳожар хоним кўз қири билан бўсағада бўй берган ўғлига қаради. У онаси томонга қўл узатганича, жилмайиб турарди. Йўқ, бу қадар осон энгилмайди у!

– Мени тинч қўй, – деди йиғламсираб. Ўзини каравотга ташлаганча, ёш боладек ҳикиллаб йиғлай бошлади. Мазҳарбей онасининг ёшига муносиб бўлмаган бу ҳаракатларга ҳайрон-лол боқиб турарди. Кейин, онасига яқинлашиб, унинг елкасига бош қўйди:

– Ойижон!

– Ойи дема мени, уятсиз! Мен ҳеч кимнинг онаси эмасман. Менинг ҳеч кимим йўқ бу оламда. Бор ўша севимли хотинчанг билан эркатой ўғлингнинг ёнига. Сенга онанинг нима кераги бор? Ана, сени тукқан ҳам, боқиб катта

килган ҳам ўша хотинчанг! Бир-бирингга кўзу қошдек муносиб тушгансиз. Мен ораларингда чақиртиканак бўлиб нима қиламан?

Хонага ирғишлаб кирган Ҳалдун бувисининг бўйнига осилди. Назан эса, ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, бўсағада тараддудланиб турарди. Қайнона келинига еб кўйгудек тикилди. Назан қайнонасининг кўлини ўпиш учун энгашганида, Ҳожар хоним сесканиб, кўлини тортиб олди:

– Йўқол, кўлимни ҳаром қиласан, мегажин!

Назаннинг охуникидек чиройли кўзлари жикка ёшга тўлиб ортига қайтди.

Адвокат хотинининг ортидан термилиб қолди. Бечоранинг гуноҳи нима ахир? Кундузи эри чақирганида, ёнига кирганими?

Нихоят, Мазҳарбей ҳам онасининг ёнидан чикди. Кампир дераза ойнасидан, ташқаридан кўз узмасди. Мана, Мазҳар супада нон кесаётган Назаннинг ортидан бориб, унинг кулоғига нималарнидир пичирляпти. Келинига зимдан разм солди. Чиройли?! Нимаси чиройли? Ҳожар хонимнинг ёнида ип эшолмайди. Ахир у шу пайтгача кимларни ром этмади...

У дераза пардасини бироз очди. «Эргаям шунақа мулозамат кўрсатадим», ўйлади эри билан ҳазиллашаётган келинини кўриб.

Жимгина тамадди қилишди. Эр-хотин овқатланиб бўлгач, ўз хоналарига ўтишди.

– Юр, очик ҳавода сайр қилиб келамиз, – таклиф киритди Мазҳар.

Назаннинг юзида ҳам андиша, ҳам тараддудга ўхшаш бир ифода югурди.

– Ойингизни ҳам таклиф этасизми?

– Йўқ, ўзимиз кетаверамиз. Ойим йўлда яна жанжал бошлайди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, эр-хотин қўлтиклашиб чиқишди. Ҳожар хоним деразасидан безрайганча қараб қолди. Орқа дераза томонга ўтиб, ўғли ва келинининг фойтунга минаётганини кўрди. Ҳалдун отасининг тиззасига ўтириб олди.

Лоақал бир оғиз хайрлашмадилар. Ҳаммасига шу ялангоёқ келини айбдор.

Арава узоклашгач, хонимнинг миясига бошқа бир ўй келди: Ўша куни эр-хотин ой-куннинг ёруғида нега уйларига биқиниб олишдийкин? Бир-бирини соғиниб, кеч тушишини кутишга тоқатлари етмадими ёки бошқа бирор гап бормиди?

Кимдир сезиб қолишидан қўрққандай, оёқ учида келинининг ётоғига кирди. Эшикни кулфлашмаган экан. Итариб кирди. Бурнига лаванда гулининг хушбўй атри урилди.

Хонани диққат билан кўздан кечирди. Хонада икки кишилик диван қўйилган, деворда ўғли ва келинининг тўй суратлари осиглиқ турарди. Ҳаракатчан нигоҳлари устига туя териси қопланган сандикда тўхтади. Бу чиройли сандикни ўғли Истанбулдан олиб келганди. Агар ялангоёқ келини бўлмаганида, бу сандик ҳам унга тегарди. Қопқоғини кўтарди, очик экан. Ичида устма-уст турган бўғчаларни олиб бир четга тера бошлади. Буларнинг ичида ундан яширинча сотиб олинган нималар бор экан-а?

Бўғчалардан бирини очмоқчи эди, бирдан тўхтади. Балки келини атайин сандикни ҳам, уйни ҳам очик қолдиргандир? Бўғчалар қовланганини эрига кўрсатиб, яна қайрамоқчи бўлгандир, эҳтимол?

Дархол бўғчани четга қўйди. Бу ярамас хотиндан кутса бўлади. Ер боқардан ер кўрқар, дейишади. Жимгина юргани билан, нақ илоннинг ўзи, бу ергина юткур!

Ие, нима келинидан кўрқармиди? Ўз уйи, ўзининг ўғли бўлганидан кейин, сандиғини титкилашга ҳаққи йўқ

эканми? Асабий тўнғиллаганча дуч келган бўғчани оча бошлади. Камзуллар, ички кийимлар, сочиқлар... буларни аввал ҳам кўрган. Ўғли хотинига нима олса, онасини ҳам унутмасди.

Иккинчи бўғчани очиши билан ерга баркут кутича тушиб кетди. Ҳожар хонимнинг ҳаяжони кучайди. Бунақа кутичага аввал кўзи тушмаганди. Ичида нима бор экан? Олмос кўзли узук?!

Ҳожар хоним ҳолсизланганча ўтириб қолди. Боши айланиб, кўзлари тиниб кетди. Ҳа, ўғли ростдан ҳам хоинга айланибди. Эртага хотинининг гапи билан онасини кўчага чиқариб ҳайдашдан ҳам тоймайди бу бевош бола.

Ҳожар хонимнинг ўпкаси тўлиб, кўзлари ёшланди.

Узукка термилди. Қанчалик қимматбаҳо экани кўриниб турибди. Олмос кўзи ялтираб кўзни қамаштиради. Қанчага олдийкин?

Шаҳодат бармоғига тақмоқчи бўлганди, сиғмади. Номсиз бармоғига тўғри келаркан. Нима бўлганда ҳам, жуда чиройли узук экан. Кошки, ўғли бу узукни хотинига эмас, унга совға қилганида эди. Умирида бунақа узук тақиб кўрмаган.

Яна бир савол: келини сайр қилишга чиққан экан, нега узукни тақиб чиқмади? Қайнонам кўрмасин, дебми? Ё эри «ойимга кўрсатма» деб тайинладимикин? Ноқобил бола ўша шумоёқ етимчани туққан онасидан афзал кўрса-я?

Эшик тақиллади. Ҳожар хоним узукни ғилофига солиб, сандиққа ташлади. Устидан бўғчаларни териб чиқди. Оҳиста деразадан қаради: қўшниси Ножия экан. Эшикнинг зулфинини туширди. Ножия тепага чиқишни истамади.

– Ўғлингиз билан келинингиз сайрга кетишди, сизни нега опкетишмадийкин, дея хавотирланиб чиқувдим, – деди Ножия хайрихоҳ товушда.

– Юр, деб кўйишмади, – юзини буриштирди Ҳожар хоним. – Ўзимнинг боргим келмади. Санғишга бало борми? Ие, нега турибсан, чиқсанг-чи.

– Йўғ-е, кетаман, ишим зарур, – деди Ножия хоним. Лекин ўз гапига қарама-қарши ўлароқ, зиналардан юқорилади. Супа устидаги хонтахта ортига ўтиб ўтирди.

– Хонимафандим, Мазҳарбей эримнинг ишларини ҳал қилиб берди, шунинг учун бошимиз осмонда, – деди Ножия қимтиниб.

– Ҳа, ўғлимга бир оғиз айтгандим, тўғирлаб берди, – кеккайди Ҳожар хоним. – Ўзи яхши бола-ку, хотини жуда нобоп чиқди. Куппа-кундуз куни эрини ётоққа судраса-я?! Сенам кундуз куни эринг билан ётоққа кирасанми?

Ножия ичида «нега кирмас эканман?!» деса-да, сиртида бошқача гапирди:

– Вой шарманда, нақ пешин палласи қайнонасининг кўз олдида эрини ётоққа опкирадими? Нима сабабдан?

– Сабабини ўргандим, – ғурурланди қайнона. – Улар шоҳида юрса, мен баргида юраман. Қани, юр бу ёққа, сенга бир нарса кўрсатаман.

Ножия Ҳожар хонимнинг ортидан Назаннинг уйига кираркан, у ердаги янги, оҳори кетмаган жиҳозлар, чўғдек ёнган гиламлар, кўрпаю кўрпачаларни кўриб, ич-ичидан ҳасад уйғонганини ҳис этди.

– Қара бунини! – Қайнона сандиқдан бояги узукни олиб кўрсатди. Беихтиёр Ножиянинг кўзлари косасидан чиққудек олайиб кетди.

– Вой, хола-а-а, – бошини ликиллатди Ножия. – Қаранг, ўғлингиз хотинини қанчалик севар экан-а? Бўлмаса, шундай қимматбаҳо узук олиб берармиди?

Шу лаҳзада Ҳожар хоним узукни кўрсатиб хато қилганини тушунди. Энди «Мазҳарбей хотинини онасидан кўра кўпроқ яхши кўраркан» деган хаёлга боради. Зарда билан қутичани сандиққа ташлаб, қопқоғини ёпди. Ташқари чиқишди.

Айни пайтда Ножиянинг ҳам руҳи тушиб кетганди. Ахир унинг қурумсоқ эри шу чокқа қадар олмос кўзли узук у ёқда турсин, оддийроғидан ҳам олиб бермаганди. Ахир Назандан унинг қаери кам? Демак, эрининг олдида унинг зиғирча ҳам қадри йўқ экан-да?!

Бу пайтда Ҳожар хоним бўйнидаги шакартомирларини бўрттирганча, алланималарни уқтирар, аммо ўз хаёлларига берилган Ножиянинг қулоғига бу гаплар кирмасди.

Ножиянинг хўрлиги келди. У ҳам аёл-ку? У ҳам бошқаларга ўхшаб, эридан ҳадялар олгиси келади. Унинг эри-чи? Ҳар куни кечки пайт қовоқ тумшуги осилиб келади. Кейин кийимларини ҳам ечмасдан ўзини каравотга отади, орқасига ўгирилганча хуррак отишни бошлайди. Ҳали ёши қирққа бормасдан шу аҳвол бўлса, олтмишдан ошгач, нима бўларди?

Ҳожар хонимнинг шанғи овози уни ҳушига келтирди:

– Ўзинг айт, гапим нотўғрими?

– Тўппа-тўғри, – деди Ножия гарчи ҳеч нарсани эшитган бўлмаса-да.

– Агар ўғлимни бошқасига уйлантириб қўймасам, Ҳожар отимни бошқа қўяман. Бу қанақаси бўлди? Емай едирсам, ичмай ичирсам, бир парча этни ўстириб одам қилсам-да, бир етимча-етти қулчанинг олдида бир пуллик қадрим бўлмаса... Менинг уйимга келиб одам бўлди. Бир пайтлар юрарди Сулаймонияда чоригини судраб.

– Тўғри, хола.

– Онасининг қорнидан олмос кўзли узук тақиб тушганмиди? Ким билсин, бу савилни сотиб олгунча ўғлимнинг бошига не қунларни солди экан? Биз ҳам хотин бўлганмиз. Биз ҳам эр... эр қўрганмиз. Лекин уларнинг ҳеч бирини бўйнигача қарзга ботириб, қимматбаҳо узук олдирмаганмиз.

Ҳожар хонимнинг ичи ёниб кетдими, ошхонадан бир стакан сув олиб келди, ярмини ичиб, ярмини стол устига қўйди.

– Бу мегажин менинг ўғлимнинг тенги эмас. Болагинам содда-да, бунақа нарсаларга акли етмайди. Хотини «онанг билмасин» деган бўлса, дамини чиқармай юрган-дир. Бўлмаса, мендан сир яширадиган одати йўқ эди.

– Ҳа, ўғлингиз ҳам кўй оғзидан чўп олмайдигангина йигит.

– Э, боламнинг шўри бор экан. Бўлмаса, шунча қизлар турганда...

– Хола, бу дейман, келинингиз «иссиқ-совуқ» қилиб, ўғлингизни сиздан тортиб олган бўлмасин!

– Тўппа-тўғри, – Ҳожар хонимнинг кўзлари порлаб кетди. – Қара-я, шу эсимга келмабди.

– Ҳусни дугонам айтганди, шаҳарда бир домла бор экан, эллик қуруш берса, «иссиқ-совуқ» қилиб бераркан. Ким билсин, хола, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бўлмаса шундай қиммат узукни қарз-қавола қилиб қайси эркак хотинига олиб бериши мумкин?

– Шуни айтаман-да, бўлмаса, ўғлим шу пайтгача менинг розилигимсиз бир луқма ош емасди.

– Унда мен Ҳуснини топай, кўлига бир-икки лира берсак, ўша домлани топиб, қайтарма қилдириб келади. Қарабсизки, «иссиқ-совуқ»дан асар ҳам қолмайди.

– Ўша Ҳуснининг ёнига мени ҳам олиб борасанми?

– Йўқ, у бегоналар билан учрашишни истамайди. Полициядан кўрқади. Бугуноқ унинг ёнига бораман, нима деса, келиб сизга айтаман. Хотиржам бўлинг, Ҳожар хола...

## 5

– Узукни қарзга олмадингизми, ишқилиб, – сўради Назан.

– Йўқ, – деди Мазҳар. – Ҳар гал пештахта ёнидан ўтганимда кўзимга оловдек кўринарди. Кўлимга каттароқ пул тушиши билан, олиб сандиққа ташлаб қўяман, дер-



дим. Олинган нарса олинган жойида қолади. Кейин... сенга уйланиб, каттароқ тўй ҳам қилиб беролмадим. Лоақал маҳр ҳам олиб берганим йўқ эди. Шуларни ўйлаб, сотиб олдим.

Улар ўша пайтларда урф тусини олган оилавий казиноларнинг бирида чой ичиб ўтиришарди. Замонавий одатларни тез ўзлаштирадиган Мазҳарнинг бундай давраларда хотини билан чой ичиб ўтириши атрофдагиларга ғалати туюларди. Чиндан ҳам эркаклар кирадиган жойга аёл кишини олиб кириши ғалати-ку.

Назан ҳам ён-атрофдагиларнинг ғалати қарашларидан ўзини ноқулай сезса-да, сезмаганга олиб ўтирарди. Ахир бу ерга уни эри олиб келди. Агар Мазҳар «нариги дунёга кетдик» деса ҳам унга эргашган бўларди.

Бироқ Назаннинг сокинлиги Мазҳарга оғир ботди. Шундоқ қимматбаҳо узукни ҳадя қилса-ю, бунинг хотиржам ўтиришини қаранг. Бошқа аёл бўлганида ҳозир ўтиргани жой тополмай юрган бўларди.

– Узукни ойнингизга кўрсатмабсиз-да, – деди Назан ерга тикилиб.

– Нега?

– Билмасам, ҳар ҳолда ойнингиз.

– Биринчидан, сенга аввал ҳам айтганман, мени сизламагин, деб. Кейин оймнинг тарафини олиб ўтирма. У ўзини хафа қилиб кўядиганлардан эмас. Оймни биламан-ку!

Мазҳар асабийлашгани учунми, боши оғрий бошлади. Хотини «сиз»ласа, у ўзини худди бегона аёл билан гаплашиб ўтиргандек сезади. Тўйларига беш йил бўлди. Лекин Назан ҳалиям шу расмиятчиликни йўқотгани йўқ.

Назаннинг миясини бошқача ўйлар банд этганди. Ичидагини сиртига чиқара олмаса нима қилсин? Баъзи хотинларга ўхшаб, ёлғондакам ялтоқланишни билмайди. Эрининг бўйнига осилиб, эркаланишни, «асалим, шакарим»

деган гапларни айтишни ўзига эп кўрмайди. Эри ҳам шундан норози.

Мазҳар бошқача. У қувончини ҳам, ғазабини ҳам, хайратини ҳам очиқ-ошкор кўрсата олади. На илож, ҳаммининг табиати ҳар хил-да!

– Ҳалдун қаерга кетиб қолди, – деди жимликни бузиш учун.

Мазҳар атрофга кўз югуртирди. Казинонинг бир четида семиз киши ўз-ўзига ароқ қуйиб ичаётган эди. Мазҳарнинг кўнгли суст кетди. Ўғлини излаш баҳонасида ташқарига чиқди. Ўғли кўчанинг четида бир извошчи билан худди катталардек гап бериб ўтирарди.

У извошчи билан ўғлининг суҳбатини четдан завқланиб эшитиб турди.

Ҳалдун отасини кўриши билан у тарафга югурди. Ўғлини ичкарига, хотинининг ёнига олиб келганида яна бошида кучли оғриқ турганди.

– Турамизми? – сўради Мазҳар.

– Сиз биласиз, – деди Назан бошини эгиб.

Бу тахлит жавоб Мазҳарга ёқмасди. Ахир аёлнинг ҳам ўз фикри бўлиши керак-ку? Ҳамма нарсада эрининг хошишига суянаверадими?

Қайтишди. Қуёш уфқлар бағрига оҳиста бош қўймоқда эди. Қайнона ҳалиям уйдан чиқмай ўтирарди. Назан ич-ичидан бир кўркув туйди. Уйда тўфондан олдинги сукунат ҳукмрондек эди.

– Бориб ойингизнинг кўнглини олинг, – деди Назан кийимини алмаштириб чиқаркан.

Ҳамон бош оғриғидан азоб чекаётган Мазҳар ойисининг тиканли сўзларини олдиндан тасаввур қилиб, юзи тиришди. Пижагни ечиб, каравотга узанди. Қаттиқ чарчаганини ҳис қилди. Негадир юраги сиқила бошлади. Яна боя, казинода ароқ ичиб ўтирган одам кўз олдига келди. Унга ҳаваси келди.

Хотинини чақирди. Назан сандиғини ковлаштираётган эди. Эрининг ёнига югуриб келди.

– Бир икки қултум ичмасам, бўлмайдиганга ўхшайди. Газак, пишлоқ ҳам олиб кел.

Назан ҳозиргина сандиқдан олган узук қутисини силаб-сийпаларкан, нари кетди. У эрининг ароқ ичишини истамасди. Ичса, эри сержаҳл, кўрқинчли одамга айланади. Гоҳида ўта сергап, ҳазилкаш бўлиб қолади. Гоҳида кечаси билан аёлини ухлатмай чиқади.

Назан истар-истамас эрининг айтганларини ҳозирлади.

Хонтахта устида турган ароқни деразанинг ёнидан ўтиб кетаётиб, кўз қири билан кўриб қолган қайнонанинг яна қони қайнади.

«Вой илон, ўғлимни қарзга ботириб, олмос кўзли узук олдиргани етмагандек, яна ароқ ичирыптими бу ялмоғиз. Ҳали шошмай тур, эрни онасидан совутиш, иссиқ-совуқ қилиш, «амал» едириш нималигини мен сенга кўрсатиб кўяман».

Мазҳар қадахни бўшатиб, анча енгил тортди. Кейин сигарет тутатди. Кўзига дунё анча чиройли кўрина бошлади. «Дунё бор экан-ку» деди ўз-ўзича кафтини бир-бирига ураркан.

Бироз муддат хаёлга чўмди. Лицейда ўқиб юрган кезларини эслади. Қандай ажойиб дамлар эди. Ерга урса осмонга сапчидиган йигит эди бир пайтлар.

Хотинининг сассиз кириб келиши хаёлини олди.

– О, марҳабо, марҳабо!

Назан индамади.

– Сенга гапиряпман, нега жимсан, – қошларини чимирди эри.

– Эшитаман, афандим.

Хотинига қараб туриб, миясига бир ўй келди. Хотинига ароқ ичирса, қандай бўларкин? Балки сал ўзгариб,

жонланиб қолармиди? Ахир ичкилик ҳар бир инсоннинг зохирий қиёфасини юзага чиқаради.

Қадахни тўлдириб унга узатди.

– Қани, ич буни!

Назаннинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. Эри ҳазиллашяптими? Ахир у қанақасига ичиши мумкин?

– Нега турибсан? Ол, дедим.

– Мен? Мен ароқ ичаманми? – сўради Назан ҳайратланиб. – Вой ўла қолай.

– Эринг заҳар тутса, ичишга мажбурсан, – деди ширакайф кўзларини сузиб Мазҳар.

– Заҳар бўлса ичардим, – деди Назан кўзларидан ёш тиркираб, – лекин бунақа ҳаром нарсани...

– Ич дедим. Гапимни қайтарма!

– Ўтинаман, Мазҳарбей, ҳидидан кўнглим айниб кетяпти.

Хотинининг ўжарлиги Мазҳарни асабийлаштира бошлади.

– Оласанми, йўқми?

Назан ночор қадахни бурнининг тагига келтирди, аммо ўткир хиддан нафаси қайтиб, юзини буриштирди.

– Ичолмайман, – дея қадахни хонтахта устига қўйди.

– Ич дедим, – тутакиб кетди Мазҳарбей. – Ё ичасан, ё... ўласан!

Назан эрига қўрқув ва ҳадик билан қараб олди, кейин кўзларини чирт юмиб, ароқни оғзига олди, аммо ютолмади. Аччиқ таъм оғзини куйдира бошлаганди. Бирдан ўқчиб, беихтиёр оғзидагини тақсимчалар устидаги газакка қараб пуркади.

– Йўқол, – деб бўқирди Мазҳар, – даф бўл!

Назан гуноҳкорларча бошини эгиб, ортга чекинди. Ётоғига ўзини урди. Ҳамон деразадан эр-хотин можаросини кузатиб турган Ҳожар хонимнинг оғзи қулоғига

етди. Ҳозирок ичкарига кириб, ўғлини кучоқлаб ўпгиси келди.

Мазҳар яна қадахни тўлдириб, бир кўтаришда бўшатди. Кейин бошига дўпписини бостириб, ташқари чикди.

Хотинидан ҳам, онасидан ҳам кўнгли тўлмасди. Ал-батта, бу икки аёлни солиштириб бўлмайди. Масалан, Назан ароқ ичишни катта гуноҳ деб билса, Ҳожар хоним беш вақт намоз ўқишига қарамасдан, ортиқча манзиратни кутмай, қадахни бўшатган бўларди. Аммо нима бўлганда ҳам, ҳар икки аёл туфайли унинг тинчи йўқолган.

Онаси-ку ўта инжиқлиги, ёшига номуносиб қилиқлари, келинига нисбатан ноҳақ хатти-ҳаракатлари туфайли кўнглини колдирган. Хотини-чи? Қачон қарама, ерга тикилиб тураверади. На ноз-фирокни билади, на ҳазил-хузулни. Уриб ўлдирсанг ҳам бошини эгиб тураверади. Аёл деган шўх, шаддод, ҳазилкаш, очик юзли бўлса-да! Бундай аёллар билан бир даврада ўтириш ҳам завқли.

Адвокат Қадрининг аёли Леман ёдига тушди. Узун бўйли, юз-кўзидан табассум ёғилиб турган, бир гапириб ўн куладиган аёл. Борган жойни яшнатиб юборади, сен билан тенгма-тенг суҳбатлашади, улфатчилик қилади.

Қанийди, шундай аёлинг бўлса! Ишдан қайтишинг билан шодон қаҳқаҳа билан кутиб олса, бўйнингга маҳкам ёпишиб, пайдарпай ўпа кетса...

Айни лаҳзада хотини унинг кўзига ўта нотавон, кўримсиздек туюлди. Нега шу пайтгача бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрмади экан? Хотини ғирт латтанинг ўзи. Жонсиз кўғирчоқ нима-ю, у нима?

«Аёлим қаттиқ чарчаган, ишдан чиққан!», дея хаёлидан кечирди.

Ростдан ҳам эртадан кечгача ошхонадан чиқмайди. Нукул тимирскилангани тимирскиланган. Онаси уни «хизматкор, оксоч» деб бекорга таҳқирламайди-да!

Жаҳл билан уйдан чиқди. Биринчи дуч келган фойтунга ўтириб, «Жайрон» барига ҳайда» деб буюрди. Фойтунчи «хўп» дея отини йўрттириб кетди.

Ўша пайтларда «Жайрон» бари Онадўлининг энг нуфузли шаҳарларида урфга кирган кўнгилочар масканлардан бири эди. У шаҳарнинг чеккасида, бир пайтлар омбор вазифасини ўтаган, кейин таъмирланган бинода жойлашганди. Бинони сотиб олган киши унинг ташқи тарафини асли ҳолича қолдирса-да, ичини буткул янгича жиҳозлаганди. Деворларда ғарбга хос бўлган турфа суратлар осифлиқ турарди.

Бар эгаси адвокатни эшик олдида кутиб олди.

– Хуш келибсиз, афандим, биз тарафларга қайси шамол учирди?

Унинг кўзлари айёрона йилтираб турарди. Бармен анчадан бери адвокат билан холи, норасмий тарзда учрашишни хоҳлаб юрар, аммо мавриди келмаганди. Мана унинг ўзи оёғи билан келиб турибди.

Анчадан бери бар соҳибининг иши адвокат Мазҳарбейнинг кўлида эди. Идорада ҳам ҳамма гапни очиқойдин гаплашиб бўлмайти.

Бар соҳиби дарҳол олий мартабали меҳмон учун дастурхон ҳозирлади. Ўша ерда ҳаммасини адвокатга ётиғи билан тушунтиради. У бир қанча шериклари билан ушбу барни ишга туширган, асосий харажатлар ҳам унинг чекига тушганди. Аммо кейинги пайтларда шериклар орасидан гап қочиши бар соҳибини адвокат излашга мажбур этганди.

Мазҳар барга кирганида уни ичкарида икки қиз кутиб турарди – Жола билан Насрин.

Жола бу нотаниш, хушбичим йигитга бир муддат термилиб қолди. Унинг қатъият ва эркакча матонат уфуриб турган чехраси аллақачон аёлнинг қонини қиздира бошлаганди. Жола лабига сигарет қистириб, ноз ила тутунни

шифтга пуфлади. Мазҳар ҳам бу нағмалар бежиз эмаслигини пайқаб, мийиғида кулимсиради.

Дугонаси уларнинг унсиз мулоқотини тушуниб, Жолага шивирлади:

– Омад тилайман. Қушчанг қафасга илинадиганга ўхшаб турибди.

– У аллақачон илинди, – деди Жола ишонч билан. Дугонаси сирли жилмайганча, кўз қисиб нари кетди.

Мазҳар столга яқинлашиши билан Жола хоним сигаретини кулдонга босиб, назокат ила кўзгалди. Адвокат мулойимлик ила эгилиб, хонимнинг қўлидан ўпди.

– Камина адвокат Мазҳарбей бўламан.

– Бағоят мамнунман. Менинг исмим Жола.

Хоним сарғиш, кенг юбкасининг этагини хиёл кўтариб, адвокатнинг ёнидан жой олди.

Мазҳар кўз қири билан аёлни кузата бошлади. Нимаси биландир ҳамкасби Қадрининг аёли Леманга ўхшаркан. Йўқ, бу ундан ҳам гўзалроқ.

– Ичимликлардан нимани хуш кўрадилар, хоним-афандим? – сўради нигоҳлари ила таъқиб этаётганини сездирмасликка тиришиб.

Жола бар эгаси билан яширин кўз уриштириб олди. Бар эгаси «қўлдан чиқарма» дегандек им қоқиб нари кетди.

Жола оҳиста стулини яқинроқ сурганини сезган адвокат яна жилмайди:

– Хоним, балки икки кишилик кабинага кирармиз? – Кейин эса, хонимнинг жавобини кутмасдан алоҳида ўтириш истагини гарсонга ҳам англади.

Бар соҳиби кўлида бир шиша шароб билан қайтиб келганида, улар икки кишилик кабиналардан бирини банд этишганди. Бар соҳиби ичидан қувониб қўйди. «Адвокат илинганга ўхшайди, энди ишларимиз ёғдек силлик кетади!».

– Негадир яхши ичмаяпсиз? – деди адвокат уни зимдан кузатаркан.

- Сизни овора қилаётганимдан хижолатдаман.
- Мен бар соҳибининг адвокатиман, шу боис бундай андишага боришнинг ҳожати йўқ, хонимафандим.
- Аслида, ичимликлар орасида ароққа етадигани йўқ, аммо бар соҳиби ижозат бермайди.
- Бу ёғини менга қўйиб беринг, – деди Мазҳарбей тавозе билан ва гарсон йигитни чақирди.
- Уйланганмисиз, Мазҳарбей? – сўради Жола умидвор кўз сузиб.
- Афсуски, шундай.
- Афсус? Нима, аёлингиздан кўнглингиз тўлмайдими?

Мазҳарбей энди оғиз жуфтлаган пайтда, бояги гарсон йигит етиб келганди:

- Бизга бир шиша ароқ келтира оласанми?
- Бизнинг баримизда тақиқланган, аммо сиз учун топамиз, Мазҳарбей! – Кейин эса, Мазҳарбейнинг кулоғига энгашди. – Мен қўшнингиз Ризонинг таниши бўламан.

Мазҳар аввал пешонасини тириштирди, кейин юзи ёришди.

- Э, ҳа, Ризо афандини танийсанми?
- Ҳа, қариндошим бўлади. Унга иш ваъда қилган экансиз. Агар бошлиғимизга бир оғиз айтиб қўйсангиз...

Кўшнисини билан бўлган суҳбатни эслаб, бош ирғади:

- Менга ҳалироқ яна бир эслатарсан.

У кетиши билан Жола бояги саволини такрорлади. Мазҳарбей, одатан, оилавий муносабатлари ҳақида бошқаларга гапиришни хушламасди. Аммо, ҳозир...

- Йўқ, – дея бош чайқади.

– Такдиримиз ўхшаш экан, Мазҳарбей, – дея таасуфланди Жола. – Мен ҳам сизга ўхшаб бахтдан мосуво этилган бандаман. Эрим кичкина, ичи тор, кўрқоқ одам эди. Истанбулдаги катта масжидлардан бирида танча қўйдириб олган, беш вақт намоздан бошқа нарсани бил-



масди. Мен унинг учун битта хизматчи оқсоч мақомида эдим. Унинг учун уй ичидаги сандиқ ёки курсичалик ҳам қадрим йўқ эди. Кейин ўлгудек рашкчи эди. Кўчага бош сукиб қаролмасдим. Тўрт деворнинг ичида камаб қўйганди. Қайнонам ҳам ундан фарқ қилмасди. Унинг учун ўнгга қараш ҳам, чапга бокиш ҳам, юзни очишу қаттиқроқ кулиш ҳам гуноҳ эди. Бирор ерда ишлашни-ку, ўйламаса ҳам бўлади.

– Нега отангизни кига қайтиб кетмадингиз?

– Қайтдим, – Жоланинг ёноғида икки томчи ёш ялтиради. – Лекин отам эшикни юзимга ёпди. У эримга ўхшаш тоифадан эди.

Мазхар охиста аёлнинг юмшоқ, нафис кўлларини қафтлари орасига олди. Улар ярим тунгача чақчақлашишди. Мазхарбей ниҳоят миясида айланаётган саволни берди:

– Хўш, сиз бу ерга қандай тушиб қолдингиз?

Жоланинг кўкиш кўзларида учкун порлади:

– Менми? Тушиб қолмадим, ўз ихтиёримга кўра келдим. Тасодиф деса ҳам бўлади. Мақсадим нораво эр билан беҳуда ўтказган йилларимнинг ҳиссасини чиқариш эди.

Жола қадаҳдан бир-икки хўплади. Кўзлари атрофга парижон боқди.

– Баъзан ғам-андухга ботаман. Асосан кечалари. Уйга қайтишим билан хонамга кириб, ўзимни каравотга ташлайман. Баъзан шундай пайтда бечора ойимнинг гаплари қулоғим остида жаранглайди: «Тишингни тишингга бос, Нариман қизим. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади».

– Демак, асл исмингиз Наримон экан-да?

– Ҳа.

– Сизни шу исм билан чақирсам бўладими?

– Бемалол, хурсанд бўлардим.

– Ҳали, оилавий ҳаётингиз қандай яқун топганини менга айтиб бермадингиз? Эрингиз нима иш билан шуғулланарди?

– У жуда бой эди. Султонхаммом туманида йирик газмол дўкони бор эди. Қандай бўлмасин пулини янада кўпайтириш ҳақида ўйларди. Хўш, бу бойликнинг менга нима кераги бор? Мен учун бахт фақатгина пулда эмасди. Мен ҳаётни, қувончли кунларни ёқтирардим. Эрим мени иссиқ бағрига олиб, суякларимни қисирлатадиган, нафасимни қайтарадиган даражада кучоклашини, ширин сўзлар айтиб эркалатишини, катъий ва тўлақонли ҳаракатлари билан вужудимга ором индиришини истардим. У-чи... ҳатто никоҳнинг биринчи кечасида ҳам тесқари ўгирилиб олиб, эрталабгача хуррак отиб чикқан.

– Эрингиз кексамиди?

– Йўғ-э, ҳали ўттизга ҳам бормаганди. Ўзи онадан шундай туғилган. Хотинларга қизиқмайдиганлар тоифасидан экан.

– Ё тавба? Наҳотки ёнида сиздек жозибали, гўзал ва назокатли аёл борлигини ҳис этиб, унга қарамасликнинг имкони бўлса? Ажаб, қарангки, сиз эрингиздан топа олмаган нарсани мен ўз аёлимда кўрмадим. Сиз айнан менинг тасаввуримдаги аёл экансиз.

– Раҳмат.

Шу чоқ қаршисида бош эгиб турган гарсонни кўриб, гапидан тўхтади. Беихтиёр Ризо ҳақидаги илтимос эсига тушиб, бош ирғади:

– Ҳаммаси эсимда, хўжайининг келса, албатта, айтаман.

Кўп ўтмай, яна эшик очилиб, бар соҳибининг чуваккина, қотма гавдаси кўринди. «Оббо, жа вақтини топиб келди-да» кўнглидан ўтказди Мазҳар. Шунда истар-истамас, кўшниси Ризонинг иши масаласида сўз очди.

– Мен уни танийман, деди бош ирғаб бармен. – Танишлари қўл остимда ишлайди. Менга бир-икки марта мурожаат қилганди. Агар сизга яқинлик жойи бўлса, ишга олганим бўлсин.

– Раҳмат, у қачон ишга тушиши мумкин?

– Истаган пайтида келаверсин, – деди бар соҳиби ялтоқланиб.

Мазҳар эшик олдида пойлаб турган йигитга «иш битди» дегандек кўз қисиб қўйди. У эса, қувноқ кайфиятда чиқиб кетди.

У бардан хушҳол кайфиятда чиқди. Ҳамон Жола-нинг нафис табассуми, ҳароратли сўзлари таъсиридан чиқолмасди. Тун ярмидан оғиб қолганди.

Олдига келиб тўхтаган фойтунга сакраб чиқаркан, «уйга» деб буюрди.

Мана, ширин хаёллар бағрида уйига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Онасининг чироғи ҳамон ёниқ эди. Кириб, онаси билан ярашиб чиқмоқчи ҳам бўлди. Аммо бу фикрдан шу заҳоти воз кечди. Қалби ширин ҳислардан антикарди. Кайфиятини бузгиси келмади. У ётоғига қадам босиши билан... мўъжиза юз берди: Назан унинг бағрига отилиб, бўйнига осилиб олди.

## 6

Назан ўзи ҳам қандай журъат этганини англолмай қолди. У эрининг тутатиб кетишидан кўрққанди. «Хотиним бунча беҳаё, тарбиясиз бўп қопти» деган хаёлга бормасмикин?

Унинг назарида бундай ҳаракатлар фақат эркаклар учунгина хос эди. Аёллар эса, уларнинг ҳар қандай истагини кулоқ қокмай бажариши лозим. Ахир эркак аёл учун «кичик тангри» эди.

Ёнбошида чўзилиб ётган одамга тикилди. Қизғиш тунчироқ ёруғида унинг кулиб турган юзлари яккол кўринар эди. Кўкси ҳам бир текисда кўтарилиб-тушарди. Эрининг бўйнига осилган пайтидаги ҳолатини эслади. Ҳайратдан унинг кўзлари бақрайиб қолганди. «Хотинимни нима жин урди» деган хаёлга бордимикин? Нега жин

ураркан? Ахир у ўз эри, кўз очиб кўрган жуфти ҳалоли эмасми?

Нима бўлганда ҳам яхши иш бўлмади. Ҳар доимгидек индамай қарши олса бўлмасмиди? Эрталаб туриб «кеча нималар қилдинг?» деб уришиб берса нима қилади?

Ташқарида хўрозлар қичқира бошлаган пайтда уйқуга кетди. Тушида эрини кўрди. Ётоқхонада онаси билан бирга унга қараб турганмиш. Эри «кечаги шилқимликнинг боиси»ни сўраётганмиш. Қайнонаси ҳам ўғлини қўллаб-қувватлаб турганмиш.

«Ҳеч замонда ақлли-ҳушли хотин эрининг бўйнига осиладими?» дея бақирармиш қайнонаси. Кейин икковлашиб, Назанни ҳовлига улоқтиришибди.

У бир кўрпа тер ичида уйғониб кетди. Кимдир эшикни аямай муштларди. Қайнонаси!

– Нима гап? Нега бутун уйни бошингга кўтаряпсан?

Қулоқларигача қизариб кетган Назан бўйнини эгди. Демак, ҳаммаси туши экан.

– Овозингни эшитиб, намозимни ҳам бузиб келибман-а? – иддао қилди қайнонаси.

– Нима бўлди? – сўради уйғониб кетган Мазҳар ҳам уйқусираб.

– Узр, уйқумда бақирибман, шекилли, – айбдорларча минғирлади Назан.

– Аҳмоқ хотин, – ўшқирди қайнона. – Васвос бўл колган шекилли. Биров бўғилаяптими дебман.

Мазҳар портсигаридан бир дона сигарет олиб тутатди:

– Унинг безбетлигини қаранглар, – келинидан ёзғиришда давом этди Ҳожар хоним. – Мен остонада турибман, бу гўрсўхта «киринг» ҳам демайди.

Ҳожар хоним жаҳл билан эшикни қарсиллатиб ёпди-ю, уйига кириб кетди.

Кўп ўтмай нариги хонадан Ҳожар хонимнинг хўнграб йиғлаётгани эшитилди. Мазҳар ташқарига мўралади.

«Тавба, бу нимаси? Эрталабдан дилхиралик!».

– Илоё илованда иккала кўзинг оқиб тушсин! – дея бақирарди Ҳожар хоним. – Илоё икки дунё хорлигу зорликдан бошинг чиқмасин. Худоё сенга қилган ҳамма яхшиликларим кўзларингдан ситилиб чиқсин.

Мазхарнинг сабр косаси тўлиб тошганди. Сигаретани улоқтириб, онасининг хонасига отилди:

– Ҳа, ойи, эрталабдан нима жанжал? Биров арпангизни хом ўрдими?

Онаси оёғидаги шиппагини ечиб ўғлига ирғитди.

– Кўзимга кўринма, беор! Илоё сендек ўғилни Худо кўтарсин!

Шиппак эшикнинг кесакисига тегиб ортга қайтди.

– Бунчалар пешонам шўр бўлмаса менинг! Хотин топилади, она топилмайди, кўзинг ўйилгур! Адвокат эмас, подшо бўлмайсанми, барибир сени мен тукқанман, мана шу қўлларим билан кетингни ўзим ювиб қўярдим.

– Хўп, менинг гуноҳим нима ахир?

– Яна сўрайди-я, аҳмоқ. Олдингда туриб гапирдим, ит акиллади нима, мен гапирдим нима, қайрилиб қарамадинг. Бир оғиз «она, киринг» демадинг, номард!

«Шунга шунчами, мийиғида жилмайиб ўйлади Мазхар. – Бирор каттароқ хато қилдиммикин, деб хавотирда эдим».

– Худо ҳаққи, сиз кирганингизда мен ҳали кўзимни ҳам очмагандим. Кўрган тушимнинг таъсири остида тургандим. Кечиринг!

Ҳожар хоним бироз юмшади.

– Ниманинг таъсири остига тушганингни яхши биламан, болам. – Ҳожар хоним айёрона кулимсиради. – Эшикни ёпиб, ёнимга кел. Индамай дейману, кўнглим бўлмайди. Минг қилсаям, боламсан.

Мазхар эшикни ёпиб, онасининг ёнига келиб ўтирди.

– Сен мен сингари онани икки оламда ҳам тополмайсан, – деди у сурмали кўзлари билан ўғлига қатъий тики-

ларкан. Сенинг бармоғинга тикан кирса, менинг юрагимга ханжар санчилгандек бўлади.

– Албатта, ойижон, бунга шубҳам йўқ.

– Гапимни бўлмасдан эшит. Кеча сен ўғлинг билан сайрга чиқанингда мени бирров эсладингми? Мен эса, индамадим. Одамлар эшитса нима дейди? Адвокат онасини ёлғиз ташлаб кетибди, демайдими? Буям майли, кечадан бери ёнимга кириб, «она, тузукмисан, очмисан, тўқмисан?» деб сўрадингми? Йўқ.

– Ойи, ахир, менинг уйим сизнинг уйингиз. Бу ерда сеники-меники бор эканми?

– Бор, ўғлим, анави етимча бор экан, мен бу уйда бир бурда нонга ҳам минг мулоҳаза билан қўл узатаман. Ҳаммасига қўл силтаб келаётувдим. Лекин, мегажининг сени «иссиқ-совуқ» қилиб олганига асло чидолмайман.

– Қўйсангиз-чи, ойи, шунақа ирим-сиримларингизни. Мен бунақа нарсаларга умуман ишонмайман.

– Тавба де, болам, эътиқодсизлик яхши иш эмас. Менга қулоқ сол, онадан яқин дўст, Бағдоддан яхши шаҳар йўқ деган донолар. Душманинг ўз қўйинида. Сенга қарши илму амаллар қилиб, домлаларга бориб, сенга «эшак тили» ёздирибди.

– Нима у «эшак тили»? – сўради Мазҳар ҳеч нарсага тушунмай.

– Сехр-жоду. Сени эшакка айлантириб, тил-жағингни боғлаб олмоқчи. Ҳаммасини шу етимча хотининг қилиб юрибди.

– Йўғ-э, ойи, Назанни биласиз-ку, бунақа нарсалар ҳаёлига ҳам келмайди.

– Сен бу илонни билмайсан-да, болам. Билгани ичида бу балогинага учрагур шум етимнинг. Сен келишинг билан ўзини ишга уради. Ер боқардан ер кўрқар дейишган. Эрталабдан нега дод солаётганини биласанми?

– Йўқ.

– Ўзининг жин-ажиналари ўзига асар қилган кўри-нади. Шайтонлашини кўрдингми? Ҳа, бу бўйинг лаҳадда чиригур хали бошимизга яна нима кунларни соларкин.

– «Эшак тили» ёздирганини сиз кимдан эшитдингиз?

– Буни айтолмайман, болам, қасам ичганман. Кўзингни оч, болам. Бунақа нарсаларни ўзимам унча туншунмайман. Буям жодунинг бир тури-да. Тирноқками, соч толасигами, чаён думига, ишқилиб бир балоларга афсун ўқитиб, овқатингга қўшиб едирган. Сен сезмай қолгансан.

Ўғлининг ўйланиб қолганини ўзининг фойдасига йўйган Ҳожар хоним яна хужумга зўр берди:

– Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди-да, болам. Бу ялангоёқ қиз сенинг тенгингмас, деб бошида айтмаганмидим? Қанча-қанча гулдек қиз-жувонлар турибди бу оламда. Сенинг хотининг-чи? Чўлтоқ супургининг ўзгинаси. Сен уялмасанг, мен уяламан, жоним болам. На муомалани биледи бу ергина юткур, на иззат-икромни. Кўзли кесакнинг ўзгинаси. Лекин аҳмоқ эмас. Аҳмоқ хотин эрига «эшак тили» ёздирмайди. Ичидан пишган бу қонингга ғалтон бўлгур. Бошида сенга неча маргалаб айтдим. Болам, нуридийдам, шу етимчангдан кўзим сув ичмаяпти, йўқот шуни, дедим. Уям ўзига муносибини топар, дедим. Кўнмадинг.

Мазҳар оғир ух тортганча ўрнидан турди. Хонанинг у бошидан-бу бошига қатнай бошлади. Беихтиёр Жолани кўз олдига келтирди. Унинг нозли қарашларини, мулоим сўзларини эслади. Беихтиёр баданида енгил титроқ турди. Ҳозирнинг ўзида уни ёнига чақириб, суҳбат қуриш иштиёқи туғилди.

– Эҳтиёт бўл, болам, бу жодугардан ҳамма нарсани кутса бўлади, – деди онаси хужумда давом этиб. – Сенга бир зиён-заҳмат етмасин дейман.

– Бўпти, ойижон, мен кетишим керак. – У онасининг юзидан ўпиб, ўрнидан турди. – Ёзиб-чизадиган ишларим бор эди.

Ётоғида хотини Ҳалдунни кийинтирмоқда эди.

– Бориб бувингнинг қўлларидан ўп, – деди Мазҳар ўғлига қўполлик билан. Бола ажабланиб онасига қаради.

– Сенга бориб бувингнинг қўлини ўп дедим, нега онанга анграясан? – Шундай дея Ҳалдуннинг қўлидан ушлаб, ташқарига итқитди. Назан ҳеч нарсани тушунмай қолди. Эри нега бундай ўзгариб қолди. Хонадан чиқиб кетиши билан эри орқасидан хўмрайганча қараб қолди. Ростдан ҳам кўзига жуда кўримсиз, назарногир кўринди. Беихтиёр онасининг гапларини ичида такрорлади:

«Қанча-қанча гулдек қиз-жувонлар турибди бу оламда. Сенинг хотининг-чи? Чўлтоқ супургининг ўзгинаси».

Кийиниб ташқари чиқди. Деразадан Назан эрининг ортидан маҳзун тикилиб қолди. Шу пайт рўпарадаги эшикдан Ножиянинг эри чиқиб, Мазҳар билан кўш-қўллаб сўрашди. Икковлашиб, муюлишга қараб кетишди. Улар кўздан йўқолиши билан Назан ҳам деразани ёпди.

– Ҳа, нимага эрталабдан кўчани томоша қилишдан бўшамай қолдинг, – Назан қайнонасининг дағдағасидан ўзига келди. – Ишинг йўқми? Бу ёқда бир уй кир ётибди. Ҳали сут ҳам олиб келмаган чиқарсан? Ҳовли кечадан бери супурилмаган.

Назан жавоб беришни истамай ошхонага йўналди. Бироқ, бу билан қайнонасидан кутулолмади. Орқасидан кириб борди:

– Ҳа, эримни онасидан тортиб олдим, деб ўйлаган-мидинг, кўзинг ўйилгур!

– Ким? Менми? – ҳайратланди Назан. – Бунақа гаплар хаёлимга ҳам келмаган.

– Вой илон! Вой тулки! Яна сувдан қуруқ чиқишини-чи? Ўғил меники, билдингми? Уни туғиб, бир парча этни одам қилган менман. Энди аллақандай «эшак тили» билан уни мендан тортиб олмоқчи бўлганмидинг, мегажин?

– Нима дедингиз? Қанақа «эшак тили»?



У чиндан ҳам бунақа сўзни биринчи марта эшитиши эди. Қайнонаси жавоб бермасдан қарс этиб эшикни ёпди-ю, ортига қайтди.

Назаннинг бир жаҳли чиқса, бир кулгиси қистади. Эшак тили нимаси экан яна? Қаттиқ уф тортди. Қачон бу қайнонасига инсоф кираркин-а? Эри ҳам чой ичмасдан қовоқ-тумшук билан чиқиб кетди. Шу пайт ўғилчаси ёнига кириб келди:

– Бувим айтди, янги кийимларимни кийдираркансиз, мени сайрга опчиқаркан. Лекин боргим келмаяпти.

– Вой жинни, нега унақа дейсан? Бувинг обораман десалар, албатта борасан, ўғлим!

Ташқаридан яна қайнонасининг шанғи овозини эшитди:

– Ҳ-о-ой, нима, болани айнитяпсанми, тусингни ел олгур? Бувинг билан борма деяпсанми?

Яна бўсағада Ҳожар хоним пайдо бўлди.

– Мен? Қачон унақа дебман?

– Нима, мен карманми? Қулоғим бор, худога шукур. Кошки сен жодугарни билмасам, қани, тез кийинтир, кўзингни ўлган бузоқникидек бақрайтирмасдан.

Назаннинг сабр косаси тўлганди:

– Ўлай агар ҳаммаси жонимга тегиб кетди, – деди ниҳоят ўзини кўлга ололмай.

– Ие, ие, тиллари чиқиб қолдибдими, – Ҳожар хонимнинг кўзлари олайиб кетди. – Ким? Мен жонингга тегдимми? Вой тилгинанг жодида қирқилсин, менга шунақа дедингми? Вой ялангоёқ, етимча – етти кулча! Сен ҳали менинг уйимга келиб, одам бўлганинг эсингдан чиқдимми? Ўғлимнинг тирноғигаям арзимаёсан сен ялмоғиз. Ким билсин холанг билан бир бўлиб, яна нима балоларни режалаштириб юрибсанлар. Ўғлимни жоду билан кўлга олганинг каммиди? Энди менга бўкирадиган бўп қолдингми? Тез бўл, дедим, болани кийинтир.

Ўзи изига қайтиб, хонасида обдон пардоз қилишга киришди. Назан йиғлаб-йиғлаб ўғлини кийинтирди. Кейин Ҳожар хоним қарғанганича, боланинг қўлидан тутиб, кўчага чиқди. Ножиа деразасидан қараб ўтирган экан. Кампирни кўриши билан ойнани туширди.

– Марҳабо, хоним, она-бола бўлиб қаёққа йўл олдинглар?

Ҳожар хоним гарчи келини билан уришиб ичини бўшатган бўлса-да, ҳали алаמידан чиқмаганди.

– Эрталабдан анави тилинг кесилгур асабимни қақшатди. Жонимга тегиб кетдинг, эмиш. Вой қирчинингдан кийилиб, балонинг ўқиға учрагур-а! Болани кийинтириб бер, кўчага опчиқаман, дегандим. Қарасам, болага мени роса ёмонлаб, менга қарши қайрапти. Менам қараб турмадим. «Ўғлимни жодулаб қўйгансан, жодугар» десам кип-қизариб кетди. Лом-мим деёлмади, ер юткур. Айби бор-да, нимаям дерди.

– Ҳа, хола, бир балоси бор. Ўзим ҳам ҳалироқ ўтиб, бир кўнглига қўл солиб кўраман.

– Барака топ, кизим, – деди Ҳожар хоним яна кўзларини сузиб. – Ўзи ўғлим мени қўярга жой тополмайди. Эрталаб ҳам кириб, ҳол-аҳволимни сўраб, юзимдан ўпиб кетди.

– Узук ҳақида сўрамадингизми?

Ҳожар хонимнинг юраги «жиғ» этди. Ростдан ҳам ҳали узукнинг алами ичини ёндириб турарди. Шундай бўлса-да, Назанга сир бой бермади.

– Йўғ-е, ўлибманми, шунча паст кетиб, Ножиа! Майли, узук ўша ер юткурнинг насибаси экан. Аслида ўғлимда заррача гуноҳ йўқ. Эрта-ю кеч минғирлаб бошини оғритган бўлса, олиб бериб кутулган-да! Вой бечорагина болам-а! Сулаймониялик жодугарнинг чангалига тушди-я!

– Қўяверинг, хола! Ўзим ҳаммасини сездирмасдан сўраб суриштираман.

– Мабодо, мен билан гаплашганингни айтмагин-а!

– Ўлибманми айтиб, сиз хотиржам бўлинг!

Ҳожар хоним неварасини етаклаганча кетди. Ножиа то кампир кўздан йўқолгунча ортидан кўз узмай турди. Кейин деразадан чекиниб, ўзини кўзгуга солди. Калта, тор тунги кўйлагини алмаштириб ҳам ўтирмай, кўшни ховлига югурди.

Назан эшикнинг устма-уст чертилишидан Ножиа келганини пайқади. Қизарган кўзларини енгига артганча келиб эшикни очди.

– Салом, Назан хоним, – деди ҳеч нарасдан хабари йўқдек. – Ие нима бўлди? Йиғладингми?

Назан индамади. Ўзи бир оғиз гап билан йиғлаб юборгудек аҳволда турарди.

– Тинчликми, эрталабдан қайнонанг бўяниб-безаниб кўчага чиқиб кетаётган экан. Ҳасратидан чанг чиқади. Вой сени гўрдан олиб гўрга солишини-чи!

Назан жавоб қайтаришдан ўзини аранг тийиб қолди. «Билмасам» дегандек елка қисди.

– Сенинг ўрнингда бўлганимда бунақа қайнонани бўғиб ўлдирардим. Унинг гапларини бир эшитсанг эди. Сулаймониялик ялангоёқ дейдими, жодугар дейдими, яна алламбалолар. Эрингга айтсанг бўлмайдими?

Назан ортиқ чидаб туrolмади. Баралла йиғлаб юборди.

– Э, жинни, йиғла, йиғлайвер! Кошки бу кўзёш билан иш битса. Ундан кўра эрингни ўртага сол.

– Менга кулоқ солсалар қани эди, – пикиллади Назан.

– Онасини шунчалик яхши кўрадимми?

– Билмайман.

– Сенга бир гап айтайми? Эрингга кўз-кулоқ бўл. Қайнонанг ёмон хотин, унинг қўлидан ҳар иш келади. У дам-дуо ўкиб, ўғлининг бошини айлантириб олган кўринади. Балки, «эшак тили» ёздиргандир, ким билсин?

Назан бирдан сергак тортди.

– Нима ўзи у «эшак тили»?

– Вой, шуниям билмайсанми? – Ножиянинг кўзлари катта-катта очилди. – Афсун-да! Кимга атаб ёздирса, ўша одам худди эшакдек бўлиб қолади. Ўзим-ку бунақа нарсалардан анча узоқман, тушунмайман. Лекин эшитганман. Жуда таъсирли нарсамиш-да, савил. Ҳар қандай эркакни чиппа оғдириб олармиш. Иложи бўлса, сенам ёздир, Назан! «Эшак тили»ми, «Иссиқ-совуқ»ми, бир бало қилмасанг, эрингдан ажралиб қоласан.

– Нимасини айтасиз, – кўнглини бўшатгиси келди Назаннинг. – Юрагим қон-зардобга тўлиб тошган. Ўзингиз кўрасиз-ку, уйдан бир қадам хатлаб чиқаманми? Худди маҳбусга ўхшаб, тўрт девор ичидан чиқмайман. Қайнонамнинг дастидан кун йўқ...

– Биладан, жоним, ичим ачиганидан айтаман-да! Бу қайнонангни бирор ёққа юбориш керак. Узо-о-оққа. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг йўли бор. Бу қайнона билан сендан бошқа хотин яшай олмасди. Сен ҳақингдаги гапларини эшитиб, менинг тепа сочим тикка бўлади. Қараб турма! Аччиқни аччиқ кесади. Айтганча, эринг билан ораларинг тузукми?

– Тузукку-я, лекин...

– Биладан, ўртада шу қайнонанг бўлмаса, эрингдан тилла одам йўқ. Лекин қайнонанг орага кириши билан эринг ўзгаради, бақириб-чақиради, тўғрими?

– Билмасам, – Назан яна елка қисди.

– Айтганча, қайнонанг айтди, бугун эрталаб эрингни ундан қизганиб, тўполон қилибсан?

– Ё тавба, астағфируллоҳ!

– Боланг сайрга чиқаман деса, уни айнитибсан?

– Худо урсин агар...

– Биладан, ҳаммаси ёлғон. Лекин қайнонанг шунақа деб юрибди-да! Хуллас, сен бирор нима ёздирмасанг бўлмайди. Бир варақ қоғоз-да, нима оғирлиги бор. Эринг-

нинг кийимига тикиб кўйсанг, иш битди, ҳисоб. Ҳа, аввал қайнонанг қилдирган илму амалдан қайтариқ қилиш керак. Хусни деган бир дугонам бор. Онамнинг қариндоши бўлади. Жуда оғзи маҳкам аёл. Ўшанинг таниш бир домласи бор экан. Бунақа нарсаларни ўша домла ёзиб-чизармиш. Кўнгилдан чиқариб, беш-тўрт танга берсанг...

Назан кўрқа-писа ён-верига қаради.

– Ножия опа, майли-ю, лекин...

– Мендан хавотир оляпсанми? Бировга айтади деб кўрқма! Сизларнинг бизга яхшилигингиз кўп теккан. Айтганча, Мазҳарбей кеча эримни ишга жойлаштириб кўйибди. Барака топсин. Сен бунақа кўрқоқ, содда бўлма, синглим. Бунақада эринг қўлдан кетади. Яхшилаб ўйлаб кўр, бир оғиз айтсанг бас, ўзим ёздириб келаман ўша «эшак тили»ми, бало-баттарми, ўшани...

Ножия шундай деб ортига бурилиб кетди.

Назан ўйга толди. Нима қилса экан? «Эшак тили»-синиям бир синаб кўрсами? Ножия оғзидан гуллаб кўймасмикин? Жуда оғзи бўш аёлга ўхшайди. Хусни дугонаси-чи? Анави домла-чи? Кошки эрини бутун шаҳар танимаса? «Адвокат Мазҳарбейнинг хотини ҳам менга келиб «эшак тили» ёздириб кетди» деб мақтанса-чи? Бу гап эрига ёки қайнонасига етиб келмайди деб ким кафолат беради?

Эшик тақиллади, бўсағада Ножиянинг эри Ризо афанди турарди. Яна эри бозорлик жўнатибди.

– Тузукмисиз афандим, ишни бошлаб олдингизми? – дея у билан сўрашган бўлди Назан.

– Раҳмат, худо хайрингизни берсин. Илойим хожангиз билан қўша қаринг. Тупроқ олсангиз олтин бўлсин, хонимафандим.

У дуо қила-қила уйи тарафга қайрилди. Назан эса, ҳамон ўйлар гирдобидан чиқолмасди. «Эшак тили» деган нарса унинг хаёлидан кетмай қолганди. Ўзи-ку, бунақа

нарсаларга умуман ишонмасди. Аммо қайнонасининг зуғумларидан қутулиш учун у ҳамма нарсага тайёр турарди.

Ризо ташлаб кетган бозорлиқни ошхонага жойлаб чиқди.

Ростдан қайнонаси билан алоҳида яшашса, зўр бўларди-да! Истаган ерига борар, истаган ишини қиларди. Лекин бундан бир иш чиқармикин?

Қайнонаси кетса, уйнинг кўринишини ҳам ўзгартирарди. Меҳмонхона ўзига ҳам ёқмайди. Яна энг чиройли хонани ҳам қайнонаси эгаллаб олган. Уй-рўзгор буюмлари ҳам эскириб кетган. Янгисини олишга қайнонаси йўл бермасди. «Ўғлимнинг топганини кўчага совурасан» деб саннашдан тоймайди.

«Шунақаям қайнона бўларкан-да» ўзича минғирлади Назан тушлик тадоригини кўраркан. Бақлажон тўғраётиб, худди рўпарасида қайнонаси тургандек ичида борини тўка бошлади:

– Ўғлидан қизганганмишман, вой тилгинангни ҳаққа чўқисин! Ўғлимни бувисидан айнитганмишман. Қачон? Нима учун? Ҳа, туркинг курсин қари ялмоғиз! Ёлгон гапиргани худодан ҳам кўркмайди-я! Ножияга унча ишонмайман-да, ичида гап турмайди. Бўлмаса, нима қилишни ўзим билардим. Ўзи бунга «иссиқ-совуқ» қор қилармикин? Шайтоннинг урғочиси бўлса!

Назан ошхонада тинимсиз қуймаланар, ўзича бир нималарни пичирлаб юрарди:

– Ножия ёмон аёлмас. Ким билсин балки Худонинг раҳми келиб, уни менга йўллагандир. Агар қасам ичириб, оғзини маҳкамласам, ҳеч кимга оғиз очмас. Қайнонам уйдан даф бўлса, бу ҳовлида бир яйрардим, бир яйрардимки... Ножияни ҳам қуруқ қўймасдим.

Назан ширин хаёллар билан аввал помидор, кейин гўшт тўғради. Манқалга ўт қаламоқчи бўлиб турганида

яна эшик тақиллади. Деразадан пастга қаради. Яна пастда  
Ножия турарди. Тавба, хозир кетувди-ку? Тинчликмикан?

Пастга тушиб, кўча эшикни очди.

– Ҳа, Ножия опа, келинг.

– Йўқ, ўчоққа овқат қўйиб келганман. Боя сўрайман  
деб эсимдан чиқарибман. Эринг сенга олмос кўзли узук  
олиб берганмиш.

Назаннинг боши айланиб кетаёзди. Бу қаердан эшит-  
ди экан? Қайнонасининг қулоғига етган бўлса-чи? Нақ  
киёматни бошлайди-ку!

– Ҳа, қайнонам билмасин фақат! – илтижо билан тер-  
милди Ножияга.

– Нима, унинг хабари йўқми ҳали?

– Ҳа, Мазҳарбей ўзи айтганди, онам билмасин, деб.  
Билиб қолса, яна мен айбдор бўлиб чиқаман.

– Ҳа, мен бировга айтармидим, синглим. Фақат, битта  
кўрсам бўладими?

Назан биров ўйлаб турди-да, ётоғига йўл олди. Нима  
бўпти? Кўрсатгани билан камайиб қолармиди?

Сандиқни очди. Бирок... Э воҳ! Узук ҳам, унинг  
барқут қутичаси ҳам жойида йўқ. Ўпкаси оғзига тикилиб,  
сандиқнинг тит-питини чиқарди. Бўғчаларни бирма-бир  
очиб тўқди. Қани топилса?

– Йўқ, – деди йиғламоқдан бери бўлиб. – Узук йўқ,  
опа!

Ножия ёқасини ушлади.

– Йўқ? Қаерга қўйгандинг ўзи? Яхшилаб кўрдингми?

– Қўйган еримни биламан-ку! Уйим куйди, Ножия  
опа! Ким олди? Эрим опкетдимикан?

Ножия бош чайқади.

– Сенга бир гап айтаман, фақат оғзингдан гуллаб  
қўймайсанми?

Назан унинг қўлларига осилди:

– Айтинг, нима гап?

– Э, йўк, бирортасига гуллаб кўйсанг..

– Худо урсин, икки кўзим ситилиб тушсин бировга чурк этсам. Гапиринг. Боламини ўртага кўйиб қасам ичман. – Ножиянинг ҳамон жим турганини кўриб, кўшиб кўйди. – Бировга оғиз очсам, шу уйдан боламининг ўлиги чиқсин.

– Қайнонанг олган узукни, – деди Ножия кўзини пирпиратмай.

– Нима? Ростданми?

– Кеча эринг билан айланишга кетдинглар, тўғрими? Кейин қайнонанг мени чақирди. Сандиқни очиб, узукни кўрсатди.

– Худо ҳаққи денг!

– Алдасам, Худо урсин!

– Нега унда узукнинг жанжалини қилмади экан?

– Ана энди ўзингга келдинг. Узукни ўзи олгану беркитган. Бўлмаса, сени тинч кўярмиди? Оламини бузарди, оламини. Ундан бошқа яна ким олади ахир?

Назан курсига чўкканча хўнграб йиғлашга тушди. Қайнонаси узукни олганини икки дунёда тан олмайди. Бу аниқ.

– Энди нима қиламан, Ножия опа? Бошим қотиб қолди, бирор маслаҳат беринг!

– Нима қила олардим, Назан, ҳамдардлик билан бош чайқади Ножия. – Келса ўзидан ётиғи билан сўраб кўрарсан?

– Нақ еб кўяди.

Назан яна хўнграб йиғлашда давом этди. Ҳали эри билса нима дейди? Ёқасидан олса керак. «Аҳмоқ хотин, бировга оғиз очма демаганмидим? Сен қаерда-ю, бунақа кимматбаҳо узук такмоқ қаёқда» деб роса уришади ҳали.

– Назан, менга беш-ўн қуруш бериб тур, бориб «дамдуо»йингни ёздириб келай.

Назан уйдан пул олиб чиқди.



– Худо хайрингизни берсин, қайнонам билмасин, нак балога қоламан. Ўзи, кўнглим унча чопмай турибди шу «эшак тили»нгизга. Майли, буям бир гапи...

– Назан, сен мени ким деб ўйлаяпсан? Сенга зиғирча ёмонлигим бўлса, тил тортмай ўлай. Мен сир қудугиман. Ичимга тушгани сиртимга чикмайди.

## 7

Ўғлининг тушликка қайтишидан сал аввалроқ уйга кириб келган Ҳожар хоним келинининг заҳил юзига қараб, ҳаммасини тушунди. Узукнинг йўқолганини сезган кўринади. Ростдан бир кун аввал келини айвонда кир юва-ётганида унинг хонасига сездирмай кириб, узукни олган ва яшириб қўйганди. Бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто Ножияга ҳам хабар бергани йўқ.

Зиналарни гурсиллатиб ўз хонасига чикди. Ҳозиргина база мудирининг уйига борганди. Унинг онаси ҳам худди Ҳожар хонимнинг ўзгинаси. Иккови бир бўлиб олса, гап топилади. Келинларни роса ғийбат қилишди. Анча юки энгиллашиб қайтди.

Кийимини алмаштирганида Назан уни эшик оғзида кутиб турарди.

– Ҳа, – деди ўқрайиб. – Нега қароқчидек йўлимни пойлаб ўтирибсан?

– Узр, ойижон, мен ҳалиги...

– Ойижон дема, деб айтмаганмидим сенга? Қанақа-сига мен сенга ойи бўларканман? Ҳа, нима керак?

– Шу... бир нарсани сўрамоқчи эдим...

– Нимани сўрайсан?

– Ҳалиги... узукни...

– Узук? Қанақа узук???

Ана энди бошланди ҳақиқий томоша! Ё ростдан ҳам узукдан хабари йўқмикин?

– Сендан сўраяпман, қанақа узук, тилинг кесилгур!  
Гапир, сочинг тахтада ёйилгур.

– Мазҳар битта узук олиб берганди...

– Мазҳар! Вой тарбиянгга ўт тушсин! Мазҳарни туғиб катта қилиб қўйганмидинг? Нега бақрайиб қолдинг? У нега сенга узук олиб бераркан? Менга айтмасдан-а?

– Мен олиб беринг, демагандим, ўзлари...

– Нега унда менга бир оғиз айтмадинг?

– Мазҳарбей «ҳеч ким билмасин» деганлари учун...

– Ана холос, ўғлим мендан яширинча иш қиладиган бўп қоптими? Ҳали келади-ку, ўзим бир боплайман бунақа бетарбия ўғилни.

Назан қайнонасининг қўлига ёпишди:

– Худо хайрингизни берсин, бу ҳақда гапирманг, ёлвораман.

Қайнона қўлини тортиб олди.

– Нега айтмас эканман? Нимадан қўрқяпсан?

– Узук... йўқ. Қўйган жойимдан йўқолиб қолибди.

– Ҳа-а! Бу гапинг билан мени ўғрига чиқармоқчимисан? Сен-а? Мени-я? Войдод, одамлар, келиним мени ўғрига чиқарди, дод!

– Ойижон, ўтинаман, тўхтанг! Бунақа гап хаёлимга ҳам келгани йўқ.

– Илойим онангнинг суяқларини каламушлар ғажисин. Туркинг курсин. Яна бир марта шунақа гап оғзингдан чиқсин, нима қилар эканман сени! – У қарғана-қарғана уйига кириб кетди.

Назан ранги-туси ўликдай оқариб уйига кирди. Эрига нима дейди энди? Балки эри ҳазиллашиб бир ерга олиб қўйгандир? Йўқ, эрининг ҳазиллашадиган одати йўқ эди.

Эрига тушлик ҳозирлаш учун ошхонага кирди, аммо нега кирганини эсидан чиқариб, боши қотди. Кейин ётоққа ўтди. Бўғчалар боягидек сочилиб ётарди. Эри ҳозир келиб, «нега булар сочилиб ётибди» деб сўраса-я? Ҳаммасини шоша-пиша сандикқа жойлаштирди.

Ҳозир эри келади. Ҳали тушлик тайёрмас. Роса бақириб-чакиради. Югуриб ошхонага ўтди. Ҳалдуннинг овози эшитилди. Бўсағада ўғли турарди:

- Ойи, бувим кечкурун менинг ёнимда ёт, деяпти.
- Ёт десалар, ёт-да, болам!
- Мен бувим билан ётмайман, уни ёмон кўраман...

Назан нимадир дейишга оғиз жуфтлаганида, кўча эшиги тақиллади. Оёғини қўлга олиб эшикка отилди. Эри негадир тунд кайфиятда кириб келди. Тушликдан сўнг Жола билан кўришиши лозим эди. Улар бу сафар шаҳар бўйлаб фойтунда сайр қилмоқчи эдилар.

У зинадан ўйчан чиқиб келаркан, ошхонани кўздан кечирди:

- Тушликни тайёрламадингми?

– Бугун бироз кеч қопти, сен кийимларингни алмаштириб чиқавер, ҳозир тайёрлайди, – деди Ҳожар хоним хушмуомалалик билан. Кейин ошхонага ўтиб, Назаннинг кулоғига қуйди:

– Узук ҳақида эрингга оғиз очма. Бечора ўғлим ўзи чарчаб келяпти. Иштаҳаси бўғилмасин.

Назан қайнонасига сирли кўз ташлаб кўяркан, «яхши» деди ва таом тўла лаганни кўтариб, эрининг олдига чиқди. Овқат устида ҳеч ким оғиз очмади. Назан ер остидан эрига сер солди. Анча ўзгариб қолгандек эди. Нималарни ўйлаётган экан шу тобда? Нега бир-икки кундан бери бошқачароқ бўлиб юрибди? Уйга ҳам кеч келиб, эрта кетяпти.

Майли, эркакнинг иши шу-да, дея ўзига ўзи таскин берган бўлди Назан. Мазҳарнинг эса томоғидан овқат ўтмасди. Тушликни кўчада қилаверса ҳам бўларкан. Бир яримда у билан учрашиши керак. Балки, тунов куни хотини билан борган казинога боришар...

Ўғлига қаради: у негадир маҳзун ўтирарди. Кейин хотинининг ғамгин, самимий, мунис юзларига тикил-

ди. Уни хаёлан Жола билан солиштириб кўрди. Йўқ! У ҳеч қачон Назанни ташлаб кетмайди. Агар Назан унинг ҳаракатларини сезиб, «сен билан яшамайман, менинг жавобимни бер, кетаман» деса, бу энди бошқа масала. Минг килсаям ўртада уларни боғлаб турган ришта – Ҳалдун бор.

Беихтиёр хаёлига бир ўй урилди: Бояги узукни совға қилгани яхши бўлибди. Эртага нима бўлишини, шамол қай тарафга эсишини ҳеч ким билмайди. Агар эртага бир гап бўлса, шу қимматбаҳо узук унинг корига яраб қолар.

– Хомуш кўринасан, ўғлим, – сўради онаси.

– Бугун тушдан кейин бар эгасининг ишини кўриб чиқамиз, – деди ва Жола билан учрашувга кечикаётганини ўйлаб, шу заҳоти ўрнидан туриб кетди.

– Бугун ҳам кеч қайтасанми, ўғлим? – сўради Ҳожар хоним эшикка яқинлашаётган Мазҳардан.

– Билмадим, бу – ишнинг қандай боришига боғлиқ.

– Ярим кечаси суд бўлмаса керак?

Мазҳарнинг ғаши келди:

– Сизга ҳар бир ишим учун ҳисоб бермайман-ку!

Ҳожар хоним келинининг олдида ўғлидан бундай кўрс жавоб эшитаман, деб ўйламагани учунми, ғалати аҳволга тушиб қолди. Эрталабки меҳрибончилиги қаерда қолди? Онага ҳам шунақа жавоб беришаркан-да? Жаҳл билан ўзини хонасига урди.

Ўғлидан қаттиқ ғазабда эди. Ҳали шошмай турсин, хотиннинг олдида онани беҳурмат қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб кўяди. Яна юз-кўзларини бўяб, кўчага отланди. Келиб тўхтаган фойтунга ёшига хос бўлмаган чакқонлик билан сакраб минаркан:

– Ўғлимнинг идорасига ҳайда! – деб буюрди.

\* \* \*

Мазҳар ўз хужрасидан бетоқатлик билан у ёқдан-бу ёққа бориб келар, Жолани кутарди. Уни қаерга олиб бор-

са экан? Хотини билан борган казинони кўнгли тортмади. Ўша кунгидек ҳамманинг кўзи уларда бўлади. Кейин ҳамма ёкка миш-мишлар ёйилади.

Бирданига кўзи стол устида алламбалоларни титиб ўтирган котибига тушди. Уни қаёққадир жўнатиши керак.

– Тур, судга бориб, ёпилган дўконлар ҳақидаги хужжатлардан нусха олиб кел!

Котиб бош ирғаб чиқиб кетди. Бироздан кейин эшик олдида бир фойтун келиб тўхтади. Жола деб ўйлаб, юраги ҳаприқиб кетганди. Ундан ойиси тушганини кўриб, ранги ўчиб кетди.

– Балки тушунтирарсан, боя нега бунақа терс гапириб кетганигни? – сўради онаси унга бақамти келиб. – Нима, катта одам бўп қолдингми шунчалик? Минг авлиё бўлсанг ҳам, она оналигича қолади, билдингми? Анави ялангоёк олдида онангни оёқости қилишга қандай ҳадинг сиғди?

– Ойи, бу нимаси, – деди Мазҳар ўзини кўярга жой тополмай. – Мени бутун шаҳарга шарманда қиласиз-ку! Кўчада ўтган-қайтган бизга қараяпти.

– Яхши, жуда яхши! Ҳамма билсин, кўрсин адвокат Мазҳарбейнинг кимлигини.

– Ойи, мен нима қилдим? Айбим фақат сизга терс гапирганимми? – хуноби чиқди Мазҳарбейнинг.

– Айбинг кўп сен боланинг. Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, хотинингга олган узукни мендан яширасан? Нега олаясан? Жавоб бер! Яна «онам кўрмасин» деганиннга ўлайми? У бўлса, бутун маҳалладагиларга кўрсатиб, «Эрим мени қанчалик севишини кўрдингларми? Бу узукни менга совға қилди, қайнонамга кўрсатмасликни тайинлади» деб мактаниб юрибди.

Мазҳарнинг кўз олди қоронгилашиб, кулоқлари ғувиллай бошлади. Демак, хотини унинг айтганини қилмай, ҳаммага ёйибди-да!

Худди шу пайтда эшикда Жола кўринди.

– О, мархабо хоним, хуш келибсиз, – дея ўрнидан турди Мазҳарбей.

Ҳожар хоним ҳам узун бўйли, ноз-ишвали аёл кириб келиши билан гапидан тўхтаб қолди. Бир қарашдаёқ, аёл кўзига чиройли кўринди. Ким бўлсаям, жуда ёқимли, истарали аёл эканини ич-ичидан тан олди.

Мазҳар уларни бир-бири билан таништирди.

– Бу онам! Бу эса, Наримон хоним, ажралиш бўйича ариза берган эдилар.

Ҳожар хоним жилмайганча аёлнинг нозик қўлларини сикди:

– Жуда ёш, чиройли экансан, хоним! Эринг билан нимага ажрашяпсан?

Жола кўзининг қири билан Мазҳарга тикилди. Айни вазиятдан биргаликда чиқиш лозимлигини англади:

– Эрим билан юлдузимиз тўғри келмади чоғи. Яна бошқа сабаблари ҳам бор.

– Сенга раҳмим келяпти, қизим. Менам жуда ёшлигимда бева қолгандим. О, бу азобларни ҳеч кимга раво кўрмайман.

Жола бу хотиннинг гапи чўзилиб кетишини сезгани учунми, жим турар, аммо Ҳожар хоним гапидан тўхтамасди.

– Менам сендек чиройли, жозибали жувон бўлганман. Шу боламли деб, бутун ҳою ҳавасимдан кечдим. Болам ўгай отанинг қўлида қолмасин дедим. Лекин онанинг кўнгли болада, боланики далада бўларкан...

Ҳожар хоним йиғлашга тушди.

– Шу болам деб сочимни супурги, қўлимни косов қилгандим. Емай едирдим, ичмай ичирдим. Охири бир етимчани топди-ю, онадан воз кечди-қўйди.

Мазҳарбей шартта ўрнидан турди:

– Ойи, биз судга кечикяпмиз.

– Болам, қайнонанг билан муносабатларинг яхшими-ди? – сўради ўғлига парво ҳам қилмай Ҳожар хоним.

– Қайнонам мени жуда ёқтирарди. Мен ҳам хурматини жойига кўярдим. Фақат...

– Ана кўрдингми, қандай келинлар бор бу оламда. Сен эса, ўша етимчани хотин қилиб юравер, олмос кўзли узуклар совға қилиб. Манавинақа хотинлар бор оламда. Сен ҳам ана шундай тагли-зотли, ақлли-хушлисига уйлансанг бўларди-ку!

Ҳаммалари идорадан чиқишди. Ҳожар хоним уйга равона бўлди. Мазҳар эса, Жола билан бошқа фойтунга ўтирди.

– Ойингиз жуда ажойиб аёл экан, – деди Жола йўлда. Мазҳарнинг боши оғриётгани учун қулоғига гап кирмади.

– Сизга нимадир бўлдимми, тинчликми? – сўради Жола.

– Сен билмайсан, Жола, – деди муштини пешонасига тираб. – Ҳар куни шу аҳвол. Мендан нолиб юради. Онам – бунақа, хотиним – унақа. Шуюм ҳаёт бўлдимми?

– Қанақадир узукни гапирдимми? – тагдор оҳангда сўради Жола.

– Эътибор берма, – деди Мазҳар. – Аҳмоқ хотинимга «онам сезмасин» деб уқтиргандим. Оламга дoston қилибди. Шунга сал жаҳл қиляпти.

– Ҳа, энди бу одатий қайнона-келин можароси-да, сиқилманг, – деди Жола майин бир табассум билан.

– Очиғи, буларнинг ғиди-бидиси жонимдан тўйдириб юборди, – хўрсиниб қўйди Мазҳар хаёлчанлик билан Жоланинг билагидан маҳкам сиқиб.

Фойтун шаҳарнинг нариги бурчагига бориб, ортига бурилди. Куёш мағрур қад кўтарган тоғларнинг бағрига ошиқмоқда эди.

– Яна идорангизга қайтаминми? – сўради Жола.

– Ҳа, нима қипти?

Мазҳар эҳтиёткорлик билан кўчадаги одамларга тикилди. Назарида, ҳамма уларни кўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек эди. Кўчанинг нариги бетидаги дўкон-

ларини бекитаётган тожирларнинг қизиқувчан нигоҳлари таъқиб остида Мазҳарбейнинг идорасига киришди. У ичкаридан эшикнинг занжирини тушириши билан Жолани бағрига олди. Заррача қаршилиқ кўрсатилмади...

Орадан бир соатлар ўтиб, оқшом барда кўришиш вадаси ила хайрлашишди. Мазҳарнинг уйга кетгиси келмасди. Гарчи онаси бўлиб ўтган ходисаларни анча шиширганига шубҳаси бўлмаса-да, Назанни ҳам оппоқ дея олмасди.

Кўча эшигини ўзининг калити билан очиб кирди. Пиллапоялардан кўтариларкан, хотинига нисбатан қандай чора кўриш ҳақида ўй сурарди. Ошхонада Ҳалдун отасини хушхол қарши олди. Отасининг авзойи бузуклигини пайқаб, яна онасининг ёнига югуриб келди. Назан эрига ошхона деразасидан назар солди.

– Назан! – дея қичқирди эри. Назан чопиб чикди. Ўғли ортидан эргашди. Ҳожар хоним эса, ўз хонасининг эшигини қия очиб, юз беражак томошани интиқлик билан кута бошлади.

Мазҳар хонадан асабий қиёфада у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Назан эса, қаршисида бош эгиб турарди. Дафъатан Мазҳар хотинининг рўпарасига келиб тўхтади.

– Ойимга узук ҳақида оғиз очма, демаганмидим? – деди унинг юзига қарамасдан.

– М-м-мен ҳеч нарса деганим й-й-йўқ, – дудукланди Назан.

– Унда ким айтди? Бу масала иккимизнинг орамизда қолсин демаганмидим? – овозини янада кўтарди Мазҳарбей. – Яна кўзингни лўқ қилиб менга ёлғон гапиряпсан.

Аёл кўркувдан дағ-дағ титрай бошлаганини кўриб, Мазҳарбей унинг юзига тарсаки тортиш фикридан воз кечди. Яхшиси, узукни заргарга қайтариб, пулини олади. Бу шўртумшуқ бунақа қиммат узукка муносиб эмас.



– Бор, олиб кел менга!

– Узукними? – эрига юзланди Назан.

– Ҳа, яна нимани бўларди? – ўшқирди эр. Яна қўлларини орқасига қилиб, хонани сарсари кезишга тушди. Назан эса, тамом бўлганини англади. У тамоман гангиб қолган, нима сабабдан сандиқ қопқоғини кўтарганини ўзи ҳам билмасди. Қайта-қайта титкилаган бўғчаларни яна бир қайта титиб чиқди. Вақт ўтиб борар, Мазҳарнинг ҳам тоқати тугаёзган эди.

– Нимага тўрвасини йўқотган гадойдек талмовсира-япсан? Узук қани?

– Қидиряпман, – яна ишини давом эттирди Назан.

– Узук игна эмаски, бўғчаларнинг ичига кириб ғойиб бўлса? Қутиси билан солиб қўймаганмидинг? Қани деяпман!

Назан хўнграб йиғлашга тушди.

– Йўқ, – деди кўзёшларига кўмилиб. – Йўқолиб қопти.

– Нима? Йўқолди? Олмос тошли ўша қимматбаҳо узукни йўқотдингми ҳали?

Мазҳар ўзини бошқара оладиган ҳолатда эмасди. Хотини шапалок, мушт ва тепкилар остида қолиб кетди. Назан эрининг оёғи остида ғужанак бўлиб олган, оғзибурни қонга беланганди. Ҳалдун ҳам кўрққанидан дод солиб йиғлар, отасининг оёғига ёпишиб шафқат сўрарди. Мазҳарнинг эса, кўзига ҳеч нима кўринмасди.

Шу пайт эшик очилиб, Ҳожар хонимнинг қизикқон юзи кўринди.

– Нима тўполон? Тинчликми ўзи? – сўради ўзини ҳеч нарсадан хабарсиздек кўрсатиб. – Ҳа, ўғлим, нимага асабийлашяпсан?

Мазҳар онасига ўғирилди:

– Жонимга тегди, ойи, икковинглар жонимдан тўйдириб юбординглар!

Зарда билан хонадан чиқиб кетди. Ҳожар хоним «ё тавба, ло хавло вало куввато» деганча ёқасига туфлаб қолаверди.

\* \* \*

Эшик тақиллади. Келган Ножия экан.

– Нима гап тинчликми, хола?

– Ўғлим хотинини дўппослади, – деди Ҳожар хола пинагини бузмасдан.

– Нега?

– Узукни йўқотибди, аҳмоқ.

– Йўқотибди? Вой, чаток бўпти-ку? Қанақасига йўқотади?

– Мен қаердан билай, Ножия? Ғирт овсарнинг ўзи бўлса? Бирор ерга туширгандир-да! Ўғлимнинг аччиқланганича бор. Бўлмаса, шундай қиммат узукни йўқотадими? Ўғлим қарийб ўлдириб қўярди, ўзим ўртага тушиб ажратмаганимда.

Ножия қизиқиш билан эшикдан суқилди. Уй тўзиб кетганди. Назан сандиқ қаршисида, ерга сочилган бўғчалар ўртасида сассиз йиғлаб ўтирарди. Ҳожар хоним Ножиянинг қўлидан тортди.

– Юр, унга гапириб ўтирма, менинг хонамга ўтайлик.

Нариги хонага чиқишди. Бу ишда қайнонанинг қўли борлигини Ножия ўша заҳотиёқ англаганди. Шу онда эридан эшитган Жола ҳақидаги гаплар тушди-ю, бу ҳақда оғиз очиш-очмасликни билмай туриб қолди.

– Эшикни маҳкамлаб ёпиб кел, – деди Ҳожар хоним. – Бугун Мазҳарнинг ишхонасига боргандим.

– Хўш, хўш? – Ножия кампирга яқинлашди.

– У ерда бир аёлни кўрдимки, асти қўяверасан. Бир қошиқ сув билан ютиб юборсам дейсан-да! Эридан ажралаётганмиш. Лекин юзида на пардоз-андоз, на упа-элик бор. Агар ўғлимнинг ақли бўлса...

– Мабодо, исми Жола эмасми? – ўзини тутиб туролмади Ножия.

– Йўқ, Наримон экан.

– Бўлди, хола. Ўша. Жола – унинг лақаби.

Ҳожар хонимнинг кўзлари олайди.

– Барда, дедингми?

– Эримдан эшитувдим, яна айтиб юрманг, лекин у барда ишлаб юрган жувон-ку! Ўғлингиз билан севишармиш.

– Ие, менга эридан ажрашаяпти, деди-ку?

– Сиздан яширган-да! Ўзи жуда киришимли, ширинсўз аёл. Ўғлингиз билан юришини ҳамма билади-ку!

Ҳожар хонимнинг кўз олдида Жоланинг ишвали чехраси жонланди. Рост, Назанга қиёслаганда, паривашнинг ўзгинаси. Келиним, деб одамларга кўз-кўз қилиб юришга арзийди.

Фақат битта муаммо бор: барда ишлаши ёмон экан. Ўғли ўшанга уйланармикан? Бунақа қиз-жувонларнинг ошиғи, таниш-билиши кўп бўлади. Ҳар окшом бошқа бир эркак билан... Аслида, бу унча ёмонмас, лекин...

– Аслида, эркак ҳам, хотин ҳам, янгиликка ўч бўлади, – деди кампир. – Эркакларни-ку, қўявер, битта чиройли жондон ёнидан ўтса, лаб-лунжини йиғиштиролмай қолади. Ўзим ҳам, бирорта чиройли эркакни кўрмасам, уни билан кайфим бузук бўлади.

Ножия унинг гапидан ҳангу манг бўлиб қолди. Нахотки, бу ёши бир жойга бориб қолган кампирнинг гапи бўлса...

Бироз ўтиргач, Ножия уйига қайтди. Ҳожар хоним ҳам ҳузур қилиб керишганча, келинининг хонасига ўтди. Назан ҳамон ўксиб-ўксиб йиғларди.

– Бўлди, наmunча пиқиллайсан? Эр дегани уради-да! Нима, биз эримиздан калтак емабмизми? Устингга хотин олмаётгани учун шукур қилсанг-чи? Тур, чирокни ёк.

Назан энтика-энтика қайнонасининг амрини бажарди. Ҳожар хоним барибир хурсанд эди. Хўп, Жола барда ишласа нима бўпти? Ўғли уни севса, демак, хотинида кўнгли

йўқ. Агар севганида, битта узук учун хотинини бунча ерга пийпалаб уриб ўтирмасди.

Юз-қўлини ювиб қайтган Назан қайнонасининг юзидаги табассумни кўриб бироз хавотирланди. Одатда ўғлини келинига қарши қайраб уруш чиқарганда ҳам ўзини бунақа хушҳол кўрсатмас эди. Бир гап бор! Балки узук йўқолганини у ўғлига етказгандир?

Назан бу андишасини тилига кўчиришдан ўзини тийиб туролмади. Қайнонаси эса, кўзлари олайиб ёқасига кўл юборди.

– Ҳа-а, яна мен балогардон бўлдимми? Ҳали сени юпатмоқчи, таскин бермоқчи бўлиб турсам, яна менга тухмат қиялсанми? Айтсам сендан яшириб айтаманми? Сенинг нимангдан кўрқаман?

Шу пайт ошхонадан Ҳалдуннинг бақиргани эшитилди:

– Ойи-и-и, қаранг қутича топиб олдим.

Ҳалдун қўлида бахмал қопламали қутича билан каравотнинг тагидан чиқиб келди. Назан югуриб келиб, ўғлининг қўлидаги қутини тортиб олди.

– Қаердан топдинг буни?

– Каравотнинг тагидан чиқди.

Назан жинниларча севиниб, қайнонасининг бўнига осилди.

– Ойижон, ойижон, кечиринг мени, Мен хато қилибман. Сиз ҳазиллашиб бирор ерга қўйгандирсиз деб ўйлабман. Кечиринг..

– Оллоҳ кечирсин, – деди Ҳожар хоним кизариб-бўзариб. – Мен ҳаммасини худога соламан. Ёмон қайнона бўлганимда, мени ўғрига чиқарганинг учун ўғлимга шикоят қилган бўлардим. Сен мендек қайнонани кундузи чироқ ёқиб тополмайсан.

Назан бир чеккага ўтирганча, қўлидаги узук қутисини севинч тўла кўзларига суртарди. Ҳожар хоним хонадан шошилиб чиқди.

Кечаси билан дераза қаршисидаги курсига чўкканча, эридан суюнчи олиш учун унинг йўлига кўз тикиб ўтирди. Соат бир бўлди, икки бўлди, уч бўлди. Мазҳардан дарак йўқ эди. Тўртга яқин кўзлари илинди. У бахтиёр эди. Ахир узук топилган эди-да! Бирдан кўзларини очди.

Эри ҳалиям қайтмабди. Деразадан узоқ-узоқларга термилди. Эри ўша тарафлардан келиши керак эди. Олислардан ҳўрозлар кичкириғи эшитилди.

Беихитёр қайнонасини эслади. Қизик, у нега бунақа юмшаб қолдийкин? Яна ўзини курсига ташлади.

Бошқаларнинг қайнонасини ҳам кўрган. Қанчалар ширинсўз, нуроний, очиқкўнгил кампирлар. Айримлари келинларидан куйган бўлса ҳам, бировга дардини дастурхон қилиб юрмайди. Қанийди, ўзининг қайнонаси ҳам уларга ўхшаса.

Лекин шу қайнонаси, ўғли ва эридан бошқа яна кими бор унинг? Холасими? Ким билсин нималар қилиб юрибди экан? У ҳам ўзидан ортмайди. Шундай экан, сабр қилиши лозим. Ўзи қайнонасини ўғри тутганидан пушаймон бўлиб ўтирибди.

Муаззин бомдод азонини ўқиди. Шартта узук қутисини каравотга, тўшак тагига беркитиб, қайнонасига таҳорат суви ҳозирлагани кетди. Обдастани кўтариб, қайнонасининг йўлида мунтазир тураркан, Ҳожар хоним илжайганча у тарафга кела бошлади.

– Ақлинг кириб қоптими? – дея пичинг қилди унинг кўлидан обдастани олаётиб.

– Ҳа, ойижон! Ахир менинг сиздан бўлак яна кимим бор? Сизни жуда яхши кўраман. Қанийди, сиз ҳам менчалик яхши кўрганингизда эди. Илтимос, мени кечиринг!

– Ҳа, бўпти, – таҳоратхонага қараб йўл олди қайнона. – айбингни тан олганингни ўзи катта гап.

Ҳожар хоним энди келини билан иши бўлмайд қолганди. «Оманту биллоҳ»ни қайта-қайта ўқиганча, таҳорат оларкан, келинининг ёнбошида тикилиб турганига эътибор ҳам бермади.

Ўғли бу оқшом келмади. Ҳойнаҳой ўша бар хизматчисининг ёнида тунагандир? Майли! Ёш йигит, даврини сурсин. Нима, битта шу сўхтаси совукни деб, умри ўтсинми? Уйга олиб келсин, Назанни қувиб солсин, яхши бўларди!

– Мана шунақа совуқ ҳаракатларинг билан эрингни ҳам ўзингдан совутдинг, – деди келинининг қўлидан сочикни олиб, артинарган.

Жавоб кутиб ўтирмасдан ошхонадан чиқди. Хонасига кириб, жойнамозни тўшади.

Қандай бўлмасин, Назанга эрининг Жола билан юрганини етказиши керак. Балки, шу гапнинг ўзигаёқ «мен бу ҳаётга чидолмайман, ажрашаман» деб туриб олар? Мазҳар албатта рози бўлади. Ҳожар хоним гарчи намоз рукнларини адо этаётган бўлса-да, хаёли бутунлай бошқа томонда эди.

Келини Ҳалдунни ҳам олиб кетмоқчи бўлса-чи? Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биттаю битта набирасини ҳеч ким унинг бағридан юлиб кетолмайди. Ўғли ҳам бериб қўярмиди? Анави официант қиз ўғлининг бўйнига чиппа ёпишиб олса-чи? Никоҳ-пикоҳ ўқитиб, уйга кириб олса, нима қилади?

Хуллас, минг бир хаёл билан тўрт ракаат намозни ўқиб битирди. Узундан-узоқ дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди.

Бирдан нариги хонадан Ҳалдуннинг қўрқинчли фарёди эшитилди.

– Урма, урма, онамни!

Бола кечаси ёнида ётган эди.

– Нима бўлди? – сўради набирасининг ёнига бориб. – Ёмон туш кўрдингми?

Бола кўзларини ишқалаб каравотдан сакраб тушди. Онасининг ёнига югурди.

«Ҳали онанг бу уйдан кетсин, кўлимга қараб қоларсан!» дея ич-ичидан янди кампир. Боланинг онасига бўлган бундай меҳрибонлиги кампирга умуман ёқмасди. Қандай бўлмасин, набирасини ундан совутиш пайида эди.

Нонуштадан сўнг, яна бўяниб-безанганча, Ножиалар-никига ўтди. Ризо кеча оқшом қайтгани учун ухлаб ётарди. Хотинининг туртишидан сапчиб турди:

– Ҳа, нима бўлди?

– Тур, анави кампир келяпти.

– Э, келса менга нима, – бошини кўрпага буркаб олди Ризо. – Ўзи ўшанга жа кўзим учиб турувди.

Ризо эгнига халатини илиб, ошхонага қараб кетди. Ҳожар хоним ичкари кирганида, тўшак йиғиштирилмаган эди.

– Ие, Ризо афанди ҳали уйғонмадими?

– Уйғонди, келинг марҳамат!

– Ие, ётавермайдими, – деди Ҳожар хоним илтифот-сизлик билан тўрга ўтаркан. – Мен бегона бўлмасам. Эрталабдан сиқилиб турувдим. Бир чиқай-чи, дедим.

Шу пайт калта иштонда гарсон Ризо кириб келди. Ҳожар хонимга илтифот билан салом берди.

– Ташрифингиздан бошимиз кўкка етди. Биргаликда қаҳва ичамиз, қани, Ножиа, қаҳва тайёрлаб кел!

Ножиа:

– Яхшиям, айтдингиз, – деди киноя билан ва ошхонага қараб кетди.

– Сизларни кўриб ёшлигим эсимга тушиб кетди, – деди Ҳожар хоним илжайиб. – Қандоқ даврлар эди-я! Ҳозирги хотинлар хотин бўптими? Бизнинг пайтимизда эди! Бир кийган либосимизни қайтиб киймасдик. Ейиш-ичишни-ку, айтмаса ҳам бўлади. У пайтда эркаклар хотинини бошига тож қилиб кўтарарди.

– Ана эшитдингми? – эрига имо қилди Ножи. – Эслаб қол.

Ризо гапни ҳазилга бурди.

– У замонлар ўтди-кетди. Ҳозир замон бошқача. Тўғрими, хонимафандим?

– Э, замон бузилиб кетди. Эркакларимизда ҳам бет қолмади. Айниқса, барлардаги очик-сочик ҳаёт, кўнгил-хушликлар...

Ризо ўзича кампирнинг келиши сабабини англаб етганди. «Ҳар қалай, ўғлини суриштириш учун келган. Гапни айлантиришини қаранг. Менинг оғзимдан ис олмоқчидир-да. Ҳа, гапириб бўпман».

Чиндан Мазҳар Жола билан ярим кечгача бардаги ложада ўтирганди. Кейин икковлашиб чиқиб кетишди. Қаерда тонг оттиришганини худо билади.

– Кеча Мазҳар келмади, – ниҳоят мақсадга ўтди Ҳожар хоним.

– Бирор ишлари чикқандир-да! – сир бой бермади Ризо ҳам.

– Ярим кечаси қанақа иши бўлиши мумкин?

– Ҳозир биласиз-ку, кеч қолиб кетса, қайтишда улов топиш қийин бўлади.

Ҳожар хоним қаҳ-қаҳ уриб кулди:

– Қўй бунақа гапларингни! Кечаси қаерда эди Мазҳар? Барда Жоланинг ёнида қолганмиди?

Ризо афанди ҳайратда қотиб қолганди. «Сен етказдингми?» дегандек хотинига ўгирилди.

– Йўқ, хотинингдан эшитганим йўқ, – деди кампир хотиржам товушда.

– Қаердан эшитдингиз, хонимафандим?

– Ер тагида илон қимирласа биламан, – деди кампир кўзларини мастона сузиб. – Эркакка уят бўлмайди. Нима қилсин, хотинидан топа олмаган нарсани бошқалардан кидиради-да! Кўнгли кимгадир суст кетган бўлса, кетган-



дир! Айниқса, менинг келинимга ўхшаган ландавур хотинларга бу ҳам кам.

Ножия негадир эрини бу кампирнинг ёнига ташлаб, қаҳва дамлагани боргиси келмасди.

– Узук масаласи нима бўлди? – дея гапни бошқа томонга бурди.

– Нима бўларди? Таёқ еган жойида қолди. Аҳмоқ, узукни каравотнинг тагига тушириб кетган экан. Мени ўғрига чиқариб ўтирибди. Ўғлимга бир оғиз айтсам бўларди, мен бир мўъмин, тақводор аёлман. Индамадим. Ўртада бола бор. Беш вақт намозимни ўқиб, болаларимга инсофу тавфиқ тилаб юрибман-да!

Сигарасини ёқиб, оғзи тўла тутунни шифтга пуркади. Тутун ёйилишини бир муддат томоша қилиб тургач, «яна билмасам» деб қўйди.

– Сиздан бир нарсани илтимос қилсам, – деди Ризо. – Ҳар қалай, Мазҳарбейни Жола хоним билан барда кўрганингизни биздан эшитмагансиз, тўғрими?

– Хавотир олма, ўғлимга бу ҳақда оғиз очмайман, – дея кулди Ҳожар хоним – Унинг ўзи ҳам мендан ҳеч нарсани яшириб ўтирмайди. Ўзи шу ялангоёқнинг жавобини беришни анчадан буён ўйлаб юрибман. Бирорта яхшироқ келин учраса...

Ҳожар хоним сигарасини тутатганча, эшик тарафга юрди.

– Йўл бўлсин, хола, мен ҳозир қаҳва олиб келмоқчи эдим, – деди Ножия сохта илтифот билан.

– Э, болам, қаҳва ичмаган жойиммиди? Мен боришим керак, Яхши қолинглар!

Эр-хотин кампирни кузатиб орқаларига қайтишди.

– Битта қаҳва қайнатиб келсанг ўлармидинг? – хотинига қараб ковоқ уйди Ризо.

– Қаҳва? Заҳарни ичсин ундан кўра!

– Ие, хоним рашк қияптиларми? Шу қари кампирдан-а? – Ризо қаҳ-қаҳ уриб кулганча хотинини маҳкам кучоқлаб олди.

– Қўйинг, керакмас. Боринг ўша кампирнинг ёнига, қаҳва дамлаб берасиз, тегманг менга! Деразадан ташқарига кўринамиз.

Ризо асабий қўллари билан дераза пардасини тортди...

\* \* \*

Ўша куни Ҳожар хоним ҳамма дугоналарининг уйини кезиб чиқди. Ўғлининг бардаги жувон билан алоқалари ҳақида ҳаммага овоза қилди. Гап орасида келинига жуда ачиниши, у ёлғиз набирасининг онаси эканини ҳам кистириб ўтди. Ўғли хотинининг жавобини бериб юборса, унга жуда қийин бўлармиш.

Ҳожар хоним яқин дугоналаридан бири – прокурорнинг хотинига ҳам анча арзи ҳол қилди:

– Одамнинг ичи туздек ачийди. Лекин нима қилай? Эркак киши-да, минг қилсаям. Гапиролмайман, дарров оғзимни ёпади. Унга бирор гапни қани уқтиролсам?! Хотинида ҳам айб бор. Эрини вақтида қўлга ололганида шундай бўлмасди.

Яна бир дугонаси – молиявий бўлим бошлиғининг аёлига у бутунлай бошқа гапларни гапирди:

– Энди, эркакнинг иши шу-да! Ҳали ёш, бели бакуват, юрагида ўти бор. Юраман деса юради-да! Бутун умрини шу енгилтак аёлига бағишлаб ўтолмайди-ку? Ё нотўғрими, гапим?

– Тўппа-тўғри, – унинг гапини маъқуллади дугонаси. – Ҳар ким ўз қилмишига ярашасини олади. Албатта, келинингиз Мазҳарбейнинг тенги эмас. У хотинини қўйвормоқчимиз?

– Билмадим, – жонқуярлик билан бош чайқади Ҳожар хоним. – Майлику-я, болага қийин бўлади-да! Ўртада

норасида бола бор. Кейин у кетиб қолса, ўғлим бардан ўша суюқоёқ қизни олиб келадими, деб кўрқаман. Ўзинг биласан, мендек такводор, муслима аёлнинг уйида бир суюқоёқ, эркакларнинг кўнглини овлаб юрган жувон ёзилиб, яйраб юрса... Майли, ўғлим қандай бўлмасин, шу етимчанинг жавобини берса бас. Қолганини ўзим биламан, ўша жазманини уйга олиб кирсин-чи, нима қилар эканман.

Ҳожар хоним тушга яқин уйига қайтиб келди. Келини ҳар доимгидек ошхонада куймаланарди.

– Эринг ҳақида бирор гап эшитмадингми? – ўсмоқчилади қайнона.

– Йўқ, – деди кўмирдан қорайган кўллари билан пешонасини артаркан.

– Сен унинг кечаси қаерда тунагани билан ҳам ишинг йўғ-а? – деди Ҳожар хоним тутақиб. – Балки, бирор корҳол юз бергандир? Ахир у адвокат бўлса, дўстидан душмани кўп бўлса. Қара, эринг кўлдан чиқиб кетса, ўзинг айбдор бўласан.

Ҳожар хоним уйига қараб кетди. Назан эса, манқалдаги чўғни пуфлаганича қолаверди. Қизик! Эрталаб Ножиё келиб, «кўзингни оч, эрингни кўлдан чиқаряпсан!» деб кетган, эри ишлайдиган бар ҳақида ҳам нимадир дегандек бўлганди. Лекин Назан унинг гапларига унча эътибор бермади. У эрининг бунақа бемаза жойларда танда кўйишига ишонмасди.

Ҳожар хоним эса жойида ўтиролмасди. У яна ошхона эшиклари томон юрди. Назаннинг ўйчан қиёфаси унинг янада ғашини келтирди.

– Эринг ҳалиям келмади. У бирортаси билан илакишиб қолган кўринади. Қара, сени кўчага ҳайдамасин яна.

Назан ярқ этиб қайнонасига қаради. Наҳотки, Мазҳар ана шундай виждонсизлик қилса? Шу пайт ошхонага

Ҳалдун югуриб кирди. Катталарга ўхшаб, бувисига синчков назар ташлади. Кейин онасининг пинжига суқилди. Назаннинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди. У ўғлини бағрига босиб, юз-кўзларини ўпичларга кўмиб ташлади.

– Бўлди, ҳалитдан кўзёшингни оқизаверма, – деди Ҳожар хоним. – Бор, афтингни яхшилаб совуқ сувга чайиб ол.

«Наҳот эрим кимгадир илакишиб қолган бўлса? – ўйга толди Назан. – Ножиянинг гапи бежиз эмасга ўхшайди».

У қайнонасининг ёнига қайтиб унинг юзларида хайрихоҳлик аломатини кўрди:

– Демак, сиз эрим мени кўчага чиқариб ҳайдашини истамайсиз?

– Тентак, нима, мен, сенингча, шу даражада виждонсизманми? Қизим, барибир бу уйда битта келин бўлиши керак-ку!

«Қизим!» Наҳотки, шу гапни қайнонаси айтган бўлса?

– Менинг тилим аччиқ бўлгани билан, кўнглим юмшоқ, қизим!

– Сиз менинг онамсиз, онамдан ҳам яқин меҳрибонимсиз, – деди Назан қайнонасининг елкасига бош кўйиб.

– Албатта, болам, ичим куйганидан гапираман-да! Гапимга қулоқ сол, эрингни маҳкам ушла. Дунёда бунинг йўллари кўп. Бунинг учун иссиқ-совуққа ўхшаган нарсалардан фойдаланиш ҳам зиён қилмайди.

Назан бу сўзлардан эриб кетди. Беихтиёр куни кеча Ножиядан олиб, сандиқ тубига беркитиб қўйган туморни олиб келди. «Нима бу?» деб сўради Ҳожар хоним.

– Ўзингиз айтдингиз-ку, иссиқ-совуқ қилдирса бўлади, деб. Менам бир тумор ёздириб қўйгандим.

Ҳожар хоним бирдан сергак тортди:

– Демак, қўлингдан бунақа ишлар келаркан-да, – Ҳожар хонимнинг қошлари учи тугилди. – Кимга ёздирдинг?

Назан Ножиёга берган ваъдасини эслаб, тилини тишлаб қолди:

– Бир таниш азайимхонга бориб ёздиргандим.

– Қойил. Жуда бошлабсан, қизим, – қайнона ясама илтифот билан уни алқади. – Ана энди ақлинг кира бошлабди.

Назан ўзининг «ақлли» эканини исботлашда давом этди:

– Балки, «эшак тили» ҳам фойда қилар? Агар сиз маъқул десангиз...

– Жуда маъқул, қизим, – атайин майин овозда гапирришга уринди кампир. – Майли, оиланг тинчлиги, фарзандингнинг бахти учун ҳар нарса қилсанг арзийди. Бу ишларинг таҳсинга лойиқ.

Соат ўн иккига бонг чалди. Назан хоним ҳам гап мавзусини ўзгартирди.

– Қизим, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўп кетди. Бирор нима пишириб берсанг, дуо қилиб ердим.

Назан шоша-пиша ошхонага югурди. Топ-тоза лаганда дўлма келтириб, қайнонасининг ёнига қўйди.

– Раҳмат, қизим, илоҳим Худо хайрингни берсин.

«Тавба бу хотин нега бунча ўзгариб қолдийкин? Демак, қайнонам мен ўйлаганимча ёмон аёл эмас экан-да? Агар шундай бўлса, мен ўла-ўлгунча унинг хизматини қилганим бўлсин!»

Шу пайт қайнона-келиннинг кўзлари тўкнашди. Қайнонаси кўнглидан кечаётган фикрларни сездирмаслик учун кулимсираб қўйди.

Ҳожар хоним тамадди қилиб бўлгач, одатига хос тарзда бўяниб-безаниб, «мен молия мудирининг уйига бориб келай» деди-ю, кўчага йўл олди. Аввал ўғлининг ишхонасига борди. Ўғли иш столида, асабий суратда қоғозларга кўмилиб ўтирарди. Онасини қаршисида кўриб:

– Ҳа, ойи, яна нима гап? – деди.

– Оқшом нега уйга бормадинг, – сўради онаси ковоғини уйиб. – Қай гўрларда санғиб юрибсан? Кечаси билан мижжа қоқмасдан чиқдим. Туз тотганим йўқ.

– Нега? Нима учун туз тотмадингиз ахир, ойи?

– Мен онаман, хавотир оламан, – ёлғондакам кўзёш қилишга тушди Ҳожар хоним. – Хотинингга ўхшаб қоқ пешингача хуррак отиб ётмайман. Унга нима, эри ўликми, тирикми, нима иши бор? Онани яратмасин экан.

У куп-куруқ кўзларини ишқаларкан, зимдан ўғлига қаради.

– Ойи, мақсадингиз нима? Нега келдингиз олдимга?

– Ҳа, яна ўша кунги ойимчангни келишини кутяпсанми?

– Қайси ойимча?

– Ўзини билмаганга олишини-чи? Ўша кунги хонимни айтяпман. Исми Жоламиди?

– Ойи, мен адвокатман. Бу ерга ҳар куни унга ўхшаганлардан ўнтаси келади.

– Ҳаммаси эридан ажрашиш учун келадими ёнингга? Ҳаммаси сендан исмини яширадими?

– Бу нима деганингиз?

– Тунов кунги аёлнинг асл исми Наримон экан-ку! Бу оқшомни ҳам бирга ўтказдинглар, тўғрими?

Мазҳарнинг юзлари оқарди. Лаблари титради.

– Сизга ким айтди? Анави итвачча Ризоми?

– Билиб-билмай ҳар кимдан гумон қилаверма, – жавради Ҳожар хоним. – Бу гап бутун халқнинг оғзида юрибди. «Мазҳарбей бир суюқоёқ официант қизнинг ортидан илакишиб қолибди» деган гапни кўпчиликдан эшитиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

– Менинг шахсий ҳаётим билан бошқаларнинг нима иши бор экан? – асабийлашди Мазҳарбей. – Қандай истасам шундай яшайман.

– Лекин эл оғзига элак тутиб бўлмайди, ўғлим. Хотинингдан ажрашмоқчи бўлиб юрганнинг ҳам шов-шув бўлиб кетибди.

– Ким айтди? Менинг бунақа ниятим йўқ.

Ҳожар хоним аввал ўғлига анграйиб қолди, кейин ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Ўғли бироз жим тургач, онасига яқинлашиб, унинг юзларини силади:

– Назанни ёқтирмасдингиз-ку, унинг кетишини истамасдан кўзёш тўқяпсизми?

– Сен билан ҳам, хотининг билан неча пуллик ишим бор, – кампир кўзларини артган бўлди. – Ажрашсаларинг, сен ҳам, у ҳам тенгингизни топиб кетасиз. Лекин мен неварагинамга ачинаман. Ҳалдуннинг ҳоли нима кечади? Ахир ажрашсангиз, хотининг уни опкетади-ку?

– Ҳалдунни ҳеч ким олиб кетолмайди, – деди ўғли ишонч билан.

Ҳожар хоним бирдан жонланди:

– Унақада яхши, – деди юзлари ёришиб. – Ўзи ҳамма айтарди «келинингиз Мазҳарбейнинг тенги эмас» деб. Мен эсам, «ўзи бир етимча бўлса, бунинг устига ёш боласи бор» деб индамай келардим. Бўлмаса, хотинингни шунақа қилиқлари борки, уйдан қувиб солсам ҳам кам уни.

– Яна қанақа қилиқ?

– Э, қўй болам, – Ҳожар хоним ўзини бечорага солди. – Минг қилсаям отим қайнона. Қўй, гуноҳи бошидан колсин. Айтиб юраманми?

– Ойи, гапни бошладингизми, охиригача гапиринг!

– Майли, айтаман, фақат бу гапни биров билмасин. Молия мудиринг онасидан эшитдим. Хотининг азайимхонларга бориб, иссиқ-совукми-ей, аллақандай туморларми-ей, «эшак тилим»и, ишқилиб бир балоларни ёздириб юрганмиш.

– Ойи, яна шу гапми?

– Айтим-кўйдим-да, болам, бу жодугардан эҳтиёт бўл, деяпман. Ўз ақлинг, ўз фикринг бор, ахир! Қонунни яхши биласан, сенга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Ўзинг биласан, нима қилишни. Бўпти менга рухсат.

Онаси чиқиб кетди. Мазҳар эса, «ух» тортганча, муштини пешонасига тиради.

\* \* \*

Оғир жиноятлар маҳкамасидан ташқарига чиққан пайтида ёмғир худди челақлаб қуйгандек ёғарди. Адлия биноси олдида турган фойтунлардан бирига чиқди.

– Уйга кетасизми, бей афандим? – сўради таниш фойтунчи. Мазҳарбейнинг баданига игна санчилгандек бўлди. Қаерга кетишни ўзи ҳам билмасди.

– Мени ишхонамга ташлаб, кейин Жолани олиб келасан, – деди Мазҳарбей.

Фойтунчи отларни қамчилади. Мазҳарбейнинг хаёли ҳозиргина кўрилган жиноят иши билан банд эди. Қотилликка ер даъвоси сабаб бўлганди. Албатта, шаҳарда бунақа ишлар тез-тез учраб турарди. Бу гал ҳам у ютиб чиқиши лозим. Бироқ унга жавобгар деҳқонлар ғазаб кўзларини тикиб туришарди.

У сигарет тутатди. Унинг виждони қийналмаса ҳам бўлади. Қонун даъвогарлар томонида. У эса, қонунни ҳимоялаши лозим. Унга кўра, деҳқонлар қонунга зид тарзда ерлардан фойдаланиб келишарди. Агар Мазҳарбей ўз ҳақлигини исботлай олса, кўпчилик ерсиз ва ишсиз қолиши тайин.

Мазҳарбей хаёлчанлик билан сигарета қолдиғини ташқарига улоқтирди. Ўзи бугун унинг учун жуда оғир кечди.



Фойтунчи эшик тақиллатаётганда, Жола каравотда чалқанча ётганча, сигарет симирарди. Насрин эса, унга насиҳат қиларди:

– Сен билан мен аллақачон енгилганмиз. Бошқаларнинг ҳам енгилишига сабабчи бўлиб қолмайлик. Оилали эркакнинг уйини бузиб нима қиласан? Виждонингга кулоқ сол.

– Менинг оиламни бузганлар нима учун виждонига кулоқ солмади, унда? – тутун пуркаб лукма ташлади Жола.

Насрин оғир-оғир йўталиб, қаршисида турган идишга тупурди.

– Нима, менинг бошқалардан кам ерим борми? – гапида давом этди Жола. – Менинг ҳам одамлар қатори ҳаётдан завқ олиб яшашга ҳаққим бор. Менда ҳам кўнгил бор, орзу-истаклар бор. Севишим, севилишим мумкин эмасми? Хўш, у йигит-чи? У ҳам ўз аёлидан қидирган нарсасини топа олмаётган бўлса, нима қилсин шўрлик? Мен бўлмасам, бошқа бировни топарди.

Эшик очилди. Фойтунчи билан бирга келган Ризобей кўринди.

– Хонимафандим, сизни ташқарида фойтун кутмоқда.

– Кўряпсанми? – опасига ўгирилди Жола. – Мен эмас, у мени қидириб юрган бўлса, нима қилай?

Насрин индамади. Жола истиғно билан ўрнидан туриб, ювингани чиқиб кетди.

– Нима гаплар? – сўради Ризо Насриннинг рўпарасидан омонатгина жой оларкан.

– Ҳеч нарса, – деди Насрин унга гинали кўз ташлаб.

– Ҳаммасидан хабарим бор, – деди Ризо бошини қуйи солиб. Мазҳарбейни ҳам тушуниш керак. Нақ аждаҳога ўхшаган онаси бор. Кун бермайди. Шу сабабли бир неча кундан бери уйига қадам босмайди.

Шу пайт Жола юз-қўлларини мовий сочиққа артиб, ичкари кирди. Сочикни бир четга ирғитди. Хонадан эркак кишининг борлигига ҳам эътибор қилмасдан эғнидаги ҳарир тунги кўйлакни ечиб ташлади. Кўзгу қаршисига ўтиб, юзларига пардоз қила бошлади.

– Ризобей, агар малол келмаса, сийнабандимнинг тасмасини ўтказиб қўйсанг.

Ризо аввалига «хато эшитмадиммикин» деб атрофига аланглади. Кейин ойнага яқин борди ва унда бор малоҳатини кўз-кўз этиб турган аёл сиймосига ҳайрат ва хирс билан тикилиб қолди.

– Нима, умрингда кўрмаганмисан? Тасмани ўтказ, дедим.

Ризо титроқ қўллари билан анча тимирскиланди. Ниҳоят бир амаллаб нафис сийнабанднинг илгичларини бир-бирига ўтказди. Ташқарида извошчининг асабий сигнал чалаётгани эшитилди.

– Анавингга айт, бироз ўчириб турсин, – буюрди Жола. – бироз кутиб турса, ҳеч бало қилмайди.

Бироз ўтиб, Ризо билан Жола изма-из чиқиб кетишди. Хонада ўзининг оғир-оғир хаёлларига берилганча, Насриннинг бир ўзи қолиб кетди. Адёлга бурканганча деразадан ёғаетган ёмғирга маҳзун термилиб қолди. Ана шундай кунларнинг бирида у Сами билан жанжаллашиб қолганди.

Баланд бўйли, кенг елкали бу йигит нимаси биландир Жолага ўхшаб кетарди. Эҳтимол, енгилтаклиги, сермуҳаббатлиги туфайлидир? Аслида уни келишган деб ҳам бўлмасди. Қиладиган ишининг ҳам тайини йўқ эди. Шуниси аниқки, Насрин уни бир кўришда ёқтириб қолган. Нима учунлигини ўзи ҳам билмайди.

Кўп ўтмай, Сами қутилмаганда бойиб кетди. Унчабунча одамни назарга ҳам илмай қўйди. Шу сабаб Насрин билан алоқалари узилганди. Узоқ иккиланишлардан

кейин Насрин унга мактуб ёзди. Жавоб шу икки-уч кун ичида келса-келди, келмаса...

Шу пайт эшик очилиб, уй бекасининг юзи кўринди.

– Сенга зўр янгилик бор, – деди у остона ҳатлаб. – Сенга Истанбулдан мактуб келди.

\* \* \*

Жола Мазҳарнинг хужрасига кириб келганида, пардалар туширилган, унинг ўзи эса, курси суюнчиғига бошини кўйганча хаёлчан ўтирар, стол устида ароқ ва газаклар турарди.

– Сени қанчалик кутганимни биласанми? – Мазҳар Жолани бир кўли билан бағрига босиб, иккинчиси билан эшикни қулфлади. – Сенга якуний қароримни айтиш учун чақирдим.

– Мазҳарбей, ўзингизни қўлга олинг, – унинг жўшқин ҳаракатларига ўзини бепарводек кўрсатишга уринди Жола. – Биров келиб қолмасин тағин.

– Менга турмушга чиқасанми?

Жола унинг қучоғидан сирғалиб чиқди.

– Мазҳарбей, биринчидан, сиз оилалисиз, қолаверса, мен ҳали бу ҳақда ўйлаб кўришим керак.

Мазҳарбей Жолани курсига ўтқазиб, қадаҳларни тўлғазди.

– Очиғи, уйдаги қўйди-чиқди гаплардан хабаринг бор. Онам ҳам, хотиним ҳам жонимдан тўйдириб юборди. Кунда жанжал. Онамнинг қандай жанжалкаш аёл эканини билмайсан-да, Жола!

– Биласизми, Мазҳарбей, – Жола қадаҳга тикилганча, – Мен Ризобейдан аёлингиз ва онангиз ҳақида анчамунча гапларни эшитганман. Онангизни ҳам кўрганман. Чамамда айб фақат аёлингизда эмас. Бунақа қайнона билан ҳар қандай аёл ҳам чиқишиб кетолмайди.

– Тўғри, онамнинг қанақалигини айтмасанг ҳам биламан, Назан ҳам кўнглимдагидек аёл эмас.

– Нима, мен сизга у бермаган нарсани бера олармикинман? – сирли жилмайди Жола.

– Бунга ишончим комил. – Мазҳар яна уни бағрига тортди.

– Лекин менинг ҳам ўзимга яраша камчиликларим бор, – Жола Мазҳарнинг бурнини оҳиста чимчилади. – Мен танноз, тантиқ ва олифта аёлман. Уй ишларидан кўра, кўчада ялло қилишни ёқтираман. Қолаверса, мен қайнонам билан бир уйда яшашга ҳеч қачон рози бўлолмайман. Чунки мен Назанга ўхшаб, ҳамма дардини ичига ютадиганлардан эмасман. Битта гапирса ўнта қилиб қайтараман. Сиз ва онангиз бунга рози бўлармикинсиз? Қолаверса, мен барда ишлайман. Бизга ўхшаганлар ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юради. «Мазҳарбей келиб-келиб бар қизига уйланибди» деган гапни кўтара оласизми?

Мазҳар жавоб ўрнида унинг қадаҳига яна ароқ куйди.

– Онам билан бирга яшаш-яшамаслигингни ҳали ўйлаб кўрамиз. Одамларнинг гап-сўзига эса, аллақачон тупурганман. Мен сени қандай бўлсанг шундайлигингча севаман, Жола...

\* \* \*

Ҳожар хонимнинг хонасидаги соат тўққизни кўрсатмоқда эди.

– Кўрдингми, эрингдан яна дарак йўқ, – деди тиззасида неварасини эркалатиб ўтирган Ҳожар хоним келинига. – Эринг сендан совиган, кўрдингми? Вақтида уни кўлдан чиқармасликка интилишинг керак эди. Ким билсин, балки эринг ҳозир Истанбулдан келган фоҳишалар билан маишат қилиб ўтиргандир?! Сен бўлсанг, парвонинг палак.

– Инсофни Худо ўзларига берсин, – деди Назан ерга тикилиб.

– Инсоф бермаса нима қиласан? Ўша манжалақиларнинг бирини уйга келтириб, сени кўчага ҳайдаса нима қиласан? Ўғлингни тортиб олса-чи? «Инсоф берсин» деб ўтираверасанми?

Назан юзларини тиззасига босиб, йиғлаб юборди:

– Билмадим, нима қилай, нима қилиш керак унда?

Ҳожар хоним аввал келинининг афтода аҳволини завқ билан кузатиб турди. Кейин ўғлининг идорасида учратган Жоланинг оҳанжамали қиёфаси кўз олдига келди. Йўқ, у ҳаққини бировга едириб кўядиганга ўхшамайди. Керак бўлса, қайнонасини ҳам таъзирини беришга тайёр. Беихтиёр юраги орқага тортиб кетди.

У Назаннинг бу уйдан кетишини ҳар қанча хоҳламасин, барибир «бар қизи»нинг бу уйга қадам босишини истамасди. Йўқ, нима бўлганида ҳам, ҳозирча Назан кетмай тургани маъқул.

У Назаннинг пардоздан холи, содда, рангпар юзларига тикилди. Сумкасидан пардоз қутисини олиб, келинини ёнига чақирди. Назан аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Қайнонаси оҳиста унинг қошларига қалам торта бошлаганида, унинг мақсадини тушуниб, яна томоғига нимадир тикилди. Кейин рангсиз лабларга лоларанг лаб бўёқ сурилди. Киприклар ҳам қорамтир тушга беланди. Ёноқлар ҳам пуштиранг упадан лов-лов ёниб кетди.

Ҳожар хоним ишини битириб, бироз орқага чекинди ва ўз «иш»ини кузатишга тушди. Кейин мамнун ҳолда бош ирғади:

– Қизим, агар ўзингга қараб юрсанг, бирорта олифта сенга тенг келолмайди. Чиройли кийимларингни кий, анави кўк бахмал кўйлагинг сенга роса ярашади. Кейин... анави олмос кўзли узукни бармоғингга тақиб олсанг, сенадан чиройлиси бўлмайди.

Узук ҳақида эшитиши билан Назан кулоқларигача қизариб кетди. Қайнонасини узук ўғрисиغا чиқарганини

эслаб, ич-ичидан афсусланди. Шундай ажойиб, меҳрибон қайнонаси бор экану, у билмай юрган экан.

У қайнонасининг олдидан севинганча югуриб чикди. Эри совға қилган узукни бармоқларига тақди. Қайнонаси айтган қўйлакни эғнига илиб, кўзгуга тикилди. Ўзини таниёлмади.

Лекин эри нега келмаяпти?! Соат тўққиздан ошиб кетибди. Қайнонаси айтгандек енгилтак аёллар билан дон олишиб юрганмикин? Қайнонаси нима деди? «Эрни қўлга ола билиш керак» дегандек бўлдимми?

Шу аснода Ножиянинг ёрдамида қўлга киритиган севги тумори эсига тушди. Қаерга қўйганди-я? Ҳа, кўрпанинг қатига беркитиб қўйганди. Кейин эрининг илгичда турган жигарранг костюмини олди. «Эрим сезиб қолса нима бўлади?» дея бир зум иккиланиб тургач, туморни билинмайдиган қилиб, кийимнинг астари ва авраси орасига жойлаб тикиб қўйди.

Мазҳар тунги соат бирда Жола билан бардан чиққан маҳалда ёмғир тинганди. Осмонда юлдузлар чарақларди. Йўлнинг ярмини пиёда босиб ўтишди. Кейин дуч келган фойтунлардан бирига чиқиб, пансионатга йўл олишди. Жолани ўша ерда қолдириб, ўзи уйига қайтди.

Уйнинг қулфига калит соларкан, онасининг жоҳил қиёфаси, хотинининг рангпар, ожиз юзларини кўз олдига келтирди. Беихтиёр юраги безиллади. Онасининг чироғи ўчик, демак, ухлаб қолган. Кейин ўз ётоғига кирди. Назан бошини курси суянчиғига қўйганча уйкуга кетганди.

«Назанни хунук деб бўлмайди, – ўйлади аёлининг маъсум чеҳрасига сархуш нигоҳларини қадаб. – Лекин жонсиз, ҳиссиз кўғирчоқнинг кимга кераги бор? Жола бошқача, унинг томирида ҳаёт қайнайди, кўзлари қувончдан порлаб туради. Ҳар қандай эркакнинг эҳтиросини кўзгатишга кодир!»

Мазҳар кийимларини алмаштираркан, беихтиёр стол четида турган стаканни туртиб юборди. Полга тушган стакан чил-чил бўлиб кетди. Назаннинг кўзлари беихтиёр катта-катта очилди ва нима бўлганини англаб етмай, ўзини эрининг бағрига отди.

– Бу қанақаси? – кичқирди Мазҳар, – жинни бўлганми бу? Шиша парчаларини йиғиштириш ўрнига бўйнимга осилади.

Назан гилам четидаги шиша парчаларини йиғиштираркан, «узук топилганини айтсаммикин?» дея хаёлидан ўтказди. Кейин яна негадир ахдидан қайтди. Кейин шиша парчаларини этагига солиб, ошхонага чиқди. Чиқиндини челақка ташларкан, юзларини пардоз қилгани эсига тушди. Эри эътибор қилдимикин? Унда нима кераги бор эди бўяниб-безанишнинг? Ётоққа киргиси келмади. Чирокнинг пилигини ёқиб, курсига беҳол ястанди.

Эри эса, бу пайтда ётоқда, тезроқ ухлаш тадоригида эди. Ҳар доим ичганидан кейин кўнгли айниб, боши ғувиллай бошлайди, томоғи ўт бўлиб ёнади. Ҳарчанд уринмасин уйкуси келмасди.

«Эртага эрим билан очикчасига гаплашиб оламан, – ўйлади Назан. – Агар мени севмаса, унда жавобимни берсин. Ҳалдунни олиб, холамникига кетаман». Беихтиёр кўзлари ёшланди. Томоғига нимадир тикилгандек бўлди.

Эрининг хаёлига онаси айтган тумор келди. Хотини шундай ишга журъат этармикин? Қачон кийимимга тикиб кўяркан бу лаънати туморни? Балки, ухлашимни кутаётгандир?

Назан чиндан ҳам эрининг ухлашини кутаётганди. Фақат унинг жигарранг костюмига тикилган туморни чиқариб ташлаш ҳақида ўйларди. Ахир бу туморнинг нима кераги бор? Барибир холасининг ёнига қайтади-ку!

Эрининг хуррак ота бошлаганини эшитиб, оёқ учида даҳлизга ўтди. Эҳтиёткорлик билан унинг жигарранг

пиджагини илгичдан олди. У эндигина туморни тикилган жойидан чиқариб олишга чоғланганида, эрининг даҳшатли овозидан сапчиб тушди:

– Нима қиялпсан бу ерда? – бақирди остонада хотинига еб қўйгудек тикилиб турган Мазҳар.

Унинг овози Ҳожар хонимни ҳам уйғотиб юборган эди. Тура солиб, ўғлининг ётоғига отилди. Орқасидан ялангоёк Ҳалдун югуриб келди. Бу пайтда Мазҳар хотинини аёвсиз дўшпослашга тушган эди.

– Сендақа ярамас хотинни уч талоқ қўйдим!

Назаннинг кўз олдида чакмоқ чакқандек бўлди. Кампир мамнунлик билан қандайдир дуоларни пичирларди. Кейин амаллаб Назанни эрининг чангалидан қутқариб олди.

– Кўнглинг тўлдими? Бўлди, бор хонанга чиқ энди. – Кейин қонига беланган келинининг сочларини силаган бўлди. – Яратганнинг иродаси шу экан, қизим. Юр менинг хонамга. Балки ҳаммаси яхшиликкадир?

Назан ўрnidан аранг туриб, қайнонасига эргашиди. Ҳалдун эса, нима бўлаётганини англамасдан, кўзлари жавдирарди. Келинини ўринга ётқизиб, ўғлининг ёнига югурди:

– Ҳа, нима гап? Ярим кечаси сени нима жин урди?

– Пиджагимга тумор тикаётганида ушлаб олдим, – деди Мазҳар тишларини ғижирлатиб. – Яна юзига фоҳишалардек упа-элик суртиб ўтирибди ярим кечаси.

Ҳожар хоним юзларини чангаллаб, бошини тебратди:

– Астағфуриллох, одамлардан эшитиб ишонмагандим. – Кейин оҳиста келиб, ўғлининг кифтидан туртди. – Энди буни нима қиламиз? Хотининг энди сенга ҳаром бўлди. Уйингда номаҳрамни олиб ўтирасанми?

Мазҳар боя жаҳл устида айтган гапини эслаб, боши котди. Ҳа, жуда қийин вазият юзага келди. Беихтиёр қўшни деразадан тушаётган чироқ ёруғига кўзи тушди. Бақириб «уч талоқ» деганини қўшниси ҳам эшитган бўлса-чи?



Ножиядек оғзи бўш хотин борми? Эртагаёқ бутун шаҳарга ёяди.

– Нима қилардик? Холасиникига жўнатамиз, – деди бўшашиб.

– Бола нима бўлади?

– Ҳалдунни ҳеч кимга бермайман.

– Майли, болам, – деди Ҳожар хоним ортига қайтаркан. – Ўзинг пиширган ош, энди ўзинг ичаверасан-да!

Мазҳар эртаси эрталаб чиқиб кетди. Ҳожар хоним эса терисига сиғмасди. Парвардигор унинг оҳларини эшитибди. Назан энди холасиникига даф бўлади. Ўғли яна ўзига қоладиган бўлди. Невараси ҳам ёнида қолади. У энди нима қилишни яхши биларди. У шуларни ўйлаб, қўлига супурги олганча айвонни супуришга тушди.

«Бечора, – ўйлади унга тикилиб турган Назан. – Ҳамма иш энди унга қоладиган бўлди. Бирорта оқсоч ёллашса яхши бўларди...»

– Беринг, ўзим супураман, – деди қайнонасининг ёнига бориб.

Ҳожар хоним Назаннинг йиғлайвериби шишиб кетган юзларига тикилди:

– Ох, қизим-а! Менга раҳминг келдими? Тентак ўғлим нима қип қўйди? Шундоқ келинимни номаҳрамга айлантирди. Йўқ, болам, энди сен бу ҳовлига ҳам, ундаги ҳар бир буюмга ҳам номаҳрамсан.

Назан қайнонасига мўлтираб боқди:

– Боламни... мендан ториб олмайсизларми?

Ҳожар хоним ўзини аранг қўлга олди:

– Билмадим, қизим, буни сен биласан, Мазҳар билади. Мен аралашмайман. Аслида болани туғиб катта қилган сен, уни сендан айиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин... яна билмадим.

– Энди мен... холамнинг ёнига бораверайми?

– Албатта, қизим, – деди кампир жонкуярлик билан. – бошқа киминг бор, ахир. Лекин, сенсиз мен қандай яшаркинман-а! Э, золим фалак, шундан кўра жонимни олсанг бўлмасмиди?!

Назан кўзёшларига ивиганча қайнонасининг бўйнига осилди. Шу аснода эшик тақиллади. Назан бориб очмоқчи эди, аммо тўхтаб қолди. Ахир у энди бу хонадон учун номаҳрам. Келган одамга эшик очишга ҳам ҳақли эмас. Эшикни Ҳожар хонимнинг ўзи очди. Келган Ножия эди. У табиийки, кечқурунги бақир-чақирларни эшитган, энди бу жанжалнинг сабаб ва оқибатини ўрганиш учун бу томон ошиққанди. Назан у билан бош ирғаб сўрашган бўлди-ю, хонасига кириб кетди.

– Нима гап ўзи, холажон? – шошқич сўради Ножия.

– Нима бўларди, ўғлим хотинини талоқ қилди.

Шу тариха оқшомги ҳодисаларнинг барини кўшиб-чатиб, Ножияга етказди. Ножия эса, барини диққат билан эшитиб, афсуснамо бош чайқади.

– Вой, бечора Назанга қийин бўпти-да! Энди у нима қилади? Эри бошқага уйланармикин?

– Нима бўларди? – бефарқ қўл силтади Ҳожар хоним. – Назан холасиникига жўнайди, ўғлим ҳам бир кунини кўрар.

Ножия қониқиш билан бош ирғади-да, «эрим уйғониб қолгандир» дея ҳовлиққанча уйига йўл олди.

Бу пайтда Ризо аллақачон уйғониб бўлган, устма-уст сигарет тутатганча, хотини олиб келажак янгиликни кутарди.

– Мазҳарбей хотинини уч талоқ қилибди. – деди Ножия уйга кириши билан.

Ризобей мамнун илжайганча, кийинишга тушди. Ишга кетиб бораркан, Жоладан суюнчи олиш, шу тариха унинг ишончига киришга ошиқарди. Ниҳоят, Жола ва опаси яшайдиган пансионат эшигини тақиллатди. Ичкаридан

Насриннинг хастаҳол овози эшитилди. Ризо Насринни кўриб, хийла тараддудланди. Мазҳарбей хотинини ҳайдаб юборганини унга айтса бўлармикин?

Насрин уни хушламайгина қарши олди. Бироздан сўнг ичкаридан ётоқ кийимида кўзларини ишқалаб, Жола чиқиб келди.

– Нима гап? – дея салом-аликсиз мақсадга кўчди.

– Ҳалиги... Мазҳарбей кеча хотинини қўйворибди.

Жола кутилганидек қувониб кетмади. Қайтага қошлари чимирилди.

– Нима? Бировнинг уйи бузилганини эшитиб, мени хурсад бўлади, деб ўйладингми? – Жола юзини ундан терс бурди. – Тўғри, мен Мазҳарбейни севаман, аммо унга тегишга ошиқаётганим йўқ.

Шундай дея индамай хонасига кириб кетди. Бундай кўрсликни кутмаган Ризобей остонада хангу-манг бўлиб қолганди.

Бу пайтда Жола каравотига узанганича, хаёлга толганди. Наҳотки у бир оиланинг заволига сабабчи бўлди? Беихтиёр ўша куни Мазҳарбейнинг ишхонасида кўрган аёлни кўз олдига келтирди. Ҳаммасига шубҳасиз ўша хотин айбдор. У Мазҳарбейдан онаси ҳақидаги ҳар хил гапларни кўп эшитган. Бунини Ризонинг ўзи ҳам тасдиқлайди. Жола ўша жоҳил аёл билан бир ҳовлида яшаши мумкинлигини ўйлаб, пешонаси тиришди. Йўқ, у бунга ҳеч қачон рози бўлмайди. Кўнганида ҳам, ундан ўша муштипар Назаннинг ўчини олиб, тавбасига таянтирмагунча қўймайди.

Ризобей тарвузи қўлтиғидан тушиб, шаҳар маъмурияти биноси ёнидан ўтиб бораркан, Ҳожар хонимни учратди. Салом-алиқдан сўнг, афсуснамо бош чайқади:

– Эшитдим, кеча жуда хунук иш бўлибди.

– Ҳа. Нимасини айтасиз, пешона экан. Ўғлим бечора ҳам нима қилсин? Эрини жодулайдиган хотиннинг ким-

га кераги бор? Холасининг ёнига Истанбулга кетмоқчи бўлиб турибди, бугун поездга чиқаркан.

Ризо бироз ўйланиб турди.

– Дарвоқе, менинг бир танишим бор – Насрин, – деди ва қўшиб қўйди. – Сиз унинг синглисини танийсиз – Жола. У ҳам Истанбулга кетмоқчи экан. Балки бирга кетишар?

Кампирнинг қошлари чимирилди:

– Анави суюқоёқми Жола деганинг? Афти курсин! Нима ишим бор? Ким билан кетса кетаверсин! Анави ал-вастини эса, кўрарга кўзим йўқ. Ўғлим у билан бир-икки кўнгилхушлик қилган бўлса, бу уйига хотин қилиб олиб борсин, дегани эмас.

Қўл силтаб, Ризо билан хайрлашмасдан йўлида давом этди.

Хужрасида хуноби чиқиб ўтирган Мазҳарбей остонада онасини кўриб, янада асабийлашди.

– Ҳа, ойи, яна нима гап, – деди бошини қоғозлардан кўтармай.

– Хотининг боласини олиб, Ножияларникига чиқиб кетди. Чамаси боласини ўзи билан опкетмоқчига ўхшайди. Кейин анув... узукни топибди. Каравотнинг тагига тушиб кетган экан. Топибди.

Мазҳарбей «ярк»этиб онасига қаради.

– Узук ўзида қолаверсин, – деди бироз жим қолиб. – Лекин бола ҳеч қаерга кетмайди. Шу шарт билан узук унда қолади.

Ҳожар хонимнинг ҳафсаласи пир бўлиб, уйга қайтди. Унинг йўлига кўз тикиб ўтирган Назанни ёнига чақирди.

– Эринг кечаги гапидан қаттиқ пушаймон. Лекин нима қила олардик. Бўлар иш бўлди. Сен қайғурма. Кўпи билан уч ой холангнинг ёнида бўласан. Кейин ўзи бориб опкелади. Қоидаси шунақа шекилли. Болани ташлаб кетавер. Сенга ортиқча ташвиш бўлади. Узук топилганини ҳам

айтдим. Нимагадир ишонмаяпти. Менга бер узукни, ўзим унга кўрсатаман-да, кейин қайтариб бераман.

Назан яна қайнонасининг бўйнига осилди. Ҳожар хоним келинининг қўлларидаги узукни чиқариб оларкан:

– Кўпам сиқилаверма, – деди уни юпатган киши бўлиб. – Балки буям яхшиликкадир. Бир-биримизнинг кадримизга етармидик. Ҳа, яна бир гап. Энди сен бизникида номаҳрамсан. То Истанбулга кетгунига қадар кўшнимиз Ножияникида яшаб тураркансан. Эринг... йўғ-е, ўғлим шунақа деди.

Назан ожизлик билан бош ирғади.

– Мен унда кўшнимиз билан гаплашиб чиқай. Тўппатўғри кириб бормайсан-ку, ҳаммасини ётиғи билан тунтираман. Айтганча, Ризобейнинг бир таниши ҳам бугун-эрта Истанбулга кетаркан. Ўзи сени у билан кўшиб жўнатади. Ҳарна, ҳамроҳ-да! Сен йўлкира ҳақини ўйлама, ўзимга қўйиб бер.

Ҳожар хоним яна алланималарни жавраганча кўшни ҳовлига қараб кетди.

\* \* \*

Назан Ножиянинг ёнида ўғли билан икки кун қолди. Учинчи кун Ҳожар хоним ухлаб ётган набирасини онасининг кучоғидан юлиб олди. Кампир сапчиб турган келинини тинчлантиришга тушди.

– Қизим, кўп сиқилаверма, баҳорда яна ўз уйингда бўласан.

Пастдан Ризонинг овози эшитилди:

– Қани, кетдикми?

Ҳожар ухлаб ётган набирасини кўтариб, ҳовлисига кетди. Уй деразасидан Мазҳарбей хаёлчан тикилиб турарди. Назан фойтунга чиқаётганида, «Назан, шошма!» дея бақирди. Онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай, кўчага отилди. У лоқал бир неча йил умид билан бир ёстикқа бош

кўйиб келган аёлини сўнгги бор кўриб қолиш, унга оқ йўл тилаш ниятида эди.

– Яхши бор, Назан! – Ҳаяжон ичида Мазҳарнинг овози титраб чиқди.

– Ҳалдунни сизга омонат топширдим. Сиз эса, ўша узукни ҳам менга эсдаликка бермадингиз. Ойингиз сизга кўрсатиш учун олганди.

Мазҳарнинг кўзлари нафратдан катта-катта очилди. «Шошма» деганча ўқдек ўзини ҳовлига урди. Кўз очиб юмгунча, узук билан қайтиб чиқди.

– Бу сенга, Назан! – деди собиқ хотинининг кўлига тутқазаркан. – Мендан, ўғлимиздан ёдгорлик.

Фойтун кўзғалди. Назарида Мазҳарбейнинг юраги ҳам ўрнидан кўзғалгандек бўлди.

\* \* \*

Мазҳарбей барга кириб келганида, Жола бир четдаги столда пиво симириб ўтирарди. Саломлашдилар. У аёлнинг ёнидан жой олиш билан хизматчи йигит пайдо бўлди. Мазҳар ҳам пиво буюрди. Йигит чиқиб кетиши билан Мазҳарбей унинг оппоқ ва майин кўлини силади. Негадир Жола хаёлчанлик билан стол устидаги дастурхон нақшларига қараб ўтирарди.

– Бекор хотининг билан ажрашибсан, – деди сўник бир овозда.

Мазҳар асабийлашиб, аёлнинг кўлини нари итарди.

– Мен уни сен туфайли хайдаб юборганим йўқ, – деди тўнглик билан. – Унга кўнглим йўқ эди. Табиатимиз тўғри келмади. Бундан афсусда эмасман. Кейин... Назаннинг ўзига ҳам яхши бўлди...

Жоланинг ҳам пешонаси тиришди:

– Илтимос, хозир ғашим келиб турганида онангни эслатмай турсанг бўларди, – деди ранжиганини ошкора

сездириб. – Сенга айтганман. Она келин учун ҳамиша қайнона! Билдингми?

Мазхар у билан талашиб-тортишгиси келмади. Узоқлардан паровознинг чўзиқ хуштаги янгради.

– Назан... жўнаб кетди.

– Насрин ҳам, – хаёлчанлик билан илова қилди Жола.

...Улар бир вагонда, бир купеда кетиб боришарди. У чиндан ҳам уч ой ўтиб, эрининг уйига қайтишига ишонсада, барибир кўзёшларини тиёлмасди. Беихтиёр қайнонаси бағридан юлиб олган пайтдаги Ҳалдуннинг чала юмик кўзларини хотирлади. Оғир хўрсинди.

Насрин эса пуштиранг рўмолчасини лабига босиб, анча йўталди. Йўтали тингач, хижолатомуз илжайиб, рўмолчасини яширди.

– Бу қанақа кетиш бўлди? Ақалли энг зарур нарсаларингизни ҳам ўзингиз билан олмабсиз-ку?

Назан оғир хўрсинди.

– Эрим, болам ёнимда бўлмаганидан кейин, бошқа нарсанинг менга нима кераги бор? – деди бефарқ қўл силтаб.

– Хайрият, энг сўнги дамда узукни эслатибсиз. Ҳар қалай бир кунингизга ярайди. Муҳтож бўлиб қолсангиз, сотарсиз.

– Ҳеч қачон, – Назан кимдир тортиб оладигандек узук таққан қўлини тортиб олди. – У эрим ва ўғлимдан ёдгорлик. Очимдан ўлсам ҳам бу узукни сотмайман.

Насрин бир муддат Назанга ачиниш билан тикилиб тураркан, гапни бошқа тарафга бурди.

– Холангизга хат ёзиб турармидингиз? Агар у олдинги уйидан кўчиб кетган бўлса, нима қиласиз?

Назан бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ростдан ҳам, холаси бошқа уйга кўчиб кетган бўлса нима қилади? Худо кўрсатмасину, дунёдан ўтиб кетган бўлса-чи?

– Билмадим, – деди кўзларини соддалик билан пирпиратиб.

– Бунчалар содда бўлмасангиз, – деди Насрин кўнгли эзилиб. – Одам борар жойини огоҳлантирмасдан узок йўлга чиқадими? Истанбулда яна бирор танишингиз, қариндошингиз борми?

Назан бош чайқади.

– Майли, агар холангизни топа олмасангиз, меникига борасиз. Сизга манзилимни ёзиб бераман.

Насрин сумкасидан бир варақ қоғоз олиб, нималарнидир ёзди-да, Назанга тутқазди.

Назаннинг кўзлари миннатдорлик билан боқди:

– Хонимафандим, Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Ҳалдун ҳар қачонгидан эрта уйғонди. Кўзларини ишқалаб, атрофига қаради. Намоз ўқиётган бувисидан бошқа ҳеч кимни кўрмагач, хархаша қилишга тушди.

– Ойи! Буви, ойим қаерга кетди?

Ҳожар хоним юзига фотиҳа тортиб неварасининг ёнига келди. Уни овутишга ҳар қанча уринмасин, Ҳалдун ер тепиниб йиғлар, ойисини сўрарди.

– Бўлди, болам, ўша онангни бошингга урасанми? Отанг сен истаган ҳамма нарсани муҳайё қилади. Онанг сени ёмон кўргани учун ташлаб кетди. «Ҳалдуннинг бир ўзи сенсиз зерикиб қолади» десам, қулоқ солмади. «Менга бунақа ўғилнинг кераги йўқ, менинг бошқа болаларим ҳам бор» деб кетворди. Кўрдинг?!

Ҳалдуннинг кўзёшлари қизғиш ёноқларидан қуваламачоқ ўйнаётгандек олдинма-кейин оқиб тушарди.

– Бўлди, болам, йиғлама, – Кампир болани аврашда давом этди. – Даданг сенга ҳали кўп ўйинчоқлар олиб беради. Поездлар, танклар, машиналар...

Мазҳар нариги хонада онасининг қаттиқ-қаттиқ овозини эшитганча, оғир хаёллар қуршовида ўтирарди. Кеча бардан кеч қайтган, кечаси билан ухламаганди.



Каравотдан чаққонлик билан ҳатлаб, онасининг хужрасига югурди. Ҳалдун бувисининг тиззасига ўтирганча энтикиб-энтикиб йиғларди.

– Ўғлим, Ҳалдун, кел болам, ёнимга кел!

Бола истар-истамас, отасининг қучоғига борди.

– Хўш, ўғлим, сенга нима олиб берай? Машинами ё поездми?

– Вой, ана қандай яхши ота, – неварасининг кўнглини олишга тиришди кампир. – Қанийди менинг ҳам шунақа отам бўлганида. Кўй ўша тентак онангни.

Мазҳарбей ўғлини етаклаб чиқди.

Ўша кундан бошлаб, ўғлини ўзи билан олиб юрадиган бўлди. Ишга ҳам бирга опкетар, унга турли ўйинчоқлар, ширинликлар олиб берар, судга чақиришса, котибига эҳтиёт бўлишни қаттиқ тайинлаб кетарди. Котиб йигит ўттиз ёшга бориб қолган бўлса-да, ҳали фарзанд кўрмаган, лекин болаларни жуда яхши кўрарди. Тез орада Ҳалдун ҳам унга ўрганди.

Кундузлари шу тахлит ўтар, онасининг ўрни унча билинмас, аммо кечкурунлари кўпинча ухламасдан, йиглаб чиқарди.

Кунлар ўтиб борарди. Мазҳарбейнинг хотинидан ажрашгани, барда ишлайдиган қиз билан ошиқ-маъшуклиги, унга уйланиш фикрида юргани шаҳарда аста-секин ёйила бошлади. Бу гап молия мудирининг онаси орқали Ҳожар хонимга ҳам етиб келди.

Бу хабардан Ҳожар хонимнинг тепа сочи тикка бўлди:

– Бўлиши мумкин эмас. Бу гапларнинг ҳаммаси тухмат. Бунақа гаплардан менинг хабарим йўқ.

...Жола ҳам янги ҳаётга анчагина кўникиб қолганди.

Шартнома муддати тугаши билан Мазҳар уни бардан бўшатиб, ўша ўзи турган пансионатга «қамаб» қўйганди. Бироқ, Жола бундан хафа эмасди. Нима бўлганда ҳам биринчи никоҳи бузилганидан сўнг, унинг қаршисидан

ҳақиқий эркак чиққанди. Ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийдиган йигит. Яна нима керак унга?

Уни таниган-билганлар «бунақа имконият ҳар доим бўлавермайди, шартта тегиб олмайсанми?» дейишарди. Ҳатто собиқ раҳбари, бар хўжайини ҳам (у Истанбулдан бошқа хизматчи қизларни олиб келгач, Жоладан умидини узганди) унга отни қамчилашни маслаҳат берганди.

Кейинчалик Жола ҳам бу хусусда жиддий ўйлай бошлади. Фақат Ҳожар хоним ва Ҳалдунни бошқа жойга кўчириб юбориш керак. Шундан сўнг у Мазҳар билан тинч, хотиржам, бахтиёр ҳаёт кечириши мумкин.

Изғирин тонгда атрофни қуюқ тутун қоплаган, «Жиболи» тамаки фабрикасида иш бошланганини билдирувчи гудок овози янгради. Ҳамма қатори юзини ажин босган, ингичка иягини тук босган, букри Алия хола ҳам ишга отланиш олдидан ётоқда ухлаб ётган жиянига, тўғрироғи, унинг бармоғидаги қимматбаҳо узукка қаради.

– Алия хола, ишга кеч қоляпмиз, – дея бақирди пастда турган ҳамроҳлари.

Кампир бошига тивит рўмолини ташлаб, кўчага чиқди.

У йиқилай деб турган икки қаватли ёғоч уйда яшарди. Уйнинг устунлари чириб, том ҳам бир тарафга қийшайиб қолганди. Бу уйнинг ҳар қавати тўрттадан «катак»ка бўлинган, ҳар бирида тўқувчи, бошмоқчи, бичиқчилар кун кечиришарди.

Кампир ҳамроҳлари билан фабрикага йўл олди.

– Нима гап, Алия хола? – қўшни хонада турадиган тикувчи Фирдавс гап ташлади. – Жиянингиз келганидан бери ишни ҳам ўйламай қўйдингиз. Жиянингиз катта пул олиб келган кўринади. Ҳар қалай, катта бир адвокатнинг хотини бўлса...

Бошқа ҳамроҳлар ҳам кулишиб унинг гапини маъқуллашди.

Алия хола эса, уларнинг ҳазил-хузулларига парво қилмади. Унинг фикри-зикри Назаннинг кўлидаги узукда эди. Агар эри баҳорда уни қайтириб олиб кетмаса, узукни сотишга кўндиради. Узук жуда қиммат туришини у яхши биларди. Узукнинг пулига бир нечта пайпоқ тўқийдиган дастгоҳ сотиб олса бўлади. Ахир бармоғида бу узук бўлмаганида, кампир уни уйига киритмаган бўларди.

То ишга боргунча ҳамроҳлар Назаннинг эри билан нега ажрашгани-ю, нима учун Истанбулга келганини муҳокама қилиб боришди. Бироқ Алия хола то ўзи ишлайдиган пайпоқ цехига кириб боргунча, хаёллар таъкибидан кутулмади.

– Нимага бунча хомушсиз, нима, жиянингизнинг сизга оғирлиги тушяптими? – сўради бояги тикувчи Фирдавснинг онаси.

– Йўқ, ёнида етарлича пули бор, – деди бир нуктадан кўзини узмай Алия хола. – Унинг кўлидаги узукни ўйляпман.

– Узук? – Кампирнинг атрофини тўртта хотин ўраб олди.

Алия хола жиянининг кўлидаги қимматбаҳо узук ҳақида, пайпоқ дастгоҳи сотиб олиш ҳақидаги фикрларини ўртага ташлади. Хотинлар бири кўйиб, бири олиб, унинг фикрини маъқуллашга тушишди.

Алия холанинг режаси ўзига ҳам ёкиб тушди. Агар хусусий пайпоқ тўқиш корхонасини очиб, ишлари юришиб кетса, мана бундай вайронада ўлса ҳам турмасди. Тузукроқ уй сотиб олар, ёки қурдирарди. Борди-ю, жияни бу таклифга кўнмаса-чи? Балки узукдан бошқа яна анча-мунча йиғиб қўйган пули бордир. Бунинг устига ҳафтада икки-уч Насрин деган танишининг уйига меҳмон бўлиб кетади. У ким бўлдийкин? Балки уям бирор тагли-зотли аёлдир?

Нима бўлганда ҳам иш битгунча эшакни ҳам тоға дейиш кераклигини Алия хола яхши биларди. Шу боис, дастлаб жиянини ковоқ-тумшук билан қарши олган холанинг чиройи анча очилиб қолганди. Бугун ҳам дугоналаридан қарз олиб, Назан болалигидан ёқтирган емаклар – кунжутли ҳолва ҳамда тўқмоқлаб пиширилган гўшт олиб уйга қайтди.

Назан деразанинг ғижирлашидан уйғониб кетди. У ташқарида Насринни кўриб, дарҳол ўрнидан турди-да, эшикни очди.

– Айбга буюрмайсиз, оқшом кеч ётгандик, ухлаб қолибман, – деди дугонаси билан саломлашиб бўлгач.

Насрин одатича лабига рўмолчасини босиб, оғир-оғир йўталгач:

– Бу касал ахийри мени тамом қилади, – деб кўйди.

Назан ётоқ ўрнини текисларкан, сўради:

– Самибей сизни шифокорга олиб бормадимми?

Насрин хўрсиниб кўйди.

– Ўзингдан қўймасин экан. Ҳозир унинг пичоғи мой устида. Чўнтагига пул кириб, бурни кўтарилиб қолган. Вақти бўлмаяпти. Ўзим борсамми деб тургандим. Вақтинг бўлса юр, бирга ўтиб келардик.

Назаннинг вақтдан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Биргалашиб уйдан чиқдилар.

Боязид кўчасига етгач, трамвайга ўтиришди. Бейоғлида сил касалликлари шифохонаси жойлашганди.

– Кеча оқшом миямга бир фикр келди, – деди Насрин йўл-йўлакай. – Мен Оқсарой томонлардан ижарага кватирани кидиряпман. Балки Тарлабошидаги пансионатдан бирорга хона оларман?! Ўша тарафдаги бардан иш топдим. Мен билан бирга турсанг яхши бўларди. Кейин Сами ҳам ўша тарафларда туради. Биздан хабар олиб турарди-да!

Назан индамади. Эри эшитиб қолса, нима деркин?

– Самига ҳам унча ишонмайман, – гапида давом этди Насрин. – У фақатгина чўнтаги қуриб қолганида мени эсга олади.

Гап-гап билан шифохонага етиб келишди. Қабулхонада анчагина бемор навбат кутиб турган эди. Кутилмаганда эшик очилиб, башанг кийинган, баланд бўйли, кенг елкали эркак кириб келди. Бу Сами эди.

У Назандан кўз узмаган ҳолда Насриннинг қўлини сиқиб сўрашди. Кейин Назанга қараб «Яхшимисиз, хонимафандим?» деб қўйди. Назан уни илк бор вокзалда, поезддан тушганларида кўрган, у Насринни кутиб олишга чиққанди. Ўшанда ҳам Сами унга унча ёқмаганди.

Паст овозда «рахмат, афандим» дейиш билан кифояланди.

Унинг кўзлари еб қўйгудек тикилиб турганини Насрин ҳам пайқаб, ғашланди. Бироқ бунда Назаннинг айби йўқ эди. У Самининг феълини, чиройли аёлларга суяги йўқлигини жуда яхши биларди.

Навбати келиши билан Насрин дугонасини туртиб, ўзи билан доктор қабулига олиб кирди. Сами бу ҳолатни дарҳол тушунди. Дугонасини унинг ёнида ёлғиз қўйиб кетишни истамасди.

Йигирма дақиқалардан сўнг аёллар шифокор қабулидан чиқишди. Насриннинг кайфияти йўқ эди. Шифохона йўлагидан чиқиб боришаркан, докторнинг тавсиялари, рентген, курорт, яна алламбалолар ҳақида гапира кетди. Самининг қулоғига гап кирмасди. Унга деса, ўлиб кетмайдими...

Истиқлол кўчасига чиқишганда, Назан узрли киёфада ҳамроҳларига юзланди:

– Мен энди уйга борсам.

– Қаёққа борасиз, хоним? – деди Сами ундан кўзини узмай. – Юринг, аввал бир жойда ўтириб, бир пиёла чой

ичайлик. Яқиндан танишиб ҳам олардик шу баҳонада. Тўғрими, Насрин?

Насрин ўлганнинг кунидан бош ирғади. Назан танг аҳволда қолганди. Наҳот Насрин бунга рози бўлса? Эри бегона эркак билан бир дастурхондан чой ичганини билиб қолса, нима бўлади?

У ҳали бир қарорга келмасдан туриб, Сами ҳар иккисини бир неча қадам наридаги рестораннынг эшиги томон судради.

Ичкарида одам кам эди. Сами хизматчини чақириб, уч кишилик нонуштага буюртма берди. Назан эса, игнанинг устида ўтирарди, гўё. Унинг қоп-қора, чарос кўзлари атрофга олазарак боқар, баъзан умид билан Насринга термулар, ранги ҳам бир қизариб, бир оқарарди. Келтирилган егуликларга қўл урмади, ҳисоб. Қандай бўлмасин, бу ердан чиқиб кетиш ҳақида ўйларди.

Ниҳоят, кўчага чиқишди. Яхшиям, Самининг ишлари кўп экан. Хонимлардан узр сўраб, уларни уйигача кузатиб боролмаслигини айтгач, икки дугона ҳам хиёл енгил тортишди ва трамвай бекатига йўл олишди.

Сами Назаннинг Сулаймониядаги маҳаллалардан бирида яшашини яхши билар, аммо уй манзилини билмасди. Айни пайтда аёлларга сездирмасдан уларни таъкиб эта бошлади. Аёллар трамвайда Боязид майдониға қадар бориши Самига маълум эди. Демак, ўша ерга улардан аввалроқ етиб олиши керак. Шундай қилди ҳам. У яқин йўл билан майдонға етиб келгач, орадан ўн дақиқалар ўтиб, дугоналар трамвайдан тушишди. Университет девори ёнидан пича йўл босиб, тор кўчаға қайрилишди. Сами эса, уларға сездирмай, писиб бораверди. Кўча бошида Назан дугонаси билан хайрлашиб, қандайдир эски масжид томон одимлаб кетди. Мана, ниҳоят, уч қаватли, тўкилай деб турган уйдаги бир эшикка калит солди. Девор пана-сида турган Сами уйнинг аниқ манзилини ён дафтариға тезгина қайд этди-да, ортиға қайтди.

Назан пешонасини дераза ойнасига тираганча, бир муддат ташқарига хаёлчан тикилиб қолди. Булутлар ҳам қўл етгудек баландликда сузиб бораётганга ўхшарди. Қоронғи тушмоқда эди. Назан эти жунжакаётганини ҳис этиб, уй бурчагидаги кўмир челагига қаради. Бўшаб қопти. Кўмир бурчакдаги бозорчада сотиларди. Назан туриб, чоршафини ёпинди.

Саватни олиб, эшикни очиши билан рўпарасида Самини кўриб, юраги қинидан чиқаёзди.

– Кечирасиз, хоним, мабодо Насрин сизникида эмасми?

– Боя бир келиб, кетувди, – деди хаяжонли нафаси бўғзига тикилган Назан.

– Кеча, доктор унга қандай ташхис қўйганини билмайсизми?

– Ўзидан сўрамадингизми? Менга айтмади.

Назан хавотир билан кўчага қаради. Жин урсин. У кўрққан нарса юз берганди. Ана, бир тўда чоршафли хотин қизиқиш билан шу тарафга қараб, нималарнидир шивирлашмоқда.

– Маъзур тутасиз, мен кўмирга чиқаётгандим.

– Сиздек соҳибжамол сават кўтариб, кўмир ташиб юриши айб эмасми? Қолаверса, бундай кўримсиз кулбада яшаш сизга муносибмикин?

Назаннинг ич-ичидан титроқ тошиб келарди. Кўз ўнгидан эри, ўғли, холаси, кўни-кўшнилари бирма-бир ўта бошлади. Насрин-чи? Агар бу гапдан хабар топса...

– Илтимос, – деди Самининг кўзларига қарамасдан, – бу ерга келганингизни Насрин билмасин.

Унинг гапини ўзича тушунган Сами беўхшов илжайди.

– Орамиздаги муносабатни ҳеч ким билмасин, демокчимисиз, хонимафандим.

Назан сесканиб кетди:

– Бу нима деганингиз? Орамизда ҳеч қандай муносабат йўқ ва бўлмайди ҳам. Илтимос, энди кетинг.

Сами индамай чиқиб кетди. У анча узоқлашиб кетгач, Назан саватини кўтариб, муюлишдаги дўкончага йўл олди.

– Бу Алия холанинг савати-ку, – деди саватни бир кўришда таниган, афти ҳам мўйлови сингари қорайиб кетган кўмирфуруш Қосим. – Сен унинг кими бўласан?

– Жияниман, – деди Назан.

– Э, анави адвокатдан ажрашиб келган аёл сенми?

Назан индамади. Бутун маҳалла-кўй бу ҳақда хабар топганга ўхшайди.

– Саватни тўлғизиб берсангиз, – Назан кўлидаги идишни кўмирфурушга узатди.

Хайрият, Сами унга эргашиб, дўконга кирмади. Назан эшик оғзида турган хангоматалаб хотин-қизлар сафини ёриб, кулбасига йўл олди. Орқадан ғийбатчи хотинлар пичирлашиб қолишди.

– Ҳа, хозиргина биттасини жўнатворди.

– Ким экан у?

– Ким бўларди? Билиб туриб сўрайсиз-а? Ўйнаши-да!

– Ҳа, туппа-тузук адвокат эри бор эди. Жимгина юрверса бўлмасмиди?

Кўмирфуруш қоп-қора қўллари билан чўнтагидан сизгарет олиб тутатганча, Назаннинг ортидан қараб қолди. Унинг қоп-қора кўзлари, майин қўллари, бармоқларидаги порлаб турган узук хотирасида мухрланиб қолганди. Эшик олдидаги аёллар тарқаб кетганидан кейин ҳам Назан ҳақида ширин хаёл суришдан тўхтамади. Қизик, орқасидан эргашиб келган анави олифта ким бўлдийкин? Нима, бу маҳаллада эркак зоти қуриб кетибдимики, қандайдир бегона овулнинг «бўриси» бу тарафларга бурун сукса? Бу ерда ҳам Эҳсон Оғабей, Бўри Жалол деган «азаматлар» тишини чархлаб ўтирган бир пайтда...

Ие, бўрини йўқласа қулоғи кўринади, деб тўғри айтишаркан. Мана, эски кадрдони Бўри Жалолнинг ўзи қийшайганча кириб келди...



Алия хола бир чорак кунжутли холва, ярим кило урилган гўшт билан ҳориб-чарчаб кириб келди.

– Қизим, буни Ҳожи Бакрдан сен учун олдим. Болалигиндан ёқтирардинг.

Назаннинг кўзлари яшнаб кетди. Бу холвани у ростдан жуда ёқтирарди. Ич-ичидан холасини яхши кўриб кетди. Аммо шу бир луқма ширинлик учун холасининг бўйнига осилиш унинг учун нокулай туюлдими, оддийгина раҳмат айтиш билан чекланди.

Холаси ҳам ундан ортиқча такаллуфни кутмасди. Унинг фикри-зикри жиянининг узугида эди. Тезроқ уни сотиб, пулига тўқув дастгоҳлари олишга розилик берса бўлгани.

Саватдаги кўмирни кўриб, ажабланди.

– Кўмирчининг дўконига чиқдингми? Кўп опкелибсан. Килосини қанчадан берди?

Назан елка қисди:

– Билмадим. Озроқ қарзингиз ҳам бор экан. Қанчадан ҳисоблаганини билолмай қолдим.

Холасининг кўзлари косасидан чиққудек бўлиб кетди.

– Оббо, мени кутмайсанми? Унинг қанчалик инсофсизлигини билмасам кошки...

Чоршафини ёпинганча дўконга йўл олди. Деразадан ёруғ чиқиб турар, одатдагидек маҳалланинг бекорчи эркаклари тўпланганга ўхшарди.

Кампирни кўмирфуруш Қосимнинг ўзи қарши олди. Ичкарида Эҳсон Оғабек, Бўри Жалол ҳам ўтирар, торгина хона тутун ва ароқ ҳидидан димиқиб кетганди.

– Жиянинг келиб, бағринг тўлиб қолдими? – ишшайиб сўради кўмирчи. – Ҳойнаҳой, кўмирни қанчадан сотганимни билиш учун чиққансан. Кўркма, ўзинг билган нарх. Кейин қарзларингни ҳам ундириб олдим. Ўзингга яхши-ку!

Алия хола сал кўнгли ёришиб бош ирғади.

– Кўлидаги узукни қара. Қанча туришини биласанми? Агар менинг кўлимда бўлганида бу узукни сотиб, шаҳарнинг марказидан каттароқ дўкон очиб, Болгариядан улгуржисига кўмир опкелиб сотган бўлардим.

Аслида бу узук кўмирчининг дўконида ўтирган бошқа эркакларнинг ҳам эътиборини тортган эди.

– Ўзим ҳам уйда пайпоқ цехи очмоқчи бўлиб турибман, – дея режасини фош этиб қўйди Алия хола.

– Очсанг, очавер, – деди Қосим Эҳсонга кўз қисиб, – лекин жиянинг ҳар хил қаланғи-қасанғиларни маҳаллага эргаштириб келавермасин-да! Нима эркак зоти ўзимизда куриб кетибдими?

– Бу нима деганинг? – ҳайратланди Алия хола.

Кўмирчидан уйига келган нотаниш эркак ҳақида эшитиб, кайфияти тушиб кетди.

– Бугун ёнингга ким келди?

Холасининг бу гапидан Назан ҳаммасини тушунди. Шундай бўлишини билганди. Айби йўқлигини, келган кишини ўзи ҳам яхши танимаслигини айтиб, ишонтиришга уринди. Аммо холасининг чиройи очилмади.

– Бу маҳалланинг қанақалигини биласанми? Ҳамма оғзи билан юради бу ерда. Бир камим сенинг орқангдан шунақа бўлмағур гаплар эшитишим қолувди.

– Хола, Худо ҳаққи бирор ножўя иш қилмадим, – йиғламсиради Назан. – Агар сизга гап тегмаслиги учун уйдан кетиш керак бўлса, бугуноқ чиқиб кетаман.

Алия хола бирдан юмшади:

– Бу нима деганинг, қизим? Бу ерни Истанбул дейдилар. Яна кимнинг уйига борасан сиғинди бўлиб? Мен айтдим-қўйдим-да! – у эгнидаги пахталикни қозикқа илиб, жиянининг ёнидан жой олди. – Биласанми, миямга зўр фикр келди. Сен билан бирга шу кулбамизда кичкина бир пайпоқ тўкиш корхонаси очсак.

Назаннинг кўнгли ёришди. Кўзларини апил-тапил артди:

– Яхши бўларди. Ўзим ҳам бирор жойдан иш топиб, рўзгорингизга қарашсам деб юргандим.

Фақат бу «иш» ниманинг ҳисобидан амалга ошишини англаган Назаннинг юзи тундлашди:

– Йўқ, хола, узукни сотолмайман. У ўғлим ва эримдан эсдалик.

Кампир қовоғи осилиб кетса-да, индамади.

Жола Мазҳарни, том маънода, қўлига олиб улгурган, ҳатто кечалари ҳам уни уйига қўйиб юбормасди.

Мазҳарнинг котиби ҳар куни Ҳалдунни уйдан олиб «кичик ая»сининг ёнига олиб келарди. «Кичик ая» ҳам Ҳалдунни энг сара ўйинчоқлар, ширинликлар билан сийлар, қизиқ-қизиқ маталлар айтиб берар, бувисига ўхшаб, онасининг орқасидан ёмон гапларни айтмас, фақатгина «ойинг бир куни, албатта, қайтиб келади» деб уни юпартарди.

Эрталаб Ҳалдун кўзини очар-очмас «Кичик аямга бораман» дея хархашани бошлаши Ҳожар хонимнинг жонини халқумига келтирарди.

У ўзидан ўтганини фақат ўзи биларди. Ўғлининг кун сайин ўзидан узоклашиб, бегоналашиб бораётганига чидамасди. Ахир бу қандай жаҳолат? Анави суюқоёқ уни ҳам ўғли, ҳам неварасидан жудо этмоқчи.

Шўрлик Назаннинг қадри ўта бошлади. Лекин энди надоматдан нима фойда? Ёмонни кўрмасдан туриб яхшининг қадрига етмас экансан! Энди ўша «бар қизи» билан алоқани мустаҳкамлашдан, тил топишишдан бошқа чора қолмади. Майли, ўша ергина юткур жувон шу ерда яшаса яшай қолсин. Фақат ўғли ва невараси ёнида бўлса бас.

Кунларнинг бирида Ҳожар хоним ўғлининг ишхонасига борди. Мазҳар судда экан. Котибидан «бар қизи»нинг

уйига олиб боришни сўради. Боришди ҳам. Жола Ҳалдунни кучоғида эркалаб ўтирарди. Жола уни ўта жидий кўринишда қарши олди.

– Қачон бизнинг кулбамизга ташриф буюрасан? – деди Ҳожар хоним салом-алиқдан сўнг. – Қачондан бери келасан деб йўлингга кўз тикаман. Сен ҳам, болаларим ҳам ёнимда бўлсаларинг, қанчалик хурсанд бўламан, болам!

Жоланинг қошлари чимирилди. Кўзлари сузилди:

– Хонимафандим, бу ҳақда Мазҳарбей билан гаплашганмиз, – деди хиёл табассум билан. – Менинг табиатим оғир. Ҳамма билан чиқишиб кетолмайман. Уйни ўзим хоҳлагандек тутишни, ўз дидимга хос безатишни, ўзим истагандек яшашни хоҳлайман.

– Ким халал беряпти, қизим? – елка қисди кампир. – Мен бир тақводор, намозхон хотинман. Ўша ҳовли сизларники, қандай хоҳласанглар, шундай яшайверинглар.

– Бундан ташқари, хоним, мен шу пайтга қадар ресторанда, барда ишлаб келганман. Мазҳарбейнинг талаби билан ишдан бўшадим. Лекин, барибир, мени кўпчилик ресторанда, эркаларнинг ичида ишлаб кўзи очилган, енгилтак бир аёл сифатида билади.

– Астағфируллоҳ, – Ҳожар хоним ёқасига туфлади. – Бунақа гаплар етти ухлаб тушимга ҳам киргани йўқ.

– Мен бошқаларнинг гап-сўзларини назарда тутяпман. Ҳарқалай, кимсан фалончи хоним деган номингиз бор. Келиб-келиб бир ресторан хизматчисини келин қилибди, деган гап обрўйингизга тўғри келармикин?

Ҳожар хоним Жолани зимдан кузатди. Бунча қатъият билан гапирмаса? Кимига ишонапти ўзи бу? Ё Мазҳарни шу қадар маҳкам жиловлаб олганидан кўнгли хотиржаммикин?

Ҳожар хоним бу ерда ортиқча қололмаслигини тушуниб, ўрнидан турди.

– Болам, юр кетамизми? – сўради неварасига юзланиб.

– Сиз бораверинг, хонимафандим, Ҳалдунни котибнинг ўзи олиб боради.

Ҳожар хоним асабий қадамлар билан кўчага чиқди. Ташқарида уни фойтун кутиб турарди. Тўғри дугонаси, молия мудирининг онасиникига йўл олди.

У ерда кўпгина казо-казолар меҳмон бўлиб келганди. Ичкарига кириши билан Ҳожар хоним ўзини йиғидан тўхтата олмади. Ҳамма бирдан унга қаради. Ҳеч ким аввал уни бу тахлит кўрмаганди. Ҳожар хоним уларга дардини тўкиб солди. Унга тасалли берган бўлишди.

– Наилож, Ҳожар хоним! Бошга тушганни кўз кўради. Бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди-ку!

Меҳмонлар тарқалишгач, молия мудирининг онаси дугонаси билан ёлғиз қолди.

– Жувон ўлгурнинг ёнига бориб, хато қилибсан, – деди мезбон хотин. – Энди «ўзи оёғимга ялиниб келди» деб кети ўчоқдай бўлади. Кейин ҳамманинг ёнида дардингни дастурхон қилганинг ҳам яхши бўлмади.

Ҳожар хоним пиқиллаб бурнини артди:

– Нима қилай, ичим тўлиб кетганди-да!

– Энди буёғи худодан, истайсанми йўқми, ўша аёлни уйингга олиб келасан, бўлмаса, ўғлинг қўлдан кетади.

Ҳожар хонимнинг бундан бўлак чораси ҳам йўқ эди. Ножия ҳам шу маслаҳатни берганди. Ахир Мазҳарни вояга етказгунча озмунча азият чекдими? Мазҳар эса, кундан кун уйидан совиб борарди. Кунда-кунора бир кўриниб, кейин қорасини кўрсатмай кетарди.

Онаси Мазҳарни баъзида тушунмай қолади. Кўча-кўйда ўғлининг жуда катта пулли бир хўжалик ишини фақат адолат асосида кўраётганини эшитиб, унга йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлади:

– Ўғлим, юз минглаб лира билан битадиган ишларни кўраётган экансан. Фойдаланиб қолмайсанми?

Ўғли эса, уни эшитишни ҳам истамайди. «Бунақа нарсаларга тушунмайсиз, ойи, сиз аралашманг» дея гапни бошқа ёққа буради. Мазҳарнинг ўта ҳалоллиги, адолат йўлида ҳеч нарсадан тоймаслиги баъзида Жолани ҳам ҳайратга солар, гоҳида кўрқиб ҳам кетарди. Ахир қарши тараф ўч олиши ҳам мумкин-ку! Мазҳар эса, уни юпатиб, таскин берар, «кўркма севгилим, ҳеч нарса қилишолмайди» дерди.

Бу даъво иши ҳали давом этар, Жоланинг эса хавотири ошиб борарди. Ҳар доим Мазҳарнинг ёнида бўлиш учун яширинча никоҳ ўқитиб, унга тегиб ҳам олди. Мазҳарнинг уйига кўчиб ўтди. Бундан Ҳалдун бениҳоя хурсанд эди. Аммо Ҳожар хоним ўзини кўярга жой тополмайди.

Энди Ҳалдун умуман бувиси билан ётмай қўйди. «Кичик ойи»си тилидан тушмайди. Бир куни «кичик ойи»нинг хонасига кириб кетаётганида, Ҳожар хоним боланинг биқинини чимчилаб олди. Боланинг чирқирашини эшитиб, Жола хонадан югуриб чиқди.

– Нима бўлди? – сўради Ҳалдуннинг пешонасидан ўпиб.

– Бувим чимчилаб олдилар.

Ҳожар хоним бўсғада гезариб турарди.

– Нега болани йиғлатдингиз? – сўради Жола вазоҳат билан.

– Мен унинг бувисиман, – деди кампир истехзо билан. – Болани тарбиялаб туриш керак.

– Болани уриб, чимчилаб тарбиялаш керак деб ким айтди сизга? Сиздан илтимос, бугундан болага бунақа «тарбия» бериб ўтирманг!

Ҳожар хоним ғазабини ичига ютиб, бир чеккада сигарет чекиб турган ўғлига қаради. Унинг парвойи палак эди. Ўғлининг жим тургани уни янада қаттиқроқ ранжитди. Жаҳл билан хонасига биқиниб, ўзини каравотга ташлади. Ҳўнграб йиғлашга тушди. Аммо аввалгидек ўғли уни

юпатиш учун ёнига кирмади. Туриб деразадан ўғлининг хонасига қаради. Янги келин қўлини белига тираб, нималарнидир буюрар, Мазҳар эса, қўлида бир парча мато билан уйдаги жавонларнинг чангини артаётган эди. Ўғлини «бар қизи»нинг қўлида ўйинчоққа айланганини тушунди.

Зум ўтмай, эшик шарақлаб очилди-ю, эр-хотин унинг хонасига кириб келишди.

– Бу ҳовлимиздаги энг чиройли хона экан, – деди Жола кампирга қиё ҳам боқмай. – Бу хонани меҳмонлар учун безатиб қўйсақ бўларкан. Хоним кичкина хонага кўчиб ўтсалар ҳам бўлаверади.

– Бу нимаси? Ҳали ўзимнинг уйимга ҳам сиғмай қолдимми? – ўзини тутолмай қичқирди қайнона.

– Хоним, бир ўзингизга бу хайҳотдек хона катталиқ қилади. Сандиқ турган анави хужра ҳам сизга етиб ортади, – деди Жола ва кампирнинг жавобини кутмасдан эрига юзланди. – Сиз эса, гарсон Ризонинг хотинини чақириб келсангиз!

Мазҳар итоат билан бош эгиб, чикди. Ҳожар хоним бақадек бакрайиб қолганди. Ё раббий, бу не кўргилик бўлди? Ўғли шунчалик оёқости бўлди бу жиблажи-бонга? Бирок, оғиз очишга негадир журъат этолмади. Зум ўтмай Мазҳар Ножия билан кириб келди.

– Отинг нима? – сўради Жола илтифотсизлик билан. Ножия жавоб берди.

– Эринг сенга иш тополмай хуноб бўлаётганди. Қўлингдан нима ишлар келади ўзи?

– Ҳамма иш келади, хоним, – деди Ножия ҳозиржавоблик билан. – Пишир-куйдир, юв-тара, супур-сидир дегандек...

– Ҳарқалай, энди уйимизда келди-кетди кўп бўлади, – яна эрига боқди Жола. – Бу фақат майда-чуйда ишларни бажаради. Овқат пишириш учун эса, алоҳида ошпаз ёллаймиз. Истанбулда бир белорус хотинни биламан, бир

ўзи туради. Кўли ширин... Майли, буни кейин гаплашамиз. Ҳовлини бошқатдан таъмирлашимиз керак. Айвонларни мойбўёқ билан бўяймиз.

Ножия ҳам хайратда бир Жолага, бир Мазҳарга, бир чеккада мунгайиб ўтирган кампирга қараб чиқди.

– Сен, боравер, – деди Жола ҳамон эсини йиғиб олмаган Ножияга қарата. – Керак бўлсанг, ўзимиз чақирамиз.

Ножия тарвузи қўлтиғидан тушиб, эрининг ёнига қайтди.

– Анави ипириски менга чўриликни таклиф қияпти, – деди лабини чўччайтириб. – Кампир ўшандок мўмингина Назаннинг қадрига етмади. Энди кўзли кесакка ўхшаб ўтирибди.

Ризо ишдан чарчаб келгани учун бу масалада эзмаланиб ўтиришни истамди. Ножия эса, эртага ишга чиқиши лозим.

– Улардан қанча маош сўрасам бўларкин, – сўради ёстикқа ёнбошлаганча мудраётган эрининг елкасига шاپатилаб. – Ўн беш лира десаммикин?

– Ўттиз-қирқ лира сўрасанг ҳам бўлади, – деди Ризо хомуза тортиб. – Уларда пул тикилиб ётибди.

Эртаси куни Ножия хизмат ҳақи учун ўттиз лира сўраган эди, Мазҳар индамай рози бўла қолди. Ҳожар хонимнинг юкларини кичкина хужрага кўчириб ўтказишди.

Ҳожар хонимнинг тақдирга тан беришдан бошқа чораси қолмаганди. Эрталабдан чоршафини ёпиниб дугоналарининг ёнига чиқиб кетар, кўпинча молия мудирининг онаси ёнида бўлар, қош қорайганда хужрасига қайтар, нафасини чиқармай тонг оттирарди.

Ўғлини бу ялмоғиздан қандай қутқарса бўларкин? Балки... яна ўша иссиқ-совуқ ёрдам берар? Бу масалада Ножия унга беминнат ёрдам беради. Ахир унинг азайимхон таниши бор-ку!



Бу ҳақда дугонаси – молия мудирининг онасига оғиз очган эди, у ҳам маъқуллади. Бироқ, у Ножияни йўлга солишга шошилмади. Гарчи Жола кўшни аёлни хизматкор ўрнида кўрса-да, унга эски-туски кийимларини бериб, анча ўзига эл қилиб олган. Қолаверса, оғзи бўш хотин. Кейинги пайтларда Жоланинг айтганидан чиқмайдиган бўлиб қолган. Яна ким билсин, ахир чумчуқдан кўрққан тарик экмайди, дейишади-ку...

\* \* \*

Кунларнинг бирида Жола қайнонаси билан Ножия ниманидир пичирлашаётганини кўриб, хушёр тортди. Жолани кўриб, уларнинг ҳар иккиси шошиб қолди. Жола бир фитнанинг хидини сезса-да, ўзини билиб билмаганга олди.

– Нима қиялсан? Қани, ишингга жўна!

Ножия куллуқ қилганча кўлига супургини олди. Қайнона ҳам сут тўккан мушукдек шумшайиб қолди.

– Хонимафандим, бу қанақаси? Сиз ким-у, анави чувринди оқсоч ким? Ўз иззатингизни билсангиз-чи! Кимсан, адвокат Мазҳарбейнинг онасисиз! Лоақал ўғлингизнинг обрўйини ўйланг.

«Хонимафанди» бош эгиб индай тураверди. Жола хонасига кирганида Ножия уни шайтоний табассум билан кутиб турарди:

– Хоним, сизга бир янгилик бор.

– Яна ўша чақимчилигингни бошладингми? – деди Жола ғижиниб. – Сенга айтганман, гап ташишни ёмон кўраман. Бор, ишингни қил.

Ножия чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, яна остонада тўхтаб қолди.

– Чақимчилик қилаётганим йўқ, – деди ўзини оқламоқчидек бўлиб. – Бир хатардан огоҳ этмоқчи эдим. – Жоланинг юзида қизиқиш учқунини кўргач, давом этди.

– Қайнонангиз сизни ўғлидан совутиш учун домлага бориб, тумор ёздирмоқчи.

Жола бир зум жим қолди. Анча илгари Мазҳардан тумор, иссиқ-совуқ ҳақида айрим гапларни эшитганди. Демак, айб Назанда эмас, шу кампирнинг ўзида экан-да! Ҳа, бунақа ирим-сиримларга муккасидан кетган кўринади.

– Бу гапларни сен кимдан эшитдинг? – сўради хиёл юмшоқлик билан.

– Мен бир домлани билардим. Қайнонангиз ўша домлага бориб, тумор ёздириб келишимни сўраяптилар.

– Биринчидан, иссиқ-совуқ деган гапларга умуман ишонмайман. Иккинчидан, бировнинг сирини очиш энг ёмон ахлоқсизлик, тушундингми, Ножия! Бор, ишингга жўна, дедим.

Ножия индамасдан чиқиб кетди. Айтган гапларига пушаймон бўлди. У шу тариқа Жола хонимга янада яқинлашиб, унинг ишончига кириш умидида эди. Аммо... Ишқилиб, эрига ё қайнонасига айтмасин-да! Балки айтмас! «Чақимчиликни ёмон кўраман» деди-ку. Чақимчилик қилгани учун унинг ўзини ишдан ҳайдавурса-чи?

Хайрият, Ножиянинг кўркуви беҳуда бўлиб чиқди. Қунлар шу тариқа ўтаверди. Фақат онда-сонда Ҳожар хоним уни холироқ ерда учратса, «туморни қачон келтириб берасан?» деб сўраб қўяр, сири очилиб қолишидан кўрққан Ножия ҳам «домла энди бунақа ишлар қилмаяпти экан, камоққа тушишидан кўрқармиш» деб ўзини четга оларди.

Ундан бирор иш чиқишига кўзи етмаган Ҳожар хоним яна дугонаси – Молия мудирининг онасига юзланди. Дугонасининг ҳам бир таниши бор экан. Шу боис, Ҳожар хонимга беғараз ёрдам берадиган бўлди.

– Илоҳим умрингдан барака топ, – деди Ҳожар хоним йиғламсираб. – Мегажин ўлгур ўғлимни талашдан бошқа нарсани билмайди. Туппа-тузук уйни бошқатдан бўяттирди. Янги мебеллар, гиламлар олдирди. Алоҳида

ошпаз, уй хизматчиси ёллади. Буларга озмунча пул кета-  
дими? Бечора Назан! Унинг уволи тутди, мени!

Ҳар гал собиқ келинининг исмини тилга олганда, кўз-  
ёшларини тўхтата олмасди.

– Мен-ку, тумор ясаттириб бераман, – деди молия му-  
дирининг онаси. – Лекин бу гап келинингга етиб борса,  
бошим балога қолиб юрмасин. Ҳар қалай, анави қўшнинг  
Жолага гуллаб қўйса, бундан ўғлинг ҳам хабар топса,  
ишинг чаток.

– Биладан, – дея минғирлади Ҳожар хоним. – Бу гап-  
дан у мегажин ҳам, ўғлим ҳам хабар топмайди.

У янглишганди. Ҳожар хонимнинг «иссиқ-совуқ» учун  
елиб-югуриб юрганини Жола аллақачон эрига етказган,  
аммо то ашёвий далил қўлларига илингунча кампирга  
оғиз очмасликни қаттиқ тайинлаганди.

Мазҳар ҳам ҳар қанча асабийлашмасин, захрини ичига  
ютди...

Ташқарида фойтун овози эшитилгач, Мазҳар дераза-  
дан кўчага мўраллади. Эшик олдида тўхтаган фойтундан  
бир эркак ва бир аёл тушаётганини кўрди. Аввалига улар-  
нинг юзи таниш кўринди. Э, ахир бу Мазҳарбейнинг эски  
қадрдони Ниҳат Янял-ку!

Мазҳар шоша-пиша эски қадрдонининг истиқболига  
югурди. Кучоқ очиб кўришишди.

– Қара-я, келасан деб ҳечам ўйламагандим. Бир энлик  
телеграмма юбормабсан-да, дўстим, ўзим чиқиб кутиб  
олардим.

Эшик олдида анча суҳбатлашиб қолишди. Ниҳат гап  
орасида шарқда бир муддат судьялик қилиб, энди бу иш-  
дан воз кечгани, энди адвокатлик қилмоқчи эканини айтиб  
ўтди.

– Ие, эшик олдида гаплашиб қолибмиз-ку, қани,  
Ниҳатбей. Ичкарига марҳамат! Қани, хоним, сиз ҳам  
юринг!

Бўсағада уларни Жола тавозе билан қарши олди.

– Танишинг бу менинг рафикам Наримон хоним. Жола десангиз ҳам бўлавереди.

Ниҳат уй бекасига шубҳали тикилиб қолди.

– Исмингиз Назан эмасмиди? – деди ва дўстига юзланди. – Сулаймониядаги қўшнимиз анча ўзгариб қоптиларми?

– Қани тўрга марҳамат қилинглар, – Мазҳар дўстининг гапини эшитмаганга олиб, уни ичкарига бошлади.

Хонада жойлашиб олишгач, Жола чиқиб кетганидан сўнг Мазҳар Назандан ажрашиб, Жолага уйланганини қисқача баён қилиб ўтди. Ниҳат Янял бироз жим туриб, маънос кулимсиради.

– Майли. Энг муҳими, бахтингни топа олишингда.

Кейин иш юзасидан анча-мунча суҳбатлашишди. Мазҳар айни пайтда ўзи кўраётган иш хусусида сўз очди. Ўртада жуда катта пул тикилганини, жавобгар катта пул эвазига Мазҳарни сотиб олишга урингани, бунинг уддасидан чиқа олмагач, таҳдид қилганини ҳам айтди.

– Сенга маслаҳатим, бунақа бошоғриқ ишлардан воз кечганинг маъқул, – деди Ниҳат уни диққат билан тинглагач.

Мазҳар бир муддат жим қолди.

– Ойинг кўринмайдилар? – дўстининг жимлигини ўзича тушунган Ниҳат мавзунини бошқа тарафга бурди.

– Ҳа, юрибдилар, хоналарида бўлса керак.

\* \* \*

Суҳбат тугагач, меҳмонлар учун алоҳида хонага жой хозирланди.

– Ўртоғингнинг бизга ёрдами тегармикин? – хаёлчанлик билан сўради Ҳикмат хоним эридан.

Ниҳат мажҳул киефада елка қисди.

– Тегса керак. Ҳар қалай, шунча йўлдан уни орқа қилиб келдик. Агар ўта қайсарлигини айтмасак, жуда

яхши йигит. Лекин унинг ўрнида бўлганимда, бунақа пулдорлар билан ўчакишмаган бўлардим.

...Нихат бир ҳафта ичида уй топиб, жойлашиб ҳам олди. Бу орада икки оила ўртасида илиқ муносабатлар пайдо бўлди. Жола ҳам Ҳикмат хоним билан анча киришиб кетди. Борди-келди йўлга қўйилди. Ҳалдун ҳам «кичик хола» топилганидан хурсанд эди.

– Қиз туғсам, ўзим куёв қиламан, – дерди Ҳикмат хоним Ҳалдуннинг кўнғир сочларини оҳиста силаркан.

\* \* \*

Насрин Тарлабошидаги пансионатга кетганига ҳам ўн кун бўлди. Аммо хануз ундан дарак йўқ. Назаннинг эса, хавотири орта бошлади. Нима бўлдийкин? Тинчликмикин? У дераза қаршисида ўтирганча, ёғаетган қор парчаларига тикилиб, юм-юм йиғларди. Ўғли нима қилиб юрибди экан? Ойисини эслармикин? Қачон баҳор келаркин? Ахир баҳор келиши билан яна қайтиб келасан, дейишганди-ку!

Шу онда эсига холаси тушди. Яна кўнгли озурда бўлди. Топиб олган гапи шу: «узукни тезроқ сот, корхона очиб бойиб кетамиз!..» Очиги кампирнинг бундай иддаолари унинг ҳикилдоғига келганди. Ғийбатчи хотинлардан ҳам, фақирлик иси анқиб турган ғарибона кўчалардан ҳам, кўзи қонга тўлган бекорчи эркаклардан ҳам тўйиб кетганди. Айниқса, Сами! Одам ҳам шунчалик шилқим, безбет бўладими? Неча марталаб «бу ерга қайтиб келманг, мен эрли аёлман, баҳорда кетаман. Сиз Насриннинг севгилисисиз, мени тинч кўйинг» деса ҳам, оёғини бу маҳалладан узмаяпти. Холаси ҳам шу сабабли унга неча марталаб танбеҳ берди. «Сени деб маҳаллада бош кўтаролмай қолдим» деди. Ахир бечора Назан нима қилсин?!

Хаёлга толиб ўтирганида, унинг кулбаси тарафга келаётган Насринни кўриб чиройи очилди. У кириши билан қуюқ сўрашишди. Насрин уни шу пайтгача сўраб

бормагани учун хиёл ранжиди ҳам. Унинг ранги анча синикқан, тоби йўқлиги кўзларидан сезилиб турар, кув-кув йўталарди. Ҳар-ҳар замонда ёнида олиб юрган идиш-чага конли балғам тупуриб кўярди.

– Ярамас Сами ҳам йўқламай кўйди, – деди Насрин ўксиниб. – Менимча, у яна бирортасини топган кўринади. Кўлига бир-икки танга пул тушиб қолса, босар-тусарини билмайди. Майли, қаерда бўлса ҳам тинч бўлсин. Менинг ундан бўлак ҳеч кимим йўқ.

Насриннинг ёшланган кўзларига қараб Назаннинг кўнгли ўксиди.

– Тур, кийин, кетдик, – деди Насрин бироздан сўнг. – Сени янги пансионатга олиб бораман. Икки хонали, шинамгина жой. Уч ойлик кира ҳақини олдиндан тўлаб кўйдим. Барака топсин, бошлиғим қарз бериб турди.

Назан Самининг келиб қолишидан хавотирда эди. Улар кўчада кетиб боришаркан, Назан ичида қандайдир дуоларни пичирлаб борарди. Қор секинлаб қолганди. Университет олдидан ўтиб боришаркан, рўпараларидан Бўри Жалол билан Эҳсон Оғабей чиқиб қолди. Назаннинг ранги ўчди. Ҳозир йўлини тўсиб, бирор нима дейишса-я?

Хайрият, йигитлар жимгина ўтиб кетишди. Аёллар бурилиб кетишгач, Бўри Жалол ошнасига юзланди:

– Ёнидаги хотин ким бўлди?

– Барда ишлайдиган бир аёл, – деди Эҳсон уларнинг ортидан қараб қоларкан.

– Ҳозир бошқа ишимиз йўқ, – деди Бўри Жалол. – Орқаларидан борсак-чи, қаерга кетишганини билиб олардик.

Икковлон аёлларнинг изидан тушишди. Икки дугона эса уларни пайқамасдан Боязид майдонидан трамвайга чиқишди. Галатасаройга етгач, тушиб қолишди. Қор бироз тиниб, яна забтига олганди. Улар оҳиста қадамлар билан Тарлабоши томонга қараб кетишди. Баланд бир бино-

нинг эшигидан ичкари киришди. Изма-из келаётган икки таъқибчи бир-бирига қараб маъноли кулимсирашди:

– Ана, айтмаганмидим, – деди Эҳсон. – Маҳалламизга бегона эркак беҳуда ораламаган, деб. Агар тайинли хотин бўлганида, Тарлабошида нима қилади?

... Насрин Назанни янги хужрасига бошлаб кирди. Назан пальтосини ечиб, эски каравотнинг бир четига илди. Насрин шкафдан бир шиша коньяк олиб, икки қадахга куйди.

– Назан, бироз қизиб олмасак бўлмайди. Совукни қара!

Назан аввалига унамади. Аммо Насрин қаттиқ туриб олгач, қадахни кўлига олди. Унинг қистови билан аранг қадахни бўшатди. Бўғзи ўт бўлиб ёнаётганини ҳис этди.

Насрин ташқарига, нариги хонага чиқиб кетгач, Назан сархуш кўзлари билан қарама-қарши бинонинг деразасига тикилди. Тўғридаги уйда аввал эркак, кейин ярим яланғоч аёл гавдаси кўринди. Мана, икки вужуд бирлашди. Назаннинг эти жимирлаб кетди. Илкис дераза пардасини тортди. Аммо нигоҳларини қаршисидаги манзарадан узмади. Рўпарадаги уй ичида қолган эркак ва аёл учун бу оламда ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқдек эди.

Назан беихтиёр шу топда эрининг қайноқ танасини, кучли кўлларини баданида ҳис этиб, кўзлари хуморланди. Кейин эҳтирос билан деразага қадалди. Энди аёл кўринмас, фақат эркакнинг кўтарилиб тушаётган боши элас-элас кўзга ташланарди.

– Қалай, томоша сенга ёқдимми?

Насрин унинг елкаларини қоқсуяк кўллари билан сиқиб қўйди. Назаннинг боши айлана бошлаган, айти дамда уят ҳисси ундан тамомила чекинган эди.

– Бунақа томошаларни бу ерда ҳар кун кўриш мумкин, – деди Насрин яна қадахларни тўлдираркан ўзи ҳам деразага яқинлашди. Энди нариги уйдаги севишганларнинг хатти-ҳаракатлари бор бўйича намоён бўлганди.

– Бунақа томошадан кейин қандай чидаб ўтириш мумкин? – деди енгил уф тортаркан. – Ишқий ўйинлар бобида Самига тенг келадигани йўқ. Бўлмаса, шу пайтгача ундан кечиб кетган бўлардим.

Ишқий ўйинлар! Бу жумлани Назан илк бора эшитиб турарди. Боягина дераза оша кўрган томошасидан олган қониқишни у ҳатто эри билан ўтган дамларда ҳам хис этмаганди. Насрин Сами билан кечирган фарахли лаҳзаларни энг инжа тафсилотлари билан ҳикоя қиларкан, Назан ажиб бир ҳислар оғушида сархуш сузарди.

Шу пайт эшик очилиб, Сами кириб келди. У қаршисида Назанни кўриб, мамнун илжайди. Назаннинг қўлини олиб охиста лабига босди. Назан ҳам қаршилик қилмади.

– Оҳ-хо, маишатларингга халал бермадимми, – сўради у стол устида турган коньяк шишасига имо қилиб. – Мен ҳам даврангизга қўшилсам бўладими?

Қўшилди. Улфатчилик анчагача давом этди. Коньякдан сўнг ароққа навбат етди. Назан учун энди ҳеч нарса-нинг фарқи қолмаган, эри ҳам, ўғли ҳам унинг хаёлидан буткул кўтарилган эди. Сами суҳбат орасида ҳозир иши яхши кетаётгани, қўлига яхшигина пул тушиб турганини айтди. Кейин ҳамёнини очиб, уч дона бели синмаган юзталиқни олди ва Насриннинг сийнабандига кистирди. Насрин ҳам қутилмаган бу илтифотдан мамнун эди. Бироздан сўнг, Насрин уларни ёлғиз қолдириб, ташқари чикди. Назан бир пайтлар кўрққан, ҳатто ижирғаниб қараган бу йигитдан энди ётсирамай қўйганди. Беихтиёр кўз олдида бояги деразадан кўринган манзаралар жонланиб, баданида енгил титроқ турди.

Сами ҳам қоп-қора, ўтли кўзларини ундан узмай турарди. У қадахни тўлдириб, назокат билан Назанга узатди. Назан ҳам кулимсираб, қадахни оларкан, ташаккур билдирди.

– Бу оқшом шу ерда қоласизми?



– Йўғ-е, кетишим керак, холам хавотир оладилар, – деди Назан хиёл сергакланиб.

– Унда рухсатингиз билан сизни кузатиб қўйсам дегандим.

– Сизни овора қилиб қўймасмикинман?

– Асло, бу мен учун катта шараф.

– Унда фақат Боязид бекатида хайрлашиш шарти билан. Чунки маҳалладагилар ҳар хил хаёлга боришади.

Насрин кириши билан уларнинг суҳбати бўлинди. Улар яна анча суҳбатлашиб ўтиришди. Энди орадаги шарм пардаси тамомила кўтарилган, ҳар бир гап ортиқча пардозсиз, очиқ-ойдин айтила бошлаганди.

– Холам мени уйга киритмайдилар, – деди Назан девор соатига қараб қўяркан.

– Қўрқма, Сами сен билан боради, – деди хиёл кайфи ошиб қолган Насрин. – Агар киритмаса, чамадонингни кўтар-да, тўғри меникига келавер! Бирга яшайвераимиз.

Сами ҳам худди шу гапни кутаётгандек мамнун бош ирғади. Назанга ҳам бу маъқул тушди. Чунки ўша эзма холаси билан бирга яшаш ўзининг ҳам жонига текканди. Ҳозироқ боради-да, холаси билан орани очиб, нарсаларини олиб қайтади.

Ниҳоят, Назан қўзғалди. Сами билан биргаликда кўчага чиқдилар. Сами унинг юмшоқ қўлларидан тутди. Боязид бекатида трамвайдан тушиб қолишди.

– Балки, уйингизгача олиб борарман, – деди Сами аёлнинг қўлини қўйиб юбормай.

– Раҳмат, бу ёғига ўзим кетаман. Сиз шу ерда кутиб туринг.

Қор тинганди. Оёқ остидаги қорлар аянчли ғичирларди. Бўри Жалол билан Эҳсон Оғабей ярим кечагача унинг баланд бинодан чиқишини кутиб, карама-қарши тарафдаги майхонада ўтиришган, икковлон бир нечта шишани бўшатишган эди.

Назан кимсасиз, қоронғи кўчадан кетиб бораркан, ҳеч қандай хавотир ҳис этмади. Ичкилик одамни ана шундай кўркмас қилиб қўйишини энди пайқади. Шу чоқ орқасидан кимдир унинг исмини айтиб чақирди. Ўгирилиб ортига қаради. Икки кўланка у билан изма-из келарди. Қоронғида уларнинг юзларини кўрмоқ амримаҳол эди.

Шарпалар унинг икки ёнидан келиб, қўлларини тутди.

– Қаердан келяпсан ярим кечаси?

– Кимсизлар? Қўйворинглар мени, – дафъатан қичқирди Назан. Бироқ унинг қўлларини янада қаттиқроқ қисишди.

– Нималар қилиб юрганингни, қаердан келаётганингни яхши биламиз. Тарлабошидаги ишратхонадан чикқанингни ўз кўзимиз билан кўрдик, – деди Бўри Жалол. – Нима, бизнинг бошқалардан кам еримиз борми? Аввал хеш, кейин дарвеш деганлар. Аввал бизни хурсанд қилсанг бўлмасмиди?

Назан қичқирмоқчи бўлганида, кучли қўллар унинг оғзига маҳкам ёпишди. Яна кимдир аёлнинг қўлларини орқасига қайирди. Кейин икковлашиб, уни кўча бошидаги ташландиқ кулбалардан бирига олиб киришди.

Назаннинг типирчилаши, ёлворишлари абас кетди. Кейин эса тақдирга тан берди. Кейин эса, эридан ажрашганидан бери ҳис этмаган ҳароратни ҳис этиб, ўзининг тубсизлик қомига тушиб бораётганини англади. Бутун ихтиёрини қўлдан берди...

Кўчанинг нариги бетидаги эски мачит қоровули шовқинни эшитиб уйғонган, туриб нима гаплигини билиш учун шу томонга йўл олганди. Ташландиқ кулбага фонар ёруғи оқиб кирган маҳалда Назан хушини йўқотган, икки зўравон ҳам нафсини қондиришга муваффақ бўлганди. Иккови ҳам шарманда бўлишдан чўчиб, ўзини ташқарига урди.

Қоровул чол уларнинг ортидан қувиб ўтирмади. Аёлнинг кийимлари титилиб, бадани очилиб қолган, бир уюм чиқинди устида ҳамон ҳушсиз ётарди. Чол аёлнинг биқинига этигининг учи билан туртди.

– Қани, тур ўрнингдан, манжалақи! Сендақаларни полицияга топшириш керак.

Назан гандираклаганча ўрнидан турди. Чамаси у бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисанинг бутун моҳиятини тушуниб етган, энди унинг учун ҳеч нарсанинг фарқи қолмаганди.

– Қани олдимга туш, фоҳиша!

Назан унга итоат этди. Агар чол бояги зўравонлар сингари унга тажовуз қилганида ҳам, Назан бирор қаршилик қилмаган бўларди. Унинг учун ҳамма нарса тамом бўлганди. Ниҳоят, яқин орадаги полиция бўлимига етиб келишди.

– Кимсан? – сўради миршаб аёлнинг илма-тешик бўлиб кетган кийимларига кўз ташлаб. – Қани, «кух» де-чи! Тушунарли, ўлгудек маст-ку, бу! Қаерда турасан?

– Алия холанинг уйида туради, – деди қоровул чол унинг ўрнига жавоб қайтариб.

– Ўтир, – ўшқирди миршаб.

Назан мияси ғувиллаганча, кўрсатилган курсига чўкди. Унинг учун энди бу оламда ҳеч ким, ўғли ҳам, эри ҳам, холаси ҳам, қайнонаси ҳам йўқ эди.

– Ҳе, шарманда! – нафрат билан хитоб қилди миршаб. – Сендақалар маҳалламизга иснод келтиряпти.

Назан миқ этмади.

\* \* \*

Сами уни бекатда соат ўн иккига қадар кутди. Бадани совуқда муз қотганини пайқади. «Балки, холаси рухсат бермагандир», деган хаёлга борди. Назаннинг келишидан умид узиб, ортига, Насриннинг ёнига қайтди.

Бу пайтда Насрин ўз ёнига ўзи қоврилиб ўтирарди. Икки соатдирки, иккисидан ҳам дарак йўқ. Улар қаерда,

нима қилишаётган экан? Сами ҳар қандай аёлни йўлдан оздиришга тайёр. Назан эса эридан ажраган, ёш, бунинг устига маст бўлса... Бундан чиқди... Кўз ўнгида ҳар иккисининг шармандали ҳолати гавдаланиб, муштларини маҳкам сикди. Шунчалик ҳам аҳмоқ бўладими? Ахир бу кўйни бўрига топшириш билан баробар эмасми?!

Сами кириб келганида, Насрин ҳамон ичиб ўтирарди.

– Қаерларда юрибсан? – дея унга ўшқирди Насрин ўрнидан сапчиб тураркан.

– Дугонангни кузатиб қайтдим, – деди Сами ажабланиб. – Боязид бекатида кутиб туринг, деганди. Кутдим-кутдим, келмади. Қайтиб келавердим.

– Алдама! – дея кичикрди Насрин. – Сен унинг ёнида эдинг. Унинг уйига бирга боргансан. У мендан чиройли, мендан кўра ёш. Сен мени севмайсан, буни тан ол, Худо ҳаққи, тан ол!

Сами Насринга қараб, кулимсиради. Насрин эса унинг оёқларига йиқилиб, пайдар-пай ўпа бошлаганди. Эгилиб, аёлнинг қўлларидан тутиб, кўтарди.

– Айт, тўғрисини айт, жоним, у билан биргамидинг? Нега яширасан мендан? Тўғрисини айт. Сен уни ижарахонанга олиб боргансан, тўғрими? Тўғри, де!

– Нотўғри! Қасам ичаман, Худо ҳаққи, мен уни кутдим-кутдим. Келмади.

Насрин хиёл тинчлангандек бўлди.

\* \* \*

Эртаси куни Сами масалани ўрганишга киришди. Алия кампир оғзидан кўпик сочиб жиянини қарғарди. Кейин полиция бўлимига борди. У ердагилар Назанни кечкурун яширин фаҳш иш устида қўлга олингани ва таносил касалликлари шифохонасига текшириш учун олиб кетилганини айтишди. Шифохона котиби кеча келтирилган аёлда янги юктирилган таносил касаллиги вирусини топилиганини, аммо тез орада тузалиб кетишини айтди.

Сами Тарлабошига қайтиб, Насринга ҳаммасини ай-тиб берган чоғида, у хайратдан ёқасини ушлади.

– Бу қанақаси бўлди? – деди тўшакдан бошини аранг кўтариб Насрин. – Ахир шу пайтгача эридан бошқа эркакни билмаган Назан бундай ишга қўл урган бўлиши...

– Билмадим, – елка қисди Сами. – Уйигача кузатиб бормоқчи эдим, ўзи қўймади. Безориларнинг қўлига тушган кўринади.

– Унинг ҳеч кими йўқ, бориб кўриш керак.

Бироқ, Насрин уни кўргани боролмади. Хасталик имкон бермади. Сами бир ўзи бозордан мева-чева олиб, Назанни кўргани борди. Бечора икки кунда чўпдек озиб, юзлари сўлиб қопти. Йиғлайвериб кўзлари шишиб кетибди. Сами унга тасалли беришга уринди.

– Энди нима қиламан? – дея кўзёш тўкарди Назан. – Эримнинг, ўғлимнинг кўзига қандай қарайман? Ўзимни ўлдиришдан бошқа чорам йўқ, шекилли!

– Ол-а, нари борса гонорея экан-ку, – деди ёнидаги қаравотда ётган аёл. – Менга ўхшаб заҳм юктириб олсанг, нима қилардинг? Хурсанд бўлсанг-чи, шундоқ алпқомат хушторинг бор экан.

Назаннинг қулоғига гап кирмади.

– Насрин ҳам келмоқчи эди, бироқ мазаси йўқ, – деди Сами бир нуқтага тикилиб. – Уни ҳам санаторийга ётқизишга тўғри келади. Бошлиғидан анча қарзи бор экан. Уларни тўлаб, ишидан рухсат олдим. Эртадан у ҳам даволанади.

Сами бу ишни шунчаки савоб йўлига қилмаганди. Насриннинг санаторийда даволаниши унинг Назан билан кечириши мумкин бўлган ширин дамлар учун айна муд-дао эди.

Чиндан ҳам Насрин санаторийга ётқизилди. Назанни шифохонадан чиқаришгач, Сами уни ўзининг ижара ётоғига олиб кетди. Зотан, Назаннинг бошқа борадиган

жойи ҳам қолмаганди. У энди холаси тугул, эри, ўгли хақида ўйлашга ҳам ўзини ноҳақ санарди. У ўзининг кир борлиги ила уларнинг ҳаётига доғ туширишни истамасди.

Холасининг уйдан нарсаларини ҳам Сами келтириб берди. Уч-тўрт кундан сўнг Сами ҳам унга унча эътибор бермай қўйди. Овқатини ҳам ташқари хонада еб, ўша ерда ётиб қоладиган бўлди. Қачонлардир шу сўлгин, файзсиз аёлнинг ортидан итдек изғиб юрганига ўзи ҳам ишонмай қолганди. Назан энди унинг учун оддий хизматкор, чўридан бошқа ҳеч ким эмасди.

Бир куни Сами иккита чамадон билан кириб келди. Ошхона ёнидаги хонани бўшатишни буюрди. Назан ода-тига кўра, унинг айтганини қилди. Зил-замбил чамадонларни бўш хонага жойлаштирди. Ичида нима борлиги билан қизиқиб ҳам кўрмади. Сами хонани қулфлаб, калитини чўнтагига солди.

– Тун ярмидан оққанда бир танишим келади. Хонани кўрсатасан. Калит ўзида бўлади. Қаҳвани ёктиради, келса дамлаб берасан, – дея ўзи қаергадир гум бўлди.

Чиндан ҳам ярим кечаси эшик тақиллади. Келган одам пакана, кўзлари ўйнаб турган бир ажнабий экан. Туркчани ҳам бузиб гапираркан. Назан, айтилганидек, унга хонани кўрсатиб, қаҳва дамлаб берди. Кейин эса ўз хонасига кириб, халиги паканага эътибор ҳам бермади.

Шу кундан бошлаб, бу ердан ҳар куни аллақандай шубҳали одамларнинг қадами узилмайдиган, нималарнидир опкелиб, олиб кетадиган бўлишди. Ичкарида қандайдир босма дастгоҳларнинг товушлари эшитилиб турарди. Назан буларнинг ҳеч бирига заррача эътибор қаратмади.

Назан тамомила бошқа одамга айланиб қолганди. Ўзига ҳам қарамай қўйган, унинг учун энди ҳеч нарсанинг фарқи қолмаганди. Ҳар замонда ўғлини ўйлаб, юрагининг

аллақаерида бир оғриқ уйғонарди. Уни бу рангсиз, файзсиз ҳаётга боғлаб турган ришта ҳам фақат шундан иборат эди. У одатий ҳаёт тарзига, ижара уйдаги баджаҳл, кўпол эркакнинг (аввалги назокатдан асар ҳам қолмаганди) бақир-чақири, қош-қовоғига, унинг шахвоний истакларини бажаришга кўниқиб ҳам қолган, баъзи ҳолларда бу хонага келиб турадиган бошқа эркакларнинг ҳам хоҳишини бажаришга мажбур бўларди.

Бу йил баҳор Истанбулга кечроқ келди. Бутун шаҳар очилиб сочилди. Назан балконда шаҳарнинг баҳорий манзараларини ҳиссиз томоша қилиб турганида, Сами кириб келди:

– Бандалик экан, Насрин дугонангни ҳам бериб кўйдик.

Назаннинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Самининг ёнига кўчиб келганидан бери уни кўрмаган, унга нисбатан ноҳақлик қилаётгандек бўлар, ўзини-ўзи қаттиқ айбларди. Ҳозир унинг вафотини эшитгач, кўзларида икки томчи ёш ҳалқаланди. У билан поездда ҳамроҳ бўлиб келганлари, бирга ўтказган дамлари кўз олдига келиб, кўнгли бузилиб кетди.

Кунлар шу тахлит ўтаверди. Вақт ўтгани сайин ўғлини, эрини қаттиқ соғина бошлади. Аммо энди улар Назандан юлдузлар қадар узоқлашиб кетганди. Улардан биргина олмос кўзли узук хотира бўлиб қолган, Назан ёлғиз қолган кезлари узукни олиб кўзига суртар, ўпар, кейин юм-юм йиғларди. Бир куни у заргарлик устахонасига бориб, узукнинг гардишига «Ҳалдун, Мазҳар, Назан» сўзларини ўйиб, ёздириб келди.

Кўпинча, у билан кўнгилхушлик қилган эркаклар узукка қизиқиб қарашар, аммо унинг султонлар божига тенг қийматга эга эканини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Унинг юпун, униққан кийимига қараб, қимматбаҳо узук тақишига ҳеч ким ишонмасди.

Кунларнинг бирида уйга ҳар доимгидан кўпроқ юк олиб келишди. Бу уйнинг барча доимий ҳамнишинлари шу ерда эди. Назан уларга қаҳва олиб бораётган пайтда эшик тақиллаб қолди. Самининг «ҳеч кимга эшик очма» деган танбеҳи эсидан чикдими, беихтиёр бориб зулфинни туширди. Шу чоқ хонага бир нечта полициячи бостириб кирди. Уларнинг барчаси тиш-тирноғига қадар қуролланган эди.

Бир зумда уйнинг ичида тўс-тўполон бошланди. Аввалига ашёвий далил – сохта пул босиш машинасини қўлга олишди, кейин ҳамма қатори Назаннинг ҳам қўлига кишан уриб, машинага босишди.

Мазҳар хонага тушкун кайфиятда кириб келди. Ўғлига ҳам, онасига ҳам, ҳатто уни зимдан кузатиб ўтирган хотинига ҳам қарамасдан, ўзини хонасига урди. Каравотга ўзини ташлаб, хўнграб юборди. Жола шошилиб унинг ортидан кирди. Эри ёстикни муштлаганча ёш боладек кўзёш тўкарди. Жола ерда ётган газетани олди ва унинг биринчи бетидаги сарлавҳага кўз югуртирди:

#### «СОХТА ПУЛ ЯСОВЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ»

Аввал ҳеч нарсага тушунмади. Кейин сарлавҳа тепасидаги суратга назар солди. Кейин хабарни охиригача ўқиб чиқиб, эрининг нима сабабдан ер муштлаб йиғлаётганини англагандек бўлди. Шу чоқ эр-хотиннинг нигоҳлари тўқнашди. Анча пайт ҳар иккиси жим қолди.

– Ҳаммасига ўзим айбдорман, – деди ниҳоят Мазҳар ярим овозда.

– Худонинг иродаси, – деди Жола енгил хўрсиниб.

Мазҳар эса унинг гапини эшитмади. Афтидан, ҳозир у ён-верида ўзидан бошқалар ҳам борлигини унутганди. Унинг кўз олдида Назаннинг маъсум, самимий, бокира киёфаси намоён бўлди. Мана ўша, бир пайтлар жонидан ортиқ кўрган беғубор хилқат. Сулаймонияда, холасининг торгина кулбасида сиғинди бўлиб яшаётган етим қиз... Шунча кўргиликлар каммиди унга?!



Жола унинг қошида оҳиста чўккалаб, эрининг тўзгиган сочларини силади.

– Майли, йиғла, йиғлаб ол, енгил тортасан, – деди ва эрининг бошини юмшоқ кўксига босди. Беихтиёр деразага қаради. Уларни зимдан кузатиб турган қайнонасининг шарпасини илғаб, ғижиниб кетди. У куни кеча ҳаммомда яна бир туморни топиб олган, аммо эрига ҳам қайнонасига ҳам индамаганди. Ҳозир ҳам бирор шумликни кўзлаб юрган бўлиши керак.

Ҳожар хоним эса, ҳамон дераза қаршисида турганча, ўғли ва келинидан кўз узмасди. Наҳотки, шунча илму амаллари ўз таъсирини кўрсатмаган бўлса? Ахир дугонаси, молия мудирининг онаси «бу домланинг нафаси жуда ўткир, «Суф» деса сувни тескари оқизади» демаганмиди? Мана, ўғли билан келини ялакат мағиздек бир-бирининг пинжига тикилиб ўтирибди-ку! Шунча пулни ҳавога созурибди-да!

Кимнингдир шарпасини пайқаб, ўгирилди. Рўпарасида Ножия турарди.

– Мазҳар бугун нимага бунча эрта қайтди, билмадингми? – шивирлаб сўради кампир.

– Мен қаердан биламан, – деди Ножия бепарволик билан. – Ўзингиз кириб сўранг.

Кампир Ножиянинг ҳам ўзгариб қолганини аллақачонлар сезганди. Олдинлари олдида пой-патак бўлиб турарди. Энди эса, ҳатто салом бергиси келмайди. Ҳаммасига шу мегажин айбдор. Набирасини ҳам йўлдан урган шу. Назан шу ердалигида Ҳалдун ундан бир қадам айрилмасди. Энди эса, шу бир қарич бола ҳам думини тутқазмай қўйган. Сал қаттиқроқ уришса, «кичик ойимга айтаман» деб бидирлашга тушади.

Ҳожар хоним ҳафсаласи пир бўлиб, хужрасига қамалиб олди. Бир пул бўлган қадрига ачиниб, яна юм-юм йиғлашга тушди. Бор умиди уйнинг ҳар жойига беркитиб ташла-

ган туморларда эди. Аммо улардан ҳам наф чиқадиганга ўхшамайди. Агар улардан ҳам бирор иш чиқмаса, бирор жойдан ижарага уй топиб, чикиб кетади. Худо кўтарсин бу ялмоғиз келинни ҳам, нобакор ўғилни ҳам.

Илкис ўғлининг баланд овозда бақира бошлаганидан ўзига келди. Каравотидан сакраб турди. Қулоғини эшикка қўйди. Бирданига ҳаммасини тушунди. Ўғли ёстиғи остидан жодуланган туморни топиб олган кўринади. У ўғлининг бўғриққан овозини дарҳол таниди.

– Бу ойимнинг иши, ундан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни, қўйвор, ҳозир кириб у билан ўзим гаплашаман.

– Эсинг жойидами, – дерди Жола. – Ахир у онанг-ку! Қўй, гап-сўзни кўпайтириб нима қиламиз? Шайтонга ҳай бер!

Чиндан ҳам Мазҳар ўзини йўқотиб қўйганди. Ҳар қанча ўзини қўлга олишга уринмасин, бадани дағ-дағ қалтирарди. Жола ўрнидан туриб, қўлида яна иккита тумор билан қайтди ва улардан бирини ҳаммомдан, иккинчисини сандиқ ичидан топганини, шунингдек, Ножиадан эшитганларини сўзлаб берди.

– Бу разолатга чек қўймасам бўлмайди, – дея тиззала-рига урди Мазҳар. – Ҳозир бу туморларни опкириб олдига ташлайман. Кетсин уйимдан!

– Ахир у онанг-ку, Мазҳар! Сендан бошқа яна кими бор унинг!

– Менга фарқи йўқ, бирорта уй топиб, чикиб кетсин. Тирикчилиги учун пул бериб тураман.

Жола бироз ўйланиб қолди ва тилга кирди:

– Бўлмаса, бу ишни менга қўйиб бер. Бу ишда сенинг қўлинг борлигини онанг билмасин. Ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

Назаннинг қўлга тушгани ҳақидаги хабар бутун шаҳарга ёйилганди. Ахир газетани фақат Мазҳар ўқимади-ку! Уятдан Мазҳар кўчага ҳам чиқолмай қолди.

Ўз идорасига ҳам, маҳкамаларга ҳам қатнамай қўйди. Яхшиям дўсти Нихат шу ерда. Унинг ишларини ўзи юритиб турарди.

Бечора Ҳалдун! У ҳозир ҳеч нарсанинг фарқига бормади. Аммо эртага катта бўлгач, онасининг номи унинг гарданига лаънат тамғаси бўлиб босилади. Мазҳар шулар ҳақида ўйларкан, бир дарди минг бўлар, кўз олдини қоронғилик босарди. Буларнинг ҳаммаси учун у ўзини айбдор деб биларди.

– Қўявер, пешонангда ёзилгани бўлади. Такдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Сенинг ҳеч қандай гуноҳинг йўқ, – дея унга таскин беришга уринарди Нихат.

Шу тариқа кунлар ўтаверди. Мазҳар кечалари уйкусидан даҳшат ичида уйғониб кетар, Жола амаллаб уни овутишга уринарди.

Ҳалдун ҳам кейинги пайтларда анча синиқиб қолганди. Жола уни бозорга опчиқиб, чиройли ўйинчоқлар олиб берди. Уйга қайтишганда, уларни Ножиё қизиқувчан қиёфада қарши олди. «Ичқарига кириб қаранг» дегандек, Жолага кўзи билан имо қилди. Жола оҳиста қадамлар билан ҳовлига кирди. Ҳожар хоним қўлида тоғора билан ҳовли тўрида куймаланиб юрар, тоғорадан ҳовучига сув олиб, атрофга сепар, қандайдир дуоларни пичирлаб ўқирди.

– Ҳорманг, – деди унинг тепасига бориб. Ҳожар хоним ўгирилиб, келинини кўрди-ю, бақадек қотди-қолди.

– Нима қиялпсиз? – қаҳрли овозда сўради Жола.

Қайнонанинг тили тутилиб қолди.

– Ф...фақат ўғлимга айтма, илтимос! Айб мендан ўтди. Ўғлимнинг феълини биламан. Мени кўчага қувиб солишдан ҳам тоймайди. Жон болам, шу ёшимда мени саргардон қилма.

– Майли, лекин бу биринчи маротаба эмас, – деди Жола қўлини белига тираб. – Эрим билан орамизни совиштиш учун ёздирган туморларингизни нима қиламиз?

Ҳожар хоним бўларича бўлганди. У энди икки қўли билан юзларини беркитиб, хўнграшга тушди. Қари кампирнинг ёш боладек ўксиниб йиғлашини кўриб, Жола-нинг ҳам кўнгли юмшади.

– Кимсан адвокат Мазҳарбейнинг онасига кўзёш тўкиб ўтириш ярашмайди. Онам тенги аёлсиз. Аммо, бунақа килаверсангиз, ростдан ҳам бу уйдан чиқиб кетишингизга тўғри келади.

– Кетаман, – деди кампир кўзёшларини артиб. – Ўзим ҳам сизларга зарарим тегмаса, бирор уйни ижарага олиб чиқиб кетсаммикин, деб тургандим.

– Жуда яхши, – деди кулай фурсат келганидан кувониб Жола. – Унда ўғлингиз келиши билан унга бу таклифингизни айтинг. Қани, нима деркин?

Кечқурун дўсти Нихатнинг ёнидан қайтган Мазҳар онасининг фикрларини эшитиб бўлгач, кониқиш билан бош ирғади.

– Агар алоҳида яшашни истасангиз, мен нима ҳам дердим? Эртадан ўзингизга уй қидираверинг, – деди совуққонлик билан.

Ўғлидан бу қадар терс муносабатни кутмаган она-нинг дили вайрон бўлса-да, сездирмади. Кечаси билан ўйлаб чиқди. Ниҳоят, қўшниси Ризодан бошқа тузукрок маслаҳат берадиган одам йўқлигига амин бўлди.

У эртаси куни Ризони бар ёнидаги қаҳвахонадан топди. У қўли бўшроқ бўлгани боис, бекорчи ўртоқлари билан қарта ўйнаб ўтирарди. Улфатларидан узр сўраб, кампирни сал четроққа имлади. Ризо Ҳожар хонимнинг бошига тушган ўйинлардан хабардор, ҳаммасини кеча хотинидан эшитганди. У аввал кампирнинг дардини диққат билан эшитди. Кейин худди унга раҳми келгандек бошини сарак-сарак қилди:

– Ваҳ-вах, демак бу ишга бизнинг хоним ҳам бош кўшибдилар-да?

– Ҳа, Ризо афандим, – деди Ҳожар хоним йиғлам-сираб. – Мен ундан кутмагандим. Хафа бўлмагину, бу аёл умуман сенинг тенгинг эмас. Нима, сенга шундан бошқаси куриб кетганмиди? Дарахтни силкитсанг, хотин ёғилади. Ақалли битта бола туғиб берганида ҳам майлийди.

– Нимасини айтасиз, – дея хўрсиниб олди Ризо. – Бормаган табибу ҳакимимиз қолмади. Қани бу қисир хотиннинг қорни дўппайса. Ўзиям бир лукма эти йўк. Бир даста суяк...

Шундан сўнг Ҳожар хоним ўз ҳасрат дастурхонини ёзди:

– Эримдан бева бўлиб қолганимдан кейин кимлар қўлимни сўраб келмади?! Ўзиям жуда келишган, чиройли жувон эдим-да! Шу боламни деб тоқ ўтдим. Мана, ундан кўрадиганим шу бўлди. Энди ўз уйимга ўзим сиғмаяпман. Ўғлим ҳам, келиним ҳам, неварам ҳам мендан безор. Шунинг учун менга ижарага бирор уй топиб берсанг.

Ризо аёлнинг ахволига боқиб, ич-ичидан ачинди. Шаҳарнинг нариги бурчагида бир таниши уйини ижарага бермоқчи бўлиб юрганини эшитганди. Агар ўша уйни ижарага бериб қўймаган бўлса...

Бу ҳақда оғиз очганида Ҳожар хонимнинг юзига табассум югурди. Биргаликда ўша уйни кўриб келадиган бўлишди. Фойтунга ўтириб, ўша уйга йўл олишди. Уй хонимга анча маъқул келди.

– Уйнинг орқа тарафдан ҳам эшиги бор экан, – деди Ризо маъноли томоқ кириб. – Ҳарқалай, ҳаммани ҳам олд эшикдан киритавермайсиз-ку, бир-иккита кўнгилга яқин инсонлар келиб қолса...

Ҳожар хоним кикирлаб кулди:

– Ёмонсан, Ризо, ёмонсан!

Уй ҳам, ижара ҳақи ҳам Ҳожар хонимга ёқди. Шу ерда қоладиган бўлди.

– Ризо, мени ёлғизлатиб қўймагин, – деди Ҳожар хоним алланечук илинж билан. – Тез-тез хабар олиб тур.

Ризо Ҳожар хонимга зимдан сер солиб чиқди. Инсоф билан айтганда, аёл ўзини унчалик олдирмаган, аёллик ла-тофатининг излари ўчиб улгурмаганди. Қолаверса, бу хо-тинда пул кўп, кўнглини овлаб, битта майхонага етадиган даражада пул ундириб олса, ёмон бўлмасди.

– Хўп бўлади, хоним, – деди Ризо Ҳожар хонимнинг майин қўлларини қуруқшоқ кафти билан оҳиста сиқаркан.

\* \* \*

Ҳожар хонимнинг юклари ортилган фойтун узоқлашиб бораркан, балкондан кузатиб қолган Мазҳарнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. У ўз онасини, қорнида тўққиз ой кўтарган, икки йил эмизган, ёлғиз боши билан вояга етказган онасини... уйдан ҳайдади. Ҳайдамаган бўлса-да, кетишга мажбур қилди. Ўз-ўзидан нафратланиб кетди. Бўғзига нимадир тиқилган чоғда, сочлари узра сирғалаётган хотинининг майин қўлларини ҳис этди.

– Коняк ичасанми? – сўради Жола меҳрибонлик билан. Уйга қайтишди. Бу пайтда Ножия нам латта билан буфетнинг чангини артаётганди. Жола бир шиша коняк ва бир қути шоколад келтириб, стол устига қўйди. Жимгина ичишди.

Мазҳар хонадан-хонага чопқиллаб юрган ўғли Ҳалдунни кўриб ичи ачишди. Бечора бола. Энди унинг тақдири нима бўлади? Онасининг қилғиликлари, камоққа тушгани унинг келажагига соя ташламасмикин? Ҳаммасига Мазҳарнинг ўзи айбдор бўлмадимми? Нима қилмоқ керак? Балки бошқа шаҳарга бош олиб кетар?

Мазҳар кечаси билан ухлолмай чиқди. Эндигина кўзи илинганида, Назанни кўрди. Бошини эгиб ўтирганмиш. Яқин бориши билан бирданига илонга айланиб, Мазҳарга ташланибди ва уни бўға бошлабди. Дод солиб уйғониб кетди. Тепасида Жола турарди.

– Биламан, тушингда Назанни кўргансан, – деди Жола унинг ичидагини ўқиб тургандек. – Начора, шўрликнинг пешонасида шу битилган экан.

Мазҳар индамади. Хотини тутган стакандаги сувни ютоқиб ичди.

– Нима деб ўйлайсан? У ростдан ҳам фирибгарлар тўдасига тушиб қолганмикин? – сўради Жола хаёлчанлик билан.

Мазҳар бош чайқади.

– Йўқ, у худди ёш боладек содда, гўл бир аёл эди. Ундан фойдаланмоқчи бўлишгандир?

– У адвокат ёллаганмикин? – сўради яна Жола. – Кўлида қимматбаҳо узук бор, дегандинг. Сотиб ўзига химоячи ёлласа яхши бўларди.

Мазҳар хаёлидан кечган фикрни энди тилига чиқармоқчи бўлганида, Жола ундан аввалроқ гап бошлади.

– Сен-чи? Шундай пайтда унга сендан бошқа яна ким ёрдам бериши мумкин? Минг қилсаям, у болангнинг онаси. Эртагаёқ Истанбулга, Назан ётган қамоқхонага бориб, унга ёрдам бер.

Мазҳар маҳзун жилмайди. Жоланинг оловранг сочларини сийпалаб, бағрига босди.

Эртаси куни ошнаси идорасига, Ниҳат Янъялнинг ёнига борди. Ниятини айтди. Ниҳатнинг ҳам чехраси очилди.

– Қойил, дўстим, бу ҳақиқий марднинг иши бўпти. Сен, албатта, бориб, шўрлик аёлни кутқаришга ҳаракат қил. Бу ердаги ишларингни ўзим амаллаб тураман.

Худди шу пайт эшик очилиб, шаҳарда етти ёшдан етмиш ёшгача таниш бўлган, ароқхўрлигидан мияси сал айниб қолган Тавфиқ девона кириб келди. У Мазҳарнинг идорасига кириб, тез-тез «юз грамм»га пул сўраб турарди. Унинг оғзи шалоқлигини ҳамма билар, кўзига кўринган одамни болохонадор қилиб сўкар, аммо ҳеч ким уни

уришмасди. Мазҳар унинг нима учун келганини пайқаб, чўнтак ковлади.

– Вей, даюс, пулингни ... аманми? Мен сендан пул сўрадимми, онангни..!

– Бўлмаса, нима истайсан? – сўради Мазҳар норози оҳангда.

– Берироқ кел, анави баччасифат ўртоғинг менга ёқмай турибди, – дея Ниҳатга имо қилди. – Қулоғингга айтаман, онангни..!

Мазҳар узрли жилмайиб, ўртоғига қаради. Ҳали бу шаҳарга энди келган бўлса-да, Ниҳат Тавфиқ девонани таниб улгурганди. У ҳам кулиб қўя қолди. Хонанинг бурчагига бориб, девонага қулоғини тутди:

– Вей башарангга ... им, хабаринг борми? Бир-икки-та ...лар сени ўлдирмоқчи бўлиб юрибди, эҳтиёт бўл, онангни..!

Мазҳар чўчиб тушса-да, сездирмади. Девонанинг елкасини кучиб, раҳмат айтиб қўя қолди.

– Қани энди пулни чўз бу ёққа, онангни..!

Девона чиқиб кетгач, Ниҳат нима гаплигини сўради. Мазҳар кулимсираб, девонанинг гапларини айтиб берди.

Бироқ ич-ичидан бир хавотир уйғонганди. Чунки кейинги пайтда у кўраётган иш жуда катта молиявий ўйинларга қаратилган бўлиб, йирик фабрика эгаси ишни унинг фойдасига ҳал этишни сўраб катта пул таклиф қилган, Мазҳар рад этгач, жавобгар томон таҳдид қилишга ўтганди.

Девона ёлғон гапирмайди. Бунинг устига у кирмаган тешик-туйнук бу шаҳарда йўқ ҳисоби. Балки ўша тарафга ўтиб қолган бўлса, Мазҳарни ўлдириш режасини тузаётганларнинг суҳбатини эшитган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлиш лозим.

– Сен унинг гапига ишондингми? – сўради Ниҳат.



– Менми? – Мазҳар ўзни хотиржам кўрсатишга тиришди. – Қўйсанг-чи, шу жиннининг гапига ишонаманми? Оғзига келганини вайсайверади-да!

– Хўш, шундай қилиб, Назанни кўргани қачон борасан?

– Эртага жўнасаммикин, деб турибман. Жола ҳам мен билан бормоқчи. Ҳалдунни нима қилсам экан, деб турибман.

– Ўғлингни бизга ташлаб кетганинг маъкул, – деди Ниҳат бироз ўйланиб. – Онасини панжара ортида кўрса, болага ёмон таъсир қилади. Биласан, хотиним ўғлингни жуда яхши кўради. «Қиз туғсам, сени куёв қиламан» деб ҳазиллашади. Фаришталар омин деган бўлса...

Мазҳар кулиб қўя қолди.

Пешин пайти Мазҳарбей онасини кўриб ўтиш учун у ижарада турган уйга йўл олди. Эшикни узоқ тақиллатди. Бироздан сўнг, сочлари тўзгиган, кўзлари нимадандир олазарақ онаси эшик очди. Чамаси, у ўғлининг бу пайтда келишини ўйламаганди.

– Ҳа... ҳа, ўғлим. Кел, тинчликми?

Мазҳар онасини бундай паришон аҳволда кўрмагани учун бироз ажабланди. Илкис каравот тагида турган эркак кишининг пайпоғи ва этигини кўриб, сергакланди. Нимадир дейишга оғиз жуфтлаганда, Ҳожар хоним ўғлининг орқасига, деворга имо қилди.

– Анави нима? Тахта куртими, кара, деворда ўрмалаб кетяпти.

Мазҳар орқасига ўгирилган маҳалда, Ҳожар хоним оёғининг учи билан пайпоқни ичкари итарди.

Мазҳар деворга қараб, ҳеч нарсани кўрмади.

– Ҳа, ойи, кўзингизга кўрингандир. Ҳеч нарса йўқ-ку!

– Ҳа, нимаям дердим, – Ҳожар хоним хўрсинди. – Фарзанд дарди одамни не кўйларга солмайди.

Ҳожар хоним хавотир билан ичкари уйнинг эшигига қараб қўяркан, ўғлига мулозамат қилди.

– Болам, қаҳва дамлаб берайми? Чарчаб келаётгандирсан?

– Йўқ, раҳмат, шошиб турибман.

Мазҳарбей Истанбулга бориш сабабини қисқача тунтирди ва онасига ижара ҳақи ва кундалик харажатлар учун бир даста пул узатди.

– Майли, ўғлим, Аллоҳ сени ўз паноҳида асрасин, яхши бориб кел!

Кутилмаган меҳмонни кузатган Ҳожар хоним енгил нафас олди. Нариги хонада, совукда қалтираб ўтирган Ризо ичкаридан югуриб чиқди ва манқалга қўлини тутиб, исина бошлади.

Ризони ҳаммадан кўра кўпроқ Мазҳар ташлаб кетган пулнинг миқдори қизиқтираётганди.

– Ижара ҳақини ташлаб кетди, – Ҳожар хоним пулни стол устига ташлади. – Уч ойлик ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйганмиз. Ол, Ризо, сенда турсин, мен пулни нима ҳам қилардим.

Ризо очкўзлик билан пулни чўнтагига урди ва Ҳожар хонимни бағрига тортди...

Орқа эшикдан яширинча кўчага чиқиб олган Ризо Ҳожар хонимдан ундирган пулларини қандай сарфлашни ўйлаб борарди. У аввал дўконга кириб, қизил рангли гулдор халат ва уй шиппаги сотиб олди. Эрталаб, ишдан қайтганида, ҳали уйқудан уйғонмаган хотинининг каравоти ёнига қўйди ва беҳол тўшакка ястанди.

Уйқудан уйғонган Ножиya бу кутилмаган совғаларни кўриб, хайратга тушди. Кейин эрининг мурдадек оқариб кетган юзларига қаради. Кейинги пайтларда Ризо анча ўзини олдириб қўйган, ранги ҳам синикиб қолганди. «Бирорга ёшроқ жувонга илакишиб қолдимикин?» деган

шубҳа ҳам йўқ эмасди. Балки, иш кўплигидан бечора чарчаб қолаётгандир...

Негадир эрига кўнгли ийиб кетди. Дарҳол туриб, қаҳва тайёрлашга киришди. Қаҳванинг ўткир ҳиди Ризони ҳам сергак торттирди. Анчадан бери хотини унга қаҳва дамламай қўйганди.

– Қанчага олдингиз? – сўради хонага қайтган Ножия эрининг пинжига суқиларкан.

– Узумини егину, боғини сўрама, – деди Ризо унга қарамасликка тиришиб. – Сенга ёқдимиз?

– Пулни қаердан топдингиз, демоқчи эдим.

– Қиморда ютиб олдим.

Ножиянинг юзи буришди.

– Шу ҳунарингизни ташланг дегандим. Яна бошладингизми? Шунча кўрганларимиз етмайдими?

Хотинининг эзмалигини билгани учун Ризо гапни бошқа томонга бурди.

– Кўшниларимиз Истанбулга кетишар эканми?

– Ҳа, менгаям икки ҳафталик таътил беришди, – деди хотини. – Уйни қулфлаб кетишаркан. Ҳалдунни Ҳикмат хонимга ташлаб кетишмоқчи.

– Болани бувисига ташлаб кетишмабди-да, – дея лоқайдлик билан керишди Ризо. Ножия сергак тортди.

– Ўша кампирни шунақа жиним суймайди. Айтганча сиз ўзингиз кўчириб қўйдингиз-ку? Қалай, сизга кўз сузмаяптими бу қари эчки.

Ризо қорнини ушлаб кулди:

– Қўйсанг-чи, куним энди ўша онам тенги кампирга қолдимиз? Лекин билсанг, унда пул кўп. Яхшилаб шилсак, битта майхонанинг пулини тўплаган бўлармидик?

\* \* \*

... Поезд бир маромда силкиниб бораркан, Жола ойнадан хаёлчан термилиб бораётган эридан кўз узмасди.

– Унга қанча беришаркин? – сўради оҳиста.

– Ҳали иши билан танишиб чикмасдан туриб, бир нима дейиш қийин. Беш йилгача беришлари мумкин.

– Бечора...

– Мен фақат Ҳалдундан хавотир оляпман, – деди Мазҳар хўрсиниб. – Эртага катта бўлганида, онасининг аянчли ўтмиши унинг истиқболига соя ташламасин, дейман.

– Шунинг учун ҳам имкон қадар унинг онасини кутқариб қолишинг керак, – деди Жола вазминлик билан.

Мазҳар хотинини оҳиста бағрига босди. Узоқ вақт шу ҳолатда қолдилар. Ҳатто поезд ҳам уларнинг истироҳатига ҳалал беришдан чўчигандек бир текисда ҳаракатланиб борарди. Шу аснода Мазҳарнинг эсига Тавфиқ девонанинг айтган гапи тушиб, эти сесканди. Эридаги ўзгаришни пайкаб, Жола ҳам бошини унинг кўксидан олди:

– Нима бўлди?

Мазҳар бироз фикрга толиб, кечаги воқеани ҳикоя қилиб берди.

– Ахир у ғирт жинни-ку, – деди Жола. У ҳам барга тез-тез келиб, одамлардан ичкиликка пул тиланиб юргувчи бу кимсани бир неча марта кўрганди.

– Биласанми, Жола, баъзида ҳеч ким билмаган ҳақиқатни улар биздан олдин англаб етишади. Улар бизга ўхшаб гап бекитишни, ҳақиқатни пардалашни билишмайди. Кейин... мен тортишаётган фабрика эгаси жуда кучли одам. Унинг қўлидан ҳар иш келиши мумкин. Пул билан мени сотиб олишига кўзи етмагач, бошқа йўллари излашга тушган кўринади.

– Жоним, – Жоланинг овози титраб чиқди. – Сенга айтгандим-ку, шу ишни ташла, деб. Ахир сенинг орқангда турадиган, ҳимоя қиладиган киминг бор?

– Ғурурим, ор-номусим, қатъиятим нима бўлади? Энди орқага қайта олмайман. Ғишт қолипдан кўчган.

Яқинда суд бўлади. Енгиб чиқишимга тўла-тўкис ишонаман.

Яна жим қолишди. Мазҳарнинг кўз ўнгида Назаннинг маҳзун, содда ва хокисор қиёфаси жонланди. Шўрлик аёл. Қамоқхонада ҳоли не кечди экан? Ўз уйида ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилолмаган муштипар дор остидан қочган, ўғри, муттаҳам, беҳаё маҳбусалар орасида нима қиляпти экан...

\* \* \*

Пакана, бақалок соқчи хотин Назанни чақирди. Назан колониянинг нариги бошида Надиманинг кийимларини дорга ёйиш билан овора эди. Шу топда унинг ёнида турган гавдали аёл, Надима соқчи аёлга ўқрайди:

– Унда нима ишинг бор?

– Адвокати кепти, – деди соқчи аёл бироз ҳадик билан.

Надима мутелик билан унга термилиб турган Назанга қаради.

– Ҳали адвокатинг ҳам борми? – деди Надима унга алланечук қизиқувчанлик билан тикилиб.

Назан ҳам ажабланиб елка қисди. У билан бирга қўлга тушганлар ҳамма айбни Назанга ағдаришга уринишаётир. Демак, улар Назанни қутқариш учун адвокат ёллаган бўлиши мумкин эмас. Холасининг аҳволи ўзига маълум бўлса...

Надима «бор, кара-чи» дея имо қилгач, Назан бақалок хотиннинг орқасидан кетди. У аёллар ҳибсхонасига, бу ердаги аёлларнинг муомаласига, ҳаёт тарзига кўника бошлаганди. Бу ерда деярли ҳамма маҳбусалар гиёҳвандлик савдоси билан қўлга олинган Надимадан зир титрашар, унинг айтганини қилишга мажбур эдилар. Унинг оғзидан чиқаётган беҳаё сўзларни эшитиб, аввалига Назаннинг хуши бошидан учганди. Энди эса, қулоғи ҳам бундай бепарда гапларга ўрганди.

Надима шу пайтгача Назанни хўрлаган, ўйинчоқдек ўйнатган эркаклардан қолишмасди. Худди улар сингари сўкар, ишлатар, керак пайтида, уриб дўппослашдан ҳам қайтмас, хатто коридорда соқчи хотинларнинг гурс-гурс кадам товушлари тингач... Назанни ётоғига чорларди. Шу пайтгача ҳаётнинг турфа жирканч ўйинларига дуч келган Назан бу кабоҳатга ҳам итоаткорона бош эгди. Зотан Надиманинг раъйига қарши бориш жаҳаннам азобига тенг эди.

Соқчи аёл коридорнинг нариги бошидаги эшикни чертиб, ичкари кираркан, Назанга кутиб туришни буюрди. Орадан бир неча сония ўтгач, Назанни ҳам таклиф этди.

Назан ичкарида, оқсоч нозирнинг рўпарасида олдинги эрини кўриб, тахтадек қотиб қолди. Кейин йиқилиб тушмаслик учун деворга суянди. Кўллари билан юзини беркитиб, йиғлаб юборди. Оёқларидан мадор кетиб, пол устида чўккалаб қолди.

Мазҳар ўрнидан туриб, хотинининг тепасига келди. Оҳиста собиқ аёлининг кўлидан тутиб, турғизмоқчи бўлди. Назан худди тош ҳайкалдек оғирлашиб қолган, фақат юм-юм йиғларди, холос.

– Тур, ўрнингдан, – деди Мазҳар овози титраб. – Қўркма, ҳаммаси яхши бўлади. Ишингни ўрганиб чиқдим. Унчалик оғир эмас. Сен бу ишга билмай аралашиб қолгансан. Енгилроқ жазо беришади.

– Илтмос, бей афандим, тезроқ, – Мазҳарга юзланди нозир. – Менинг хонамда маҳбуслар билан кўришиш жоиз эмас. Сиз учун рухсат бердим. Ишим кўпроқ эди.

Назан Мазҳар кўрсатган стулга ўтираркан, эридан сўради:

– Ўғлим яхши юрибдими? Мени сўраб турадими?

– Ҳалдун чопқиллаб юрибди. Сени ҳам кўп сўрайди, – куруққина жавоб қайтарди Мазҳар.

– Илтимос, менинг қамалганимни унга айтманг. Кейинчалик онасининг ўтмиши туфайли боши эгилиб қолмасин боламнинг.

Мазҳар йиғлаб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб, дераза тарафга қаради:

– Қонун бўйича мен сенинг ишинг билан шуғуллана олмайман. Эрингман... – кейин тузатиш киритди, ... эдим. Шу боис, бир дўстимни жўнатаман. У сени судда ҳимоя қилади. Сенга пул жўнатиб тураман. Ўғлингдан хавотир олма. Насиб этса, тез орада чиқиб кетсанг, бориб кўрасан. Фақат... сен сиқилма, Назан. Сен жуда яхши аёлсан! На-чора, тақдир...

Назан ҳамон йиғларди:

– Ўғлимни ўпиб қўйинг. Ойижонимга салом айтинг... – Кейин нимадир эсига тушиб илова қилди. – Сиз берган узукни сотганим йўқ. Сақлаш хонасига топширганман.

– Қимматбаҳо буюмлар маҳкумлар жазони ўтаб бўлишлари билан эгаларига қайтарилади, – қўшимча қилди қамоқхона нозири.

Мазҳар индамади. Лабларини қаттиқ тишлаганча, хонани тарк этди. Назан соқчи хотин билан ҳозир келган йўлак бўйлаб, ортига қайтди. Камерага кириши билан яна бояги хотинлар унинг атрофини ўраб олди.

\* \* \*

Мазҳар ароқ хўпларкан, Назаннинг хокисор қиёфаси, ёш тўла кўзлари, аянчли юзлари ҳамон кўз ўнгидан кетмасди. Боя Назанга таскин берганди, холос. Аслида, вазият у ўйлагандан ҳам кўра ёмонроқ эди. Ҳамма далиллар, гувоҳлар, кўрсатмалар Назанга қарши.

– Адвокат ўзимнинг курсдошим бўлади, – деди Жоллага ҳисобот бериш оҳангида. – Нихат ҳам уни яхши та-

нийди. Пул берсам олмади. Ўзи кўлимдан келганча ёрдам бераман, деяпти.

Шундай дея кадахни бўшатди. Жола ҳам ичди. Улар айни пайтда Бейоғлу кўчасидаги Рум ресторанида тамадди қилиб ўтиришарди. Залда, асосан, ажнабийлар оила аъзолари билан овқатланишарди.

– Нималарни ўйляяпсан? – сўради нокулай жимликни бузиш мақсадида Мазҳар.

– Ҳеч нарса... Келганимиздан акам жуда хурсанд бўлди-да!

Улар поезддан тушишлари билан Жоланинг акасиникига боришган, Капаличаршидаги бир дўконда савдо қиладиган кенг яғринли, хушбичим эркак аввалига синглизини хушламайгина қарши олган, аммо Жола барда хизмат қилишни ташлаб, ёнидаги йигит, таниқли адвокат билан расман оила қурганини эшитиб, анча чиройи ёришган, дарҳол синглизини ва куёвини машинага ўтказиб уйига олиб борган ва меҳмондорчиликни обдон ўрнига қўйганди.

Мазҳар тўрт кун давомида Истанбулни айланди, томоша қилди, еди-ичди. Назаннинг ёнидаги дилхираликларни айтмаса, шу тўрт кунни хушнуд ва хушҳол ўтказди. Уйга қайтишдан аввал Мазҳар адвокат курсдошига учрашиб, унга тегишли йўл-йўриқлар берди, имкон даражасида Назанга кўмаклашишни тайинлади. Яна ҳибсхонага бориб, Назан билан хайрлашгиси келмади. Қўлидан келган ёрдамни қиляпти-ку, бўлди-да!

Уйга қайтишлари билан Ҳалдун «кичик ойиси»нинг пинжига суқилди. Мазҳар чарчаб келгани боис, ётоғига кириб, ўзини каравотга ташлаган ва уйқуга кетганди.

– Ойим энди келмайдилар, а? – сўради Ҳалдун умидсизлик билан Жолага мўлтираб.

Жола болакайнинг мурғак вужудини бағрига босди. «Келмайди, болам, – деди, овози титраб, – келишни ис-тамайди».



Шундан сўнг у онаси ҳақида гапирмади. Онаси назарида ундан тобора узоқлашиб борарди. Шундай кунларнинг бирида боланинг ҳаётида яна бир фожеа юз берди. У... отасидан ҳам айрилиб қолди.

Узоқ кутилган мудҳиш ҳодиса ниҳоят юз берганди. Йирик тадбиркор ва унинг рақиблари ўртасидаги даъво-лар ҳали ечимини топиб улгурмаган бир пайтда, адвокат Мазҳар, судья ва зобит котиби билан кетаётган машина дарё устидаги баланд кўприкдан ўтаётганда ҳалокатга учради. Автомашина юз эллик метр баландликдан кулаб тушди. Табиийки, ҳеч ким тирик қолмади.

Суиқасд аломатлари яққол кўриниб турарди. Бир неча соат аввал улар худди шу машинада, шу кўприкдан эсон-омон ўтишган, қайтгунларига қадар, кимдир кўприкни ар-ралаб қўйганди. Бу қабохатни ким содир этганини тахмин қилиш осон, аммо исботлаш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Бу хабар шаҳарга шиддат билан ёйилди. Жола хоним ҳам ғам-андухга ботди. Аммо, ўлган ўлди-кетди, тирик-лар ҳам бир кунини кўриши керак. Жола хоним кейинги тақдири ҳақида бош қотира бошлади. Гарчи бир пайтлар ўзи ишлаган барнинг хўжайини уни яна бирга ишлашга таклиф қилса-да, Жола хоним бу таклифни кескин рад этди. У нима қилишни яхши биларди. Кетади. Истанбулга, акасининг ёнига кетади. Унинг бу қарори акасига ҳам маъқул тушди.

Ўғлининг ўлимини эшитиб, Ҳожар хонимнинг ҳам кўзига дунё қоронғи кўриниб кетди. Гарчи хотинининг гапига кириб, онасини уйдан ҳайдаган бўлса-да, фарзанд экан-да! Йиғлади-сиқтади, ўзини ҳар ёнга урди. Аммо бу билан ўлган одам тирилиб келармиди? Хўш, энди унинг ҳоли нима кечади? Қонун бўйича ўғлининг бор мол-мулки энди унинг қонуний хотини Жоланинг ихтиёрига ўтади. Бу пихини ёрган, енгилтак аёл қайнонасига игнани раво кўрармиди...

Ҳожар хонимнинг Ризодан бўлак суянчи қолмаганди. «Кампирдан шилиб олинган пуллар эвазига майхона очиш» нафақат Ризонинг, балки Ножианинг ҳам оромини ўғирлаган, кейинги пайтларда эр-хотин кампирнинг ёнидан аримайдиган бўлиб қолишганди.

Жола қайнонаси турган уйни топиб келганида, эр-хотин қўшниларни ҳам ўша ердан топди. Қайнонасини анчадан бери кўрмаганди. Аввалги ҳайбатию салобатидан асар ҳам қолмабди.

– Илтимос, хоним билан бизни ёлғиз қолдирсангиз, – деди Жола эр-хотинга беписанд кўз қирини ташлаб.

Улар чиқиб кетишгач, Жола қайнонасига ҳамдардлик билдирди. Кейин эса, эридан қолган барча мол-мулкни қонуний меросхўр сифатида сотиб, бир қисмини Ҳожар хонимга беришини, кейин ўзи Истанбулга кетишини билдирди. Ҳожар хоним келинидан бундай олижанобликни кутмагани учунми, ичи хийла ёришгандек бўлди.

– Ҳалдунни ўзим билан олиб кетаман, – деди Жола. – У эрта-индин мактабга чиқади. Ўзига яраша ташвишлари кўпаяди. Сизни қийнаб қўйиши мумкин.

Бу фикр ҳам кампирга ёқиб тушди. Чиндан ҳам хозирдан унинг зиммасига неварасининг ташвиши туша бошлаганди.

– Майли, қизим, – деди тақдирга тан берган бўлиб. – Ишқилиб, қаерда бўлсаям, тинч, соғ-омон бўлса бас.

Ножия билан эри эшик ортида туриб, ҳамма гапни эшитиб олишганди. Адвокат Мазҳарнинг меросидан тегадиган улуш уларни ҳам қизиқтириб қўйганди. Ахир адвокатдан озмунча мол-дунё қолмагандир?!

– Демак, бу пулни биз очадиган майхонага тикасиз-а? – сўради Ножия.

– Сизлар нима десангиз шу, – деди кампир мутеълик билан. – Мен бир ёшини яшаб бўлган аёлман. Бошим панада, қорним тўк, устим бут бўлса бас. Нима қилсанглар ўзларинг биласизлар.

– Сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг, – деди Ризо кўз қисиб. – Сиз ҳар доим кўз олдимизда бўласиз. Иссиқ-совуғингиздан ҳамиша хабар олиб турамиз. Обовқатингиз жойида бўлади. Фақат, ишқилиб, анави «бар қизи» ҳаммамизни чув тушириб кетмаса бўлгани.

Ҳарқалай, Жола ваъдасида турди. У бир-икки ҳафта ичида марҳум эридан қолган бор жиҳозотни ҳовли билан бирга қўшиб сотиб, кампирга ваъда қилган пулни келтириб берди. Ўзига тегишли пулни банкка қўйди-да, адвокат Ниҳат ва унинг аёли Ҳикмат хоним билан хайр-хўшлашиб, вокзалга йўл олди. Ҳожар хоним ҳам уларни кузатгани чиқди. Бечора кампир сўнгги бор неварасини бағрига босганча юм-юм йиғлади.

...Бир неча дакикадан сўнг поезд тарақлаганча Истанбул томон йўлга тушди.

\* \* \*

Ҳалдун тақдирнинг бу зарбасини ҳам мурғак тафаккури ила қабул этди. Янги муҳит, янги шаҳар, янги оила... Бироқ, «кичик тоға»нинг ўғиллари келган кундан бошлаб, уни сиғдиришмади. Айниқса, болаларнинг каттаси бутун маҳалладаги ўртоқларига Ҳалдунни «фоҳишанинг ўғли» деб овоза қилганди.

Гарчи Ҳалдун «фоҳиша» нималигини билмаса-да, ҳарқалай, онасининг шаънига нисбатан ҳақорат эканини тушуниб етганди. Бироқ бутун маҳаллага у ана шу таҳқиромуз ном билан танилганди.

Табиийки, жиянларининг бундай безбетлиги Жолани ҳам бефарқ қолдирмади. Гарчи Ҳалдунни ўзи туғиб катта қилмаган эса-да, эридан қолган ягона ёдгор эди. Бир неча бор болаларга қаттиқ танбеҳ берди. Бу чора иш бермагач, янғасини йўлга солди.

– Янга, болаларингизга айтиб қўйсангиз, бир етимнинг дилини оғритиш ҳам гуноҳ.

– Нима, шу бетайин фоҳишанинг боласини деб болаларимни уришишим керакми?

– Бу гап ҳали сиздан чикқанмиди?

– Ҳа, тўғри гап тукқанингга ёқмас. Ҳозир одамлар ўз қорнини аранг тўйдирапти, сиз бўлса етти ёт бегонанинг етимчасини эргаштириб келибсиз. Ана, бувиси бор эканку, керак бўлса, боқиб олаверсин.

Жола муносиб жавоб қайтаришни ўйлади-ю, аммо ўзи ҳам акасининг уйида сиғинди бўлиб ўтирганини ўйлаб, заҳрини ичига ютди. У янгаси айтгандек ҳам қилолмасди. Ҳожар хонимнинг аҳволи ўзига маълум. Эрта-индин «тўп» этиб омонатини топширгудек бўлса, бечора бола кимнинг кўлида қолади? Бундан ташқари, Жола Ҳалдунни ўз бола-сидек яхши кўради. Уни кўрса, худди Мазҳарни кўргандек бўлади.

Шу тариқа кунлар ўтаверар, Ҳалдуннинг эрка-тантук болалар ичида ёлғизланиб, боши эгилиб қолаётганини кўрган Жоланинг юрак-бағри эзиларди.

Истанбулга кўчиб келгандарининг учинчи ойи эди. Бир кун Ҳалдун кўчадан бир кути шоколад кўтариб келди. Кўлидаги тўрт буклоғлиқ қоғозни эса, «кичик ойи»сига тутқазди.

Жола шоша-пиша мактубни очди. Хат кўчанинг нариги бетидаги кўпқаватли уйда турадиган бир эркакдан экан. Жола бу эркакка дастлабки кунларданоқ эътибор берганди. Ҳар доим ўтган-қайтган чоғда, бу эркак ўз деразасидан унга кўзини лўқ қилиб ўтирганини сезар, аммо ўзини билмаганга оларди.

Хатда ўша эркак Жола билан танишиш истагини билдирган, имкони бўлса, эртаси куни тушда Фотиҳ хиёбонида учрашишни таклиф қилганди.

Жола эрининг ўлиmidан сўнг бундай нарсалар ҳақида умуман ўйламай қолганди. Аммо, қўшни уйда яшайдиган, сочларини орқага силлиқ тараб юрадиган ёшгина эркак-

нинг эҳтиросли юзини кўз олдига келтириб, хиёл кулим-сиради.

– Агар жавоб ёзиб берсангиз, бундан ҳам кўп шоколад берарканлар.

Жола кулиб, Ҳалдуннинг бошини сийпалади. Бир варақ қоғозга «маъқул» деб ёзди-да, унга тутқазди.

Эртаси куни айтилган жойда кўришдилар. Жола Ҳалдунни ҳам олиб борганди. Олдин суҳбатлари унча ковушмади. Кейин Жола ўзининг кечмишини гапириб берди.

Кўшни эркакнинг касби муҳандис бўлиб, икки марта уйланган, аммо юлдузи юлдузига тўғри келмасдан, тезда ажрашиб кетган экан. Муҳандис йигит яна уйланиб, бахтли бўлиш орзусида эканини гап орасида кистириб ўтди. Жола йигитнинг силлиқ сочларига, кулча юзларига, ўйчан кўзларига зимдан зеҳн солди. Ич-ичидан унга нисбатан илиқлик уйғонганини ҳис этди.

Шу тариқа улар тез-тез учраша бошлашди. Жоланинг акаси бу учрашувлардан хабар топса ҳам, «шояд бахти очилса» деган ўйда, ўзини сезмаганга олди. Кейинги учрашувларда у Ҳалдунни уйга қўйиб чиққанди. Инженер йигит билан денгиз соҳиллари, шаҳар хиёбонларини сайр қилишарди.

Жола қарама-қарши ҳислар қуршовида қолганди. Муҳандис йигит унга ёқиб қолганди. Ўзига тўқ оиладан экани кўриниб турибди. Қолаверса, бир умр акасига ортиқча юк бўлиб яшамайди-ку? У фақат Ҳалдуннинг тақдирини ўйларди. Агар муҳандис билан турмуш курса, у ҳам Ҳалдунни ўз боласидек қабул қила олармикин? Йигитнинг кўнглига қўл солиб кўрганди, аммо у рўйхушлик бермади. Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳалдунни бувисига қайтарса бўлармикин? Кампир уни боқа олармикин?

Бу ҳақда маслаҳат сўраб, дугонаси Ҳикмат хонимга мактуб ёзди. Ҳикмат хоним ҳам, ўз навбатида, эри билан кенгашди. Кейинги пайтларда Нихат Янълнинг иши анча

юришиб қолган, Мазҳардан сўнг, унинг мавқеи шаҳарда анча оша бошлаганди.

Мазҳарбей Ниҳатнинг энг жонажон дўсти эди. Унинг ёлғизгина зурёди тақдирига бефарқ қарай олмасди. Ростдан ҳам Жола эрга тегса, бечора боланинг қисмати не кечади? У ўйлай-ўйлай қарорини хотинига маълум қилди.

– Болани фарзанд қилиб олсак, нима дейсан?

Аслида бу фикр Ҳикмат хонимнинг миясига сал аввалроқ келган, фақат эрига бу ҳақда очиқ айтишга истиҳола қилганди. Мана, оила қурганларига бир неча йил бўлибди ҳамки, ҳали бирор хушхабар шабадаси эс-маяпти...

Бирок, боланинг бувиси ҳам, онаси ҳам тирик. Расман фарзандликка олиш учун уларнинг розилиги керак бўлади. Адвокат сифатида бундай майда-чуйда ишларни Ниҳат яхши тушунарди.

Хуллас, эр-хотин ўз қарорини Жолага ёзиб юборишди. Хатда баҳор келиши билан Истанбулга бориб, болани ўзлариники қилиб олишларини айтишганди. Бу Жола учун ҳам айни муддао эди. Ўзи кейинги пайтларда муҳандис йигит билан муносабатлари чуқурлашиб, Ҳалдунга унча эътибор ҳам бермай қўйганди.

Мана, ниҳоят, қиш ўтиб, баҳор ҳам келди. Эр-хотин уч ой қолиш ниятида Истанбулга келишди. Кейин ижарага Сиркачидан беш хонали уй топиб, ўша эрга жойлашишди. Улар ўзлари билан антиқа хабарлар ҳам олиб келишганди.

Ризо билан хотини Ножия кампирнинг пулига майхона очишибди. Аммо, кўп ўтмасдан Ножия эрини Ҳожар хоним билан тутиб олибди. Шу тариқа Ножия кампирни қувиб солибди. Ҳозир кампир қаерда, қандай кун кечираётганини билишмасмиш.

Жола кампирга ич-ичидан ачинди.

Ҳалдун бир пайтлар уйларида меҳмон бўлиб турган «кичик хола» – Ҳикмат хонимни эсидан чиқармаганди.

Нихатбей хотини билан Ҳалдунни олиб, уч кун давомида Истанбулни томоша қилдирди. Улар болани ўзлари билан олиб қолишга қатъий қарор қилишганди.

Ҳикмат хоним кечалари болани бағрига босиб, эркалаб ухлатар, анчадан бери бундай меҳрни кўрмаган Ҳалдун унинг иссиқ қучоғида бир пасда ухлаб қоларди.

Кўшни уйларда яшайдиган болалар ҳам Ҳалдун билан тез чиқишиб кетишди. Уларнинг бирортаси худди «кичик тоға»нинг болалари сингари «фоҳишанинг ўғли» деб ҳақорат ҳам қилмади.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жола хоним инженер йигит – Салим билан бирга уларниқига ташриф буюришган эди. Ҳалдун энди уларга эътибор ҳам қилмади.

Нихатбей Ҳалдуннинг онасидан ёзма розилик олиш учун у сақланаётган ҳибсхонага йўл олди. Бошлиқнинг айтишича, Назан ҳам қамокдаги ёмон аёлларга қўшилиб, уларнинг таъсирига тушиб қолган, айниқса, Надима исмли аёлга қўшилиб, ҳатто наркотик моддалар истеъмол қила бошлаганди.

Адвокатлик ваколоти туфайли Нихатга Назан билан кўришиш имконини беришди. Чорак соатдан кейин Назанни олиб чиқишди. Нихат уни бундан бир неча йил илгари Мазҳар билан Сулаймонияда ижарада турган пайтда кўрганди. Ё раб? Наҳотки мана шу, юзларини ажин босган, озиб кетганидан чакка суяклари бўртиб чиққан аёл бир пайтлардаги ўша сумбулсоч, охукўз Назан бўлса?!

– Назан, мени танидингизми? – сўради Нихат унинг ажин босган юзларига тикилиб. – Мен Мазҳарнинг дўсти Нихатман. Бир пайтлар сизларга кўшни турганмиз.

Назаннинг хира тортган кўзлари пирпиради. Илқис олис хотиралар кўз олдида жонланди.

– Мазҳар... ўлмаганмиди? – сўради ниҳоят анча ўйга толиб тургач.

Нихат жим қолди.

– Ўғлим... Ҳалдун тузукми?

– Мен ҳам айнан Ҳалдун масаласида келгандим. Хавотир олманг. Ўғлингиз биз билан. Яқинда мактабга боради. Уни ўз фарзандимиздек катта қилмоқчимиз.

Нихатбей Назанга яна анча нарсаларни гапириб берди. Назан қамалганидан кейин эрининг уйланганини билмасди.

– Сиздан фақат розилик сўраб келдик. Ўғлингиз катта бўлса доктор бўлмоқчи. Насиб этса, унгача сиз ҳам бу ерлардан чиқасиз. Ўз болангизнинг ёнига қайтасиз. Умрингизнинг колганини у билан ўтказасиз. Яхши кунларни кўрасиз.

– Йўк, – деди овози титраб Назан. – Ўғлим мени бу ерда эканимни билмасин. Мен розиман, сизларга ишонман. У ўқиб, катта одам бўлади. Аммо менинг ўтмишим унинг толеига соя солишини истамайман. Мен унинг учун ўлганман. Сиздан ҳам шуни ўтиниб сўрайман. Мени ўлди, деб айтинг унга!

Унинг бу илтижоллари наинки Нихат, ҳатто ҳибсхона бошлигининг ҳам юрагини эза бошлаганди.

– Албатта, сиз айтгандек бўлади, Назан хоним.

Шу ернинг ўзида Назан Нихатбейга ваколатнома ёзиб берди. Бошлиқ ҳам ҳужжатни тасдиқлаб имзо чекди.

Уйга қайтаркан, Назаннинг қиёфаси кўз ўнгидан кетмади, ўтинчали сўзлари қулоғи остида жаранглаб борди.

Ҳикмат хоним эрининг нохуш кайфиятда қайтганини кўриб, юраги шувиллаб кетди. Наҳот Назан розилик бермаган бўлса?

– Нима гап, гапирсангиз-чи? – Ҳикмат хоним сўради эрининг пинжига суқилиб.

Эри кийимини ҳам ечмасдан йиғма каравотга ўзини ташлади.

– Баъзида тақдирнинг ишларига ҳам ҳайрон қоламан, – деди шифтга ўйчан тикилиб. – Бус-бутун бир оила



кўзимизнинг ўнгида парчаланиб кетди-я? Бу не кўргилик бўлди экан.

– Яратганнинг иродаси, – деди Ҳикмат хоним.

Ниҳат жавоб ўрнига оғир хўрсиниб қўйди.

– Ҳалдун қаерда? – сўради бироз жимликдан сўнг.

– Кўчада, болалар билан ўйнапти. Чақирайми?

– Йўқ, майли, қўявер, ўйнайверсин.

... Ёз келгач, Жола муҳандис йигит билан турмуш қуриб, Измир томонларга кўчиб кетди. Ниҳат ҳам оила-си билан ўз она шаҳрига кетди. Ҳалдунни мактабга беришди. Тез орада бола мактаб ҳаётига ҳам кўниқиб олди. Кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Ҳалдун ҳалиям ота-онасини тез-тез тушида кўрар, тер ичида уйғониб кетар, шу чоқ тепасида «кичик холаси» Ҳикмат хоним она-ларча меҳрибонлик билан унинг бошини силаб ўтирган бўларди.

Орадан бир неча ой ўтиб, бу хонадонда яна бир қувончли воқеа рўй берди. «Кичик холаси» йиғлоқи, жимитдеккина чақалоқ олиб келди. Унга Нермин деб исм қўйишибди. «Кичик хола»нинг айтишича, бу қизчани уларга лайлак олиб келибди. Катта бўлса, у Ҳалдуннинг кийимларини ювиб, дазмоллаб, унга ширин-ширин овқатлар пишириб берармиш.

Бир куни Ҳалдун Нерминнинг тепасида ўтириб, унинг кўзларини чирт юмиб, «инга»лашини томоша қилиб ўтираркан, беихтиёр «кичик хола»га қаради:

– Мен катта бўлсам, шу қизчага уйланаманми?

Ҳикмат хоним аввал ҳайрон бўлиб Ҳалдунга, кейин эса эрига қаради. Ниҳат қулимсираб елка қисди. Илгари, улар Мазҳарбейнинг уйида туришганида, Ҳикмат хоним, «агар Худо менга қиз берса, албатта, Ҳалдунни куёв қиламан» деб кўп ҳазиллашарди. Наҳот, вақти келиб, бу ҳазиломуз орзу ҳақиқатга айланса?!

Кунлар кетидан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтиб борарди. Ҳалдун ёшига ёш кўшилгани сари, ҳам қадду қомаги, ҳам ақли заковати камолга тўлиб борарди. У ўз кечмиши ҳақида ҳали етарли тасаввурга эга эмасди. Билгани шуки, унинг отаси Мазҳарбей бир пайтлар довруқли адвокат бўлган, кейинчалик бир «бар қизи»га уйланган, кўп ўтмай автоҳалокатга учраб, вафот этган... Ўзининг тукқан ойиси ҳақида эса на Ҳикмат хоним, на Ниҳатбей ҳеч нарса демасди. Нега, нима учун айнан онаси ҳақида гап кетганда, ҳар иккиси сукутни афзал билишади? Наҳот унинг онаси ҳатто тилга олишга ҳам номуносиб бир аёл бўлса?

У ўз онасини элас-элас эслайди... Юзлари сутга чайилгандек оппоқ, кўзлари доим кулиб тургувчи бу аёлни баъзан тушларида ҳам кўрар, «Ойижон, мени наҳот соғинмадингиз?» дея ўзини унинг кучоғига отмоқчи бўларди. Аммо, онаси худди саробдек эриб йўқоларди...

Ўрта мактабни битиргач, ҳеч кимга чурқ этмасдан, интернатга ҳужжат топширди. У минг қилса-да, Ниҳатбейнинг уйида бегона эканини ҳис этарди. Ахир уларнинг ҳам ўз қизлари бор. Қолаверса, Нермин ҳам улғайиб қолганди. Энди бу хонадонда яшаш унинг ўзига ҳам эриш туюла бошлаганди.

Фақат имтиҳон натижалари эълон қилингангина, бу ҳақда Ниҳатбейга хабар қилди:

– Нега биздан бир оғиз сўрамадинг? – ранжиди Ниҳатбей. – Ахир сенга нима етишмасди? Ўз боламиз билан тенг кўриб келган бўлсак...

– Минг бора кулдук, – деди Ҳалдун миннатдорлик билан. – Сизлардан мингдан-минг розиман. Лекин мен ҳам анча катта бўлиб қолдим. Бундан бу ёғига ўз юкимни ўзим орқалашим керак.

Ўша куни у Ниҳатбей билан ярим кечагача гаплашиб ўтирди. Мархум отаси, бувиси, бувисининг пули эвазига майхона очган кўшни Ризо афанди ва унинг хотини ҳақида ҳам анча суҳбатлашишди. Дарвоқе, Ҳалдун эр-хотинга тегишли бўлган «Моҳтоб» майхонасини яхши биларди. Ўша тарафларга ўтиб қолса, офтобрўяда мудраб ўтирган, эти устихонига ёпишиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган Ризо афандини ҳам кўрарди. Ҳозирда майхонани унинг хотини Ножия хоним юргизарди. Бу аёл ўта шаллақилиги, эркаклар билан худди эркаклардек сўкишиб, талашишини у яхши биларди.

... Ҳалдун интернатни аъло даражали диплом билан битириб қайтган кун Ниҳатбей уйида грипп туфайли оғриб ётар, кизи унинг бошига ҳўл сочикни босиб ўтирарди. Ҳалдунни кўриб, ота-боланинг чехраси ёришиб кетди.

Ҳалдун Ниҳатбейнинг кўлини ўпиб, у билан сўрашди. Нермин кўрсатган курсига оҳиста ўтирди. Суҳбат асносида Ниҳатбей Ҳалдуннинг эндиги режалари ҳақида сўради. Ҳалдуннинг қарори қатъий эди. У шифокор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Тиббиёт факультетига ўқишга кириш мақсади борлигини айтди.

– Хўш, ўғлим, интернатга ўз кучинг билан кириб ўқидинг. Аммо, институт сенга интернат эмас. Унинг ўзига яраша харажатлари бор. Биздан қандай ёрдам керак бўлса, тортинмасдан сўрайвер.

Ҳалдун беихтиёр қизариб кетди. У Ниҳатбейнинг хонадонига ёрдам сўраб келгандек кўринишни истамасди. Ер остидан Нерминга қаради. Қиз ундан кўзларини оҳиста олиб қочди. Эндигина ўн ёшга тўлган қизалоқнинг тўлин юзларида ҳалитдан балоғат нишонлари сезила бошлаганди. Йигит ва қизнинг яширин кўз уриштиргани Ниҳатбейнинг ҳам назаридан четда қолмади.

– Менга шу пайтга қадар кўп яхшиликлар қилдингиз. Ота-онам йўқлигини билдирмадингиз. Сизнинг олдингизда бир умр қарздорман. Лекин сизларни яна овора қилгим йўқ. Ўз кучим билан уришиб кўрмоқчиман.

Сухбат анчагача давом этди.

Кечаси Ниҳатбей аёли билан ёлғиз қолганида, Ҳалдунбайдан сўз очди. Бу хушбичим ақлли йигитчани куёв қилиш фикри йил сайин қатъийлашиб борарди. Ҳар иккисининг фикри яна бир жойдан чиқди. Ҳалдун ўқишни битириб, бир-икки йил ўз соҳасида ишлаб, ўзини ўнглаб олгунга қадар, қизлари ҳам ўн етти-ўн саккизга кириб қоларкан. Хўш, улар Ҳалдундан бошқа муносиб куёвни излаб нима қилишади?

\* \* \*

Ёзда Ниҳатбей хотини ва қизини дам олиш учун Истанбулга жўнатиб, ўзи шаҳарда ёлғиз қолди. Адвокатлик идорасида кундалик ишларига кўмилиб ўтирганида, эски адвокат танишларидан бири кириб келди.

– Ҳа, биродар, оилангизни узоққа жўнатиб, ўзингиз маза қилиб ўтирибсизми? – ҳазиллашди оғайниси. – Э, бу дунёнинг ишлари тугармиди, ўртоқ. Иш-иш деб эртага гўрнинг лабига бориб қолганимизни ҳам сезмаймиз. Юринг, бир шаҳар айланайлик. «Юзта-юзта» қилиб томоқни ҳўллайлик. Иш ҳам бўлади-да!

Ниҳатбей бу ошнаси каби маишатбозлик, кайфу сафога муккасидан кетмаган бўлса-да, анчадан бери кўнгилочар давраларда бўлмагани учун унинг таклифини рад этолмади.

Ўртоғи танлаган жой «Моҳтоб» майхонаси эканини, Ниҳатбей ўша ерга боргач, англади. Ниҳатбей бу майхонанинг тарихидан хабардор эди. Уни Мазҳарнинг қўшниси Ҳожар хонимнинг пуллари ҳисобидан очиб олганини ҳам

яхши биларди. Оёғи тортмаса-да, ўртоғининг таклифини рад этолмади.

Майхона бекаси Ножиё барда турганча мижозларга шароб тарқатарди. Башанг кийинган икки ўртоқнинг кириб келиши билан дарров уларга пешвоз чиқиб, ялтоқланганча, таъзим бажо келтирди.

– Хуш келибсизлар, бейафандилар, қани марҳамат, – кейин хизматчисига юзланди. – Аҳмад, жанобларга алоҳида стол ҳозирла.

Ниҳатбей аёлни зимдан кузатди. Анча ўзини олдириб, озиб кетибди. Юзларини ажин босиб, ковун қокидай бурушиб кетибди. Негадир эри кўринмасди.

– Хўжайнинигиз қани? – атрофга аланглаб сўради Ниҳатбей.

Аёл Ниҳатбейга диққат билан тикилди. Кимгадир ўхшатди, аммо эслаёлмади. Овози жуда таниш эшитиларди.

– Ўтган йили қилтомоқдан қазо қилди, – деди куруққина оҳангда. – Кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз, бейафандим.

Ниҳатбей сирли кулимсиради.

– Мазҳарбейни танийсанми? Адвокат қўшнинг бор эди. Мен унинг дўсти бўламан. Бир пайтлар оз муддат унинг уйида яшаганман.

Аёл уни таниб, негадир ранги ўзгарди. Кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди.

– Танидим, – деди паст овозда худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек. – Улар билан анча пайт қўшни яшаганмиз. Мазҳарбейнинг вафотидан сўнг, иккинчи хотини ҳовлини сотиб, ўғлини ҳам бирга олиб кетганди. Биринчи хотини жуда яхши аёл эди. Нимадир жиноят қилиб қамалиб қолган экан. Кейин шўрликнинг тақдири нима кечдийкин?

Ниҳатбей жавоб бермасликни маъкул кўрди. Нима бўлганда ҳам, Назан бўлажак куёвининг онаси эди, унинг

номига доғ тушишини истамасди. Чиндан ҳам Назаннинг хозир қаерда эканини у билмасди. Ўтган йили ёзда ўша камокхонага борганида, амнистияга мувофиқ озод этилганини айтишганди. У ҳақда билгани фақат шу эди холос.

Гапни бошқа ёққа буриш учун шеригига юзланиб, «нима ичамиз?» деб сўради. Шериги «у биледи» дегандек Ножияга имо қилди.

Ножия коксуяк болдирларини кўз-кўз қилганча, барга қайтди ва бир шиша текиль виноси билан яна уларнинг тепасида пайдо бўлди:

– Мазҳарбейнинг ўғли қаерда хозир? – сўради у Ниҳатбейдан.

– Ўқияпти, шифокор бўлмоқчи, – деди Ниҳатбей ундан тезроқ қутулишга тиришиб.

Ножия «ҳа, мунча яхши, Худо зиёда қилсин» деганча нари кетди.

Ҳалдун Тиббиёт институтини битириб, ҳарбий хизматга кетди. У ердан қайтиб малака оширди ва она шаҳрига қайтди. Бу муддат Нермин учун асрлар сингари чўзилиб кетди. Ҳар икки қалб учун интиҳосиздек туюлган ҳижрон ҳароратини фақат мактубларгина пасайтириб турарди.

Ҳамма нарса Ҳалдун ўйлагандек силлиқ борарди. Малака оширишдан қайтгач, қайнотасининг ёрдами билан бозорга яқин ердан эскироқ бир бинони сотиб олди. Уни таъмирлаб, қайта жиҳозлаб, шифо маскани ҳолига келтирди.

Нермин бир лаҳза бўлсин, қаллиғидан ажралгиси келмас, айрилиққа унинг бошқа тоқати қолмаганди. Улар бу масканни жиҳозлашга ҳам ўзлари бош-кош бўлишди. Улар ҳаётдан мамнун эдилар. Бахтдан сархуш эдилар.

Ниҳоят, мана Ҳалдуннинг қабулхонаси ҳам тайёр ҳолга келди. Ҳалдун ва Нермин шинам, ёруғ хонада суҳбатлашиб ўтиришарди.

– Вой, ўнг қулоғим чинқираяпти, – деди Нермин қутилмаганда эркаланиб.

– Ҳечқиси йўқ, қаричиликда бўп туради, – ҳазиллашди Ҳалдун.

– Ие, боринг-е, чол! Ўнг қулоғим чинқираса, демак мен бирор хушхабар эшитаман.

Ҳалдун индамай кулиб қўя қолди. Чунки, у Нермин сингари ирим-сиримларга умуман ишонмасди. Қулоқ чинқирашининг янгилик эшитишга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини эндигина исботламоққа ҳозирланиб турганида, ташқаридан «почта» деган овоз келди.

Хат айна пайтда Анқарада малака ошираётган Нихатбейдан келганди. У Ҳалдунни ҳукуматнинг юқори-роқ рутбали лавозимларига жойлаштириш борасида ҳаракатларини бошлаб юборганди. Хатда бу борада анчагина муваффақиятларга эришилгани ёзилганди.

– Ана айтмаганмидим, – бидирлади Нермин. – Менинг қулоғим бекорга чинқирмайди. Энди бу янгиликни бирор ерга ўтириб ювишимиз керак. Ёки аввал хатни ойимга олиб бориб кўрсатамизми?

Ҳалдуннинг қабулида ҳозирча беморлар бўлмагани учун севгилисининг таклифини қабул қилди. Эшикка қулф осиб, кўчага чиқишди. Нермин икки қадам юрмасдан умидвор кўз тикиб турган тиланчи кампирни кўриб тўхтади:

– Бечорага бир-икки қуруш бермайсизми? – шивирлади у Ҳалдуннинг қулоғига.

Ҳалдун хиёл ижирганиб, чўнтак ковлади ва қўлига илинган мис чақаларни кампирнинг қўлига тутқазди.

– Тиланчиларни унча ёқтирмайман, – деди у Нермин билан ёнма-ён кетиб бораркан. – Буларнинг бари фирибгар. Ўзларини бечорахол кўрсатишгани билан сену мендан яхшироқ яшашади.

Нермин йигитнинг бироз кайфияти тушганини кўриб, у билан бахслашиб ўтирмади.

\* \* \*

Тиланчи кампир бу шаҳарда яқинда пайдо бўлганди. Унинг ажин босган, кўримсиз, файзсиз, чандикли юзида узоқ йилларнинг алам ва изтироблари ўз нуқсини қолдирганди. Шу пайтгача у қисматнинг не-не жирканч кўчаларига кириб чиқмади. Терисининг заҳил рангидан кампирнинг анчадан бери ичкилик ва гиёҳвандликка берилганини тахмин қилиш мумкин эди.

Ҳали элликка бормаган бўлса-да, унинг кўриниши олтмиш-етмишни уриб қўйган қарияларникидан фарқ қилмасди. Чиндан ҳам у бир пайтлар гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган, бора-бора ўзи ҳам афюн заҳрига ўрганиб қолганди. Ана шу «хислатлар»и сабабли у бир неча бора полиция қўлига тушиб чиқди.

Амнистия тўғрисида қарор чиқмаганида, у ҳалиям турмада ўтирган бўларди. Озодликка чиққач, камоқхонадаги «валинеъмати» Надима билан Тўпхонадан ижарага бир кулба топиб, ўша ерда яшай бошлашди. Икковлашиб яна анча йиллар гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланишди. Қўлга тушиб қолса, қандай баҳона кўрсатишни Надима унга ўргатганди. «Ўзим истеъмол қиламан» деса, олам гулистон. Наридан борса, уч ойда қўйиб юборишади.

Шу тариқа йиллар ўтди. Йиллар мобайнида чекилган дард-аламлар, изтироблар, кексалик юки, хасталиклар ўз ишини кўрсатганди. У яна камоққа тушадиган бўлса, тирик чиқмаслигини биларди.

Бир пайтлар унинг ҳамма ҳавас қиладиган эри, сутга чайилгандек оқ юзли, малласоч, мовийкўз ўғли бор эди. Эри ўлди. Ўғли эса...



У олисдан бўлса-да, ўғлининг дийдорига бир бора тўймагунча, ўлишни истамасди. Агар яна бир бор қўлга тушиб қолгудек бўлса, қамоқхонанинг зах, қоронғи бурчакларида ўғлининг юзини кўролмасдан армонда ўтиб кетишини ўйлаб, оғуфурушлиқдан воз кечмоқчи бўлди. Илк бора ўз валинеъматининг юзига тик боқиб, унга итоатсизлик қилди. «Нима қилсанг қил, энди мени тинч қўй» дея бир халтача афюнни Надиманинг юзига ирғитди. Жавоб ҳаялламади. Эркаксифат Надима ҳар доим белига осиб юрадиган пичоқ билан унга ҳамла қилди. Пичоқ унинг юзини тилиб ўтди. Юзидаги чандиқ ўшандан қолганди.

Шундан сўнг унинг саргардонлиқдаги ҳаёти бошланди. Истанбулнинг серғавғо, серғалва кўчаларини беармон изғиди. Ва кунларнинг бирида ўзини шу шаҳарда, ҳаётининг энг бахтиёр, энг мунаввар онлари кечган кадрдон шаҳарда кўрди. Аммо бу шаҳар энди унга бегоналашганди.

Эри ўлганини биларди. Аммо ўғли ҳали тирик. Эрининг кадрдон дўсти кўп йиллар уни фарзанд қилиб олган, аёлнинг ёзма розилигини ҳам олиб кетганди. Ҳозир ўғли алпқомат йигит бўлгандир? Уни топиб, бағрига босса, тўйиб-тўйиб хидласа, сарғиш сочларидан, мовий кўзларидан ўпса...

Йўқ, асло! Ўғлининг қалби парчаланишини истамайди. Майли, ўғли шундай афтодаҳол онаси борлигини билмагани маъқул. Узоқдан бирровгина бўлса-да кўрса, ўғли эканига ишонч ҳосил қилса бас.

Шаҳарнинг бир четидан хароба кулбани ижарага олди. Аслида бу ер ташландиқ отхона эди, гўнг ҳидидан нафас олиб бўлмас, ҳамма ёқни чивин босиб кетган, айниқса кечалари бу ерда тунаб қолишнинг ўзи азоб эди. Тишининг ковагида асраб юрган пулларига битта адёл ва фонус сотиб олди.

Бир пайтлари эри, оиласи билан яшаган уйни қидириб топди. Уйни қайта таъмирлашибди, янада ҳашаматли кўриниш касб этибди. Ноҳиялар ҳам кўчиб кетишган кўринади. Уларнинг уйи ўрнида кўпқаватли уйлар қад ростлабди.

Кеч тушиб қолгач, бошпанасига қайтишга қарор қилди. Акс ҳолда қоровул ҳайдаб юбориши мумкин.

Кулбасига қайтаркан, беихтиёр ток ургандек қалқиб кетди. Йўқ, унинг эътиборини узун бўйли, кўҳликкина қиз эмас, ёнида кетаётган йигит тортди. Бўлиши мумкин эмас. Ахир Мазҳар бир неча йил аввал ўлиб кетган-ку? Унда бу ким бўлди? Наҳотки Ҳалдун?!..

Ҳа, сочлари ҳам, кўзлари ҳам, юзлари худди ўзи. Мана унинг ўғли! Алпқомат, келишган, хушбичим... Назан ўзини дарҳол қўлга олди. Беихтиёр уларнинг ортидан эргашди. Йигит билан қиз бир қаватли, яқинда таъмирланган шифо маскани биносига кириб кетишди. Назан яқин орадаги тош устига беҳол чўқди. Ич-ичидан Яратганга шукроналар айтди.

Бу қиз ким бўлди? Ҳалдун уйландимикин? Балки энди уйланмоқчидир? Бир-бирига бунчалар муносиб бўлишмаса? Бу бино ўғлининг ишхонаси бўлса керак. Демак, Ҳалдун отаси орзу қилганидек шифокор бўпти-да!

Назан узоқ йиллардан бери туймаган бир нафасни – бахт нафасини туйгандек бўлди. Ўғли тирик экан. Ўсиб катта одам бўлибди. Ўзига муносиб қиз ҳам топибди. Илоҳим қўша қаришсин! Бўлди, Назаннинг армони қолмади бу оламда. Ўғлини бир бора олисдан бўлса-да кўришни Яратгандан ўтиниб сўрагани. Мана, сўрагани ижобат бўлди. Энди бемалол оёқ узатиб, омонатини эгасига топширса ҳам бўлаверади.

Ўтган-қайтганлар кампирнинг ховучига танга ташлаб кета бошлашди. Тиланчилик анчадан бери унинг учун орият саналмай кўйгани. Ҳарқалай, инсонларнинг умрини,

хаётини захарлайдиган оғу сотиб тирикчилик қилишдан тиланчилик афзалроқ эмасми? Бир пасда ховучи танга-чақаларга тўлди. Мана, ўғли бояги киз билан бирга чикиб келишди. Қиз кампирни кўриб, ўғлига нимадир деб пичирлади. Ҳалдун чўнтагидан танга чиқариб... онасига узатди. Она ўз ўғлидан садақа олди.

Мана, улар охиста қадамлар билан кампирдан узоқлашдилар. Яхшиям ўғли уни таниб колмади. Қаердан ҳам танисин? Ахир бу бадбашара кампир унинг онаси экани бечоранинг етти ухлаб тушига ҳам кирмагандир? Ҳа, кирмайди ҳам. Назан орзусига етди. Энди армони йўқ.

Сўнг тангаларни чўнтагига солиб, майхона тарафга йўл олди. Сўнгги пайтларда афюн сотиб олишга қурби етмай қолганидан майхўрликка ўтганди. Ҳарқалай, афюннинг ўрнини босмаса-да, баданида турган хумор титроғини озгина камайтиради.

«Моҳтоб» майхонасининг бармени уч-тўрт кундан бери доимий мижозлар сафидан ўрин олган бу кампирни таниб, у узатган чақаларни санаб кўрди ва бир шиша арзон шаробни узатди.

Ножиа бир шиша шаробни бағрига босганча майхонадан чикиб бораётган кампирга негадир диққат билан тикилиб қолди. Кейинги пайтларда унга нима бўляпти ўзи? Ҳамма одам кўзига аллақандай таниш кўринади. Бу кампир ким бўлди яна? Йўқ, кимгадир ўхшатган бўлиши мумкин. Лекин танишлари ичида бундай кўримсиз, бадбашара кампир йўқ эди-ку?

Ножиа орқа тарафдаги хос хонасига ўтиб, ёғоч каравотига узанди. Негадир кампирнинг мунгли, мутеъ киёфаси унинг кўз олдидан кетмасди. Нега эслаёлмаяпти? Хотира-си шу қадар заифмиди?

Шу пайт бармен йигит Аҳмад кириб келгач, хаёли бўлинди.

– Бояги кампир ким эди? – сўради ундан.

– Яқинда пайдо бўлиб қолган. Шу атрофлардан тиланчилик қилади. Топган пулига бир шиша шароб опкетади.

– Эртага яна келса, бир сўроққа тутиб кўр-чи? Ким ўзи у? Бу ерларда нима қилади? Қаердан келиб қолган! Менга жуда таниш туюляпти.

Аҳмад маъқул дегандек бош ирғаб чиқиб кетди. Ножия эса, майхонасининг тўкилиб тушай деб турган деворларига хаёлчан термилди. Анчадан бери майхонани таъмирлатишни мўлжаллаб турибди. Аммо, негадир фойданинг чўғи пастрок. Яна хаёли бошқа тарафларга чалғиб кетди.

Тиланчи хотин эртаси куни яна келди. Бу гал барда Ножиянинг ўзи турарди. Кампир унга бир ҳовуч чақа узатиб, шароб сўради. Ножия шишани узатаркан, кампирнинг нурсиз, ич-ичига ботган кўзларига диққат билан боқди. Шу пайт кампир нимадандир сескангандек ўзини орқага олди.

– Исминг нима? – сўради Ножия ундан кўз узмай.

– Исминни нима қиласан? – сўради Назан ундан кўзларини олиб қочаркан. Кейин кўринишига мос келмаган шитоб билан майхонани тарк этди.

Ножия қотиб қолганди. Ҳа, бу кампир унга бегона эмас. Бу кўзларни у кўп кўрган. Лекин қачон? Қаерда? Умри давомида у ким-кимларни учратмади... Кампир ҳам уни таниди. Таниди-ю, ўзини олиб қочишга уринди. Нимага? У нимадан кўрқди? Нега кўрқди. Бўлди, ахир бу... Ахир бу бир неча йил муқаддам девор-даримийён қўшни бўлиб яшаган Назан эмасми? Худди ўзи! Ҳа, мана вақт нималарга кодир! Ўшандай шахло кўзли, ёқимтой Назанни кекса алвастига айлантирибди.

– Аҳмад, – буюрди Ножия. – Тез бўл, ортидан. Қаерда яшашини менга билиб кел, тушундингми?

Аҳмад нимадир дейишга оғиз жуфтлаганди, Ножия имкон бермади.

– Югур, дедим сенга, ҳозир кетиб қолади.

Аҳмад ғудранганча кампирнинг изига тушди. Орадан ярим соатдан зиёдроқ вақт ўтиб, қайтиб келди.

– Кадиқўйдаги ташландиқ бир отхонада тураркан, – деди бекасининг мантиқсиз амрини бажарганидан мамнун эмаслигини ошкора сездириб.

– Жуда яхши, эртага бозорга вақтлироқ чиқамиз. Мени ўша жойга олиб борасан, уқдингми?

Аҳмад бекасига бақрайганча қолди. У чамаси бу бенаво кампир нима сабабдан Ножияни қаттиқ қизиқтириб қолганидан хайрон эди.

Улар ҳар куни биргаликда бозорга чиқиб, майхона учун зарур масаллиқларни харид қилишарди. Бугун ярим соат эртароқ чиқишди. Тиланчи кампир турган маҳаллага етиб келишди. Ножиянинг кўнгли аввалдан ниманидир сезиб юрган бўлса-да, Назаннинг бунчалик хароб аҳволга тушишини тасаввур ҳам қилмаганди.

Тиланчи кампир турган молхона олдига етишгач, Ножия ёрдамчисига пул тутқазиб, бир ўзи бозорлик қилиб қайтишини уқтирди. Аҳмад ҳам унинг амрига бош эгиб, ортига қайтди.

Ножия эшикка яқинлашди. Бироз иккиланиб турди, эшикни чертмоқчи бўлганида, кимнингдир шарпасини сезиб, ўзини чеккага олди. Семиз бир киши йўтала-йўтала унинг ёнидан ўтиб келди. Негадир ичкарига киришга юраги дов бермади. Балки кутгани маъқулдир...

Муюлишда биқинганича, пойлай бошлади. Кампир узок куттирмади. Унинг ёнидан оғир қадамлар билан ўтиб кетди. Ножия унинг изидан тушди. Катта бозор рўпарасидаги янги шифо маскани олдидаги майдончада тўхтади. Ножия ҳам бинонинг эшиги, ҳам Назаннинг ўзи бемалол кўриниб турадиган торқўчага кириб пойлай бошлади. Ҳа, бу Назаннинг ўзи! Бошқа биров бўлиши мумкин эмас.

Модомики, бу Назан экан, у нима қилишни яхши билади. Демак, у обрўли бир шифокорнинг онаси. Агар Назан шу холида ўғлига кўринишдан уялиб юрган бўлса, Ножианинг ўзи бориб, ўғлидан суюнчи олади. Албатта, бундай онанинг борлиги ҳар қандай обрў-эътиборли ўғил учун иснод. Бориб ўғлига онасини таништириб қўяди. Агар оғзини каттароқ пул билан ёпишса, хўп-хўп. Акс ҳолда машҳур шифокорни шаҳарда шармандасини чиқаради. Ҳозир ўзи пулга зориқиб турибди. Майхонани таъмирдан чиқариши керак.

Ярим соатлардан сўнг, шифохонага қайлиғи билан келган Ҳалдунни бир кўришда таниди. Ёнидаги қизни ҳам яхши танийди. Ахир у адвокат Ниҳатбейнинг эркатои кизи-ку! Анча илгари адвокатнинг ўзи ҳам бир таниши билан майхонага келган, аммо негадир унча очилиб гаплашмаганди. Бир марта иш билан унинг қабулига борганида ҳам Ниҳатбей Ножиани совуқ қаршилаган.

Беихтиёр диққатини шифохона эшигига қаратди. Ҳалдун тиланчи аёл билан нималарнидир гаплашиб турарди. Кейин аёл йигитнинг ортидан бинога кириб кетди. «Наҳотки, улар аллақачон топишиб олишган бўлса» деган ўй кечди Ножианинг миясидан. Йўқ, унақада Ҳалдун Назанни бу аҳволда, кўчага ташлаб қўймасди.

– Тиланчилик қилишга уялмайсизми? Тиланиб яшайдан кўра, очдан ўлган маъқул, хола, – деди Ҳалдун алланечук ижирғаниш билан. – Анави супургини олиб, хоналарни тозалаб чиқасиз. Ҳақингизни бераман.

Назан супургини олди-да, аввал йўлақларга сув сепиб, супуришга тушди. Ҳалдун эса Нермин билан тўйлари ҳақида гаплаша бошлашди. Назан кабинетни супуриб чиққач, Ҳалдун чўнтагини ковлади. Бир неча тангани тиланчи аёлга узатди.

– Аллоҳ рози бўлсин, болам! Тупроқ олсанг, олтин бўлсин! Илоҳим...

– Керакмас, дуо қилиб ўтирманг, – деди Ҳалдуннинг энсаси қотиб. – Ҳар куни эрталаб келиб, шифохонанинг атрофини ва ичкарисини супуриб чиқасиз. Меҳнат ҳақингизни бераман. Дуо эса, шарт эмас.

Назан кўчага чиқиб, қиз ва йигит то бинодан чиқиб кетгунча, кутиб ўтирди. Мана, ниҳоят иккови ҳам олдинмакейин кўчага чиқишди. Назан уларнинг ортидан кўзлари ёшга тўлиб, кузатиб қолди.

– Сен, Назан хонимсан! Топдимми?

Сесканиб ортига бурилди. Қаршисида майхона соҳибасини кўриб, ранги ўчди.

– Йўқ, хоним, адашдингиз, – деганча ортига бурилиб қоча бошлади. Ножия ҳар қанча уринмасин, унинг ортидан ета олмади. Оёқлари кўп юргани учунми, зирқираб турарди. «Майли, кетаверсин, – ўйлади Ножия. – Турадиган жойини биламан-ку! Бориб, ўзим яхшилаб гаплашиб кўяман».

\* \* \*

Кун бўйи кулбасига қамалганча, шароб ичди. Хирагина фонус нурига беланган хона назарида чирпирак бўлиб, боши узра айлана бошлади.

Ножия уни таниб қолгани чатоқ бўлди. Агар бориб, унинг кимлигини Ҳалдунга айтса нима бўлади? Бундан кўра, Истанбулда сарсон-саргардон юргани, полициянинг қўлига тушиб, қамокда ўлиб кетгани яхшимасмиди? Нега ўғлининг ишхонаси олдига танда қўйиб олди? Ёлғиз жиғарпорасини эл ичида шармандаи шармисор қилиш учунми?

Ўғли берган пулга бир парча нон, пиёз, қора зайтун, пишлоқ ва пўстирма сотиб олганди. Дастурхонни четга суриб, яна идишни шаробга тўлдирди. Аммо негадир ичгиси келмади.

Нима бўлганда ҳам, энди бу ердан кетиши керак. Узоқ-узоқларга кетади. Ўғлининг ҳаётига кўланкаси етмайдиган жойларга бош олиб кетади. Шу қарор унга маъқул тушди ва бир кўтаришда идишни бўшатди.

Бир зум кўзларини юмганча, ўғлининг малларанг сочлари, маъноли кўзлари, адл қомати, отасиникидек чиройли юзларини кўз олдига келтирди. Худди отасининг ўзи бўлибди. Хушбичим, келишган, гавдали...

«Илоҳим, тангрим иқболингни берсин» дея пичирлади Назан. Кетса, Ножия ҳам уни топа олмайди. Ўғлига бориб айтгани билан унга ишонмайди. Назанни эса қидириб, топа олишмайди. Кейин ўз-ўзидан бу гап-сўзлар ҳам тибиб кетади.

Дафъатан эшик чертилди. Сапчиб ўрнидан турди. Ким бўлди экан? Қалтироқ кўллари билан бориб эшикни очди. Фонуснинг хира шуъласи Ножиянинг этсиз юзини ёритди.

– Сизга ким керак? – сўради овози титраб.

– Сен кераксан, – деди Ножия илтифотсиз ичкари кираркан. – Қара, сенга бир шиша асл шароб келтирдим. Сен билан гаплашиб олишимиз керак.

Ножия эски отхонани кўздан кечириб, бурнига урилган нохуш хидлардан бурнини жийирди. Кейин Назанга бошдан-оёқ тикилиб чиқди. Илкис унинг қўлидаги ўша, олмос кўзли узукни кўрди. Ҳалиям турган экан-да! Қизиқ шунча сарсон-саргардонликда, хору зорликда ҳам бу узук ёнида экан-да! Нега ҳеч ким ўғирлаб ё тортиб олмадийкин? Шу пайтгача Назаннинг ўзи ҳам узукни сотиб юбормабди-да!

– Назан, ўзингча мени чув туширмоқчимидинг? Сени жуда яхши таниб турибман. Ҳолатингдан уялдингми? Начора! Буни ҳаёт дейдилар. Одам эртага нима бўлиши ҳеч қачон билолмайди.



Яна кўзлари тиланчининг бармоғидаги узукка қадалди. Бу узукни ҳозир қанчага олишаркин? Жуда қиммат туриши аниқ.

– Демак, буни ҳали сотмадинг?

Назан индамади. Балки уни эсини йўқотгунча ичириб, кўлидаги узукни ечиб кетгани маъкулдир? Бўш стаканни олиб, ўзи келтирган шароб билан тўлдирди ва Назанга узатди.

– Истамайман, – деди Назан юзини терс буриб.

– Буни сенга олиб келдим. Нега ичмайсан?

– Илтмос, мени кўрганингизни ҳеч кимга айта кўрманг, – деди Назан ёлворгудек бўлиб.

– Нега? Агар сенинг ўрнингда бўлганимда, шундай арслонкелбат ўғлимнинг ёнига бориб, ўзимни таништи-  
рар, бунақа отхоналарда тунаб юрмасдим.

Назаннинг кўзларида ваҳшиёна бир учқун чақнади.

– Йўқ, – деди қатъият билан. – Ўғлим мен ҳақимда ҳеч нарса билмаслигини истайман. Бунга ҳаққим йўқ. Истамайман.

– Мен истайман, – деди Ножия маккорона тиржа-  
йиб. – Назан хоним, сен билан келишсак, яхшигина пул ишлаб оламиз. Ўғлинг шифокор, уйланаётган қизнинг отаси эса, жуда бадавлат одам. Биз эса камбағалмиз. Ишларим юришмай турибди. Шунинг учун менга ҳам, сенга ҳам пул керак. Уларда пул текилиб ётибди.

– Йўқ, мен бундай қилолмайман. Ўғлим мени билмаслигини истайман. Мен унинг учун ўлганман. Шундай экан, унинг ҳаётини заҳарлашга ҳаққим йўқ.

– Менга пул керак.

– Бу сенинг ишинг, – деди Назан. – Менга, ўғлимга бунинг алоқаси йўқ.

– Назан, мен бошлаган ишимни охирига етказмагунча қўймайман, – деди Ножия ҳам бўш келмай. – Сен рози бўлсанг-бўлмасанг, мен ҳаммасини бориб, ўғлингга ай-

таман. Албатта, у сендек абгор, тиланчи, жинойтчи онаси борлигини одамлар билиб қолишидан ор қилади. Яқинда ўша қизга уйланади. У ҳам, қайнотаси ҳам одамлар орасида бош кўтаролмай қолишдан кўрқишади. Менга эса, пул керак. Катта пул. Бунақа қулай фурсат бошқа ҳеч қачон келмаслиги мумкин.

Назан бир муддат бошини қуйи солганча, жим қолди. Кейин Ножияга тик қараб, хитоб қилди.

– Йўк, ўғлимнинг номини булғашингни истамайман. Эшитдингми? Истамайман.

Ножия унинг юзидаги вазоҳатни кўриб, кўрқиб кетди. Ортига тисарилди. Назан Ножиянинг кўзларига тик қаради:

– Ўғлимни шарманда қилишингга йўл қўймайман.

– Агар мен истаган нарсани берсанг, у шарманда бўлмайди.

– Истаган нарсангни ҳам ололмайсан.

Иккови ҳам юзма-юз келиб қолди. Ножия кампирнинг оғзидан анқиётган нохуш хиддан кўнгли озгудек бўлди. Ўзини четга олмоқчи эди, аммо Назан унинг билагига маҳкам ёпишди. Ножия унинг кўлидан юлқиниб чиқиш учун уриниб кўрди. Жон ҳалпида кўкрагидан итарди. Бақириб, ёрдам сўрамоқчи бўлди. Назан эса, унинг бўғзига чанг солди. Бир зумда йикитиб, тагига босиб олди.

– Боламни шарманда қилишни мен сенга кўрсатаман ҳозир!

Ножия унинг тагидан чиқишга қанча уринмасин, Назан чангалини тобора қаттиқроқ сиқа бошлади. Олишув узоқ давом этди. Назаннинг бармоқлари аёлнинг бўғзига тобора чуқурроқ ботар, қаршилиқ ҳам шунга қараб камая борарди. У ўзини тамомила йўқотиб қўйганди. Юзларидан дув-дув тер қуйила бошлади. Ножия эса, қирғоққа чиқиб қолган балиқдек бир муддат типирчилаб, охири жимиб қолди.

Шундагина хушига келган Назан қилиб қўйган ишининг моҳиятини англаб, қўрқиб кетди. Ножия ўлган эди. Энди нима бўлади? Полиция келиб қолса-чи? Яна суд, яна қамоқ. Энг ёмони, бу иш бутун шаҳарга ёйилади. Ўғлининг ҳам номига доғ тушади. Демак, вақтни ўтказмасдан қочиш керак. Бошқа йўл йўқ.

Ҳеч нарсани мулоҳаза қилиб ўтирмай ташқарига отилди. Ўлган-тирилганига қарамай, югура бошлади. Аъзои бадани тер ичида қолганида, ўзини кучли шамол эсиб турган денгиз қирғоғида кўрди. Ваҳший тўлқинлар уввос солганча яланғоч қояларга келиб бош урар ва ортга чекинарди.

Кутилмаганда денгизнинг шовқинига итларнинг акиллаши ҳам қўшилди. Итдан кўрқарди. Дарҳол яқин орадаги харсангларнинг бирига тирмашди. Ундан иккинчисига, учинчисига ҳатлади. Яланг тошларга келиб урилаётган тўлқинлар минглаб зарраларга айланганча сочилиб кетарди.

Шу пайтда ортдан эсган кучли шамолдан олдинга бир мункиб кетди ва ўзини қудратли тўлқинлар кучоғида кўрди. Тўлқинларнинг ва шамолнинг ваҳшиёна овози сархуш аёлнинг чинқириғини-да ютиб кетди.

Бўрон эрталабгача тинмади...

– Жаноб комиссар, узугини ечиб олсак бўладими? – сўради жасад ёнида фонарь тутиб турган йигит.

– Бу ёққа ўтиб тур, – жеркиб берди комиссар. Балиқчи йигит ўзини четга олди. – Аввал прокурор билан доктор келиши керак. Улар кўрмасдан туриб, ҳеч нарсага тегишга ҳаққимиз йўқ.

Кўп ўтмай прокурор ва докторни олиб келиш учун кетган машинанинг чироклари қоронғилик бағрини тилиб келди. Комиссар уларни кутиб олиш учун йўл тарафга қараб юрди.

– Нима бўлди ўзи? – сўради машинадан виқор билан тушиб келган прокурор ва жавобни унча кутиб ҳам ўтирмай, жасад ётган тарафга одимлади. Жасаднинг тирналган юзларига, очик қолган кўзларига, оқ оралаган парижон сочларига, чап юзидаги жароҳат чандиғига синчиклаб қаради.

Ҳалдунни ҳам шу иш бўйича чақиришганди. У жасадга энгашиб қараркан, кечагина шифохонасини супуриб-сидириб кетган тиланчи аёлни дарҳол таниди.

– Ё алҳазар, – деб хитоб қилганини ўзи ҳам сезмай қолди. – Мен бу аёлни танирдим.

– Қаердан танийсиз? – сўради прокурор.

– Менинг ишхонам яқинида тиланиб ўтирарди, – деди Ҳалдун фонар ёруғида жасаднинг юзига яхшилаб қараркан, афсус билан бош чайқаб. – Жуда хокисор, мўмин-қобил аёл эди. Менимча, ўз жонига қасддан кўра кўпроқ, қотиллик юз берганга ўхшайди. Лекин кўлидаги узук...

Прокурор ҳам жасад устига эгилиб, унинг бармоқларидаги узукка кўз ташлади.

– Бу қанақаси? – елка қисиб, докторга юзланди прокурор. – Бир тиланчининг кўлида олмос кўзли узук? – Кейин эса, полиция зобитларига ўгирилди. – Узукни эҳтиёткорлик билан чиқариб олинглар.

Бармоқ шишиб кетгани учун ундан узукни чиқариб олиш анча нокулайликлар келтириб чиқарган эди.

Негадир Ҳалдуннинг ранги қув ўчиб кетган, гапиришга ҳам ҳоли қолмаганди.

– Нима, илгари одам жасадини кўрмаганмисиз? – сўради прокурор ажабланиб. – Ҳа, айтганча яхши танирдим, дедингиз а? Таниш одамларнинг ўлими одамни шошириб қўяди.

Ниҳоят, амаллаб узукни чиқаришди. Ҳалдун полициячилар авайлаб, қўлма-қўл томоша қилаётган узукка тики-

либ қолди. Қизик, жасаднинг юзи ҳам, узук ҳам унга нималарнидир эслатгандек бўляпти. Юрагининг аллақеридан кадрдон, аммо исмсиз туйғулар уйғонмоқда. У эслади: бундай узукни у кўрган. Аммо қаерда? Қизил, бахмал қопламали қутича ичида эмасмикин?

Нихоят, полициячилар узукни прокурорга узатишди. Ҳалдун ҳам узукни яқиндан томоша қилишга тушди. Фонарнинг сарғиш ёғдусида аллақандай исмлар бўртиб ёзилганди. Исмларнинг бири ўча бошлаган, Ҳалдун ва Назан исмларини эса, бемалол ўқиса бўларди.

Ҳалдун боши айлана бошлаганини ҳис этди. Прокурорнинг шубҳасини уйғотмаслик учун, зўрма-зўраки илжайишга ҳаракат қилди:

– Узр, сал кўнглим айнияпти, – деди ўзини бироз четга оларкан. – Жасадни ўликхонага олиб борайлик. Ўша ерда текшириб кўрамиз.

Прокурор ҳам керакли топшириқларни бериб, Ҳалдун билан изма-из машинага қайтди. Ҳалдуннинг эса, ҳолатини тасаввур этиб бўлмасди. Демак, тиланчи қиёфасидаги бу аёл... Нега ўзини танитмади унда? Ўғлидан уялгани учунми? Хўш, унда нега ўз жонига қасд қилди экан? Ё кимдир уни ўлдирганми ростдан ҳам?

– Учинчи исм ҳам маълум бўлди, – деди Прокурор ниманидир топганидан шодланганини билдириб. – Мазҳар деб ёзилган экан.

Ҳалдун истар-истамас яна прокурорнинг кўлидаги узукка термилди. Чин, ҳарфлар қорайиб кетган бўлса-да, отасининг исмини бемалол ўқиса бўларди.

– Нима бўлди сизга? Нега рангингиз бунча оқариб кетди? – сўради прокурорнинг хайрати тагин-да ортиб. – Жасадни кўришингиз билан ранги-рўйингиз ўзгарди-қолди.

Ҳалдун бошқа чидаб туrolмади. Прокурорнинг кўлидан олган узукни кўзларига босиб, хўнграб юборди. Про-

курор шифокор йигитнинг бу ҳаракатини ўзича тушуниб, индамади. Ҳалдун эса, бу сирни яшира олмасди. Яширгани билан, аёлнинг шахси аниқланганида, ҳаммаси маълум бўлади. Қолаверса...

– У... у менинг онам эди, – деди ўзини базур йигидан тўхтатиб. Кейин эса, кўз олди қоронғилашиб, аллақандай тубсизликка тушиб бораётгандек ҳис қилди ўзини. Қулоғи остидан прокурорнинг ҳайдовчига қарата «тез машинани шифохонага қараб ҳайда» деб буюргани эшитилди.

\* \* \*

Кўзини очиб, кўргани палатанинг ҳаворанг шифти бўлди. Бурнига касалхонанинг таниш ҳиди урилди. Қаллиғи, унинг ота-онаси, нотаниш ҳақим унинг боши устида парвона эдилар.

Шундан сўнг яна бояги мудҳиш сахна кўз ўнгидан жонланди. Ҳа, денгиздан топилган жасад онасиники эди. Бир-икки кун аввал ишхонаси олдига бориб, тиланчилик қилган, кабинетини супуриб ўғлининг қўлидан арзимас бахшиш олиб ортига қайтган, кейин номаълум сабабларга кўра денгизга ғарқ бўлган аёл ўз онаси эди.

Яна кўзлари ёшланди. Ўпкаси тўлди.

– Тузукмисан, болам? – сўради Нихатбей. Ҳалдун оғир хўрсинди.

– Шукур, тузукман, – деди инграниб. – фақат...

Болаларча маъсум нигоҳ билан атрофига кўз ташлади. Ҳаммани бирма-бир кўздан кечириб чиқди. «Қулт» этиб ютинди. Ниманидир сўрашга ботина олмаётган боладек истиҳолада эди.

– Ҳалиги... аёл...

– Биламан, болам, – деди ниҳоят Нихатбей. – Ҳаммасини эшитдим.

Адвокат ўликни моргда кўриб, дарҳол таниганди. Унинг тирик пайтида охирги марта Истанбулда, қамоқ-

хонада ваколатнома ёздириб олаётганида кўрганди. Ўтган вақт ичида аёл анча қариб, чўкиб қолган, аммо барибир адвокат уни осонгина таниб олганди.

Нермин йигитнинг бош тарафида бир нуктага тикилибгина ўтирар, у ҳам икки кун аввал Ҳалдуннинг ишхонасини супуриб-сидириб кетган кампирни эслаётганди.

– Менимча, у ўз жонига қасд қилмаган, тўғрими? – сўради Ҳалдун.

– Юзидаги тирноқ изларига қараганда, ким биландир қаттиқ олишган. Яна ким билади, дейсан...

– Прокурор нима деяпти?

– Прокурорни шошилишча чақириб қолишди. Яна бир майхоначи аёлни ҳам бўғиб ўлдиришибди.

– Қаерда? – сўради Ҳалдун хиёл ажабланиб.

– Чекка маҳаллаларнинг бирида, – деди Ниҳатбей бош чайқаб.

\* \* \*

Ножианинг жасади эски отхонанинг ўртасида ётар, чироқ нурлари туйнукдан сирғалиб кириб, аёлнинг даҳшатдан қотиб қолган юзларини ёритарди.

Эшик олдида миршаблар туришар, кулбанинг атрофида оломон тўпланганди. Ниҳоят, терговчи, прокурор ва доктор кириб келишди. Доктор, ҳар эҳтимолга қарши, жасаднинг билагини ушлаб кўрди.

– Бу ерда денгизда чўкиб кетган тиланчи хотин яшаган. Майхоначи аёл унинг уйида нима қилиб юрибди экан? Қизиқ, бу икки ўлимни нима бир-бирига боғлаб турибди экан?

– Ҳарқалай, кўшнилари сўроққа тутиб кўриш керак, – деди прокурор.

Кейин учовлашиб кулбадан чиқишди. Уларнинг атрофини одамлар ўраб олди. Шуларнинг бири отхонанинг эгаси Ҳасан исмли шахс эди. У ҳам ўзига қарашли отхо-

нада майхоначи аёлнинг жасади топилганидан ҳаяжонда эди. Чунки энди уни ҳам сўроққа тортишлари аниқ. Ҳаммаси хотинини деб бўлди. Бу кулбани бир тиланчига арзимас чақа эвазига ижарага берган ҳам унинг хотини эди.

– Сен шу отхонанинг хўжайинимисан? – сўради терговчи унга юзланиб.

– Шундоқ, бейафандим.

– Кимни ижарага қўйгандинг?

– Мен эмас, афандим, ҳаммаси хотинимни деб бўлди. – У ҳаммасини ипидан игнасигача айтиб берди ва қўшиб қўйди. – Ишонмасангиз, ана, Жаннат опамдан ҳам сўраб кўринг.

Сўроқ анча давом этди. Ҳасан илло-билло, тиланчи хотинни ҳам, майхоначини ҳам бу ерда кўрмаганини таъкидлади.

– Хўш, ораларингда майхоначи аёлнинг яқин атрофда юрганини кўрганлар борми? – дея атрофдаги одамларга юзланди терговчи.

– Мен кўрдим, – деди бир қария одамлардан бир қадам олдинга чиқиб.

Ҳамма у тарафга қаради. Етмишдан ошган бу чолнинг асл исми Сулаймон бўлиб, ҳамма уни «йўтал амаки» деб чақирарди.

– Хўш, гапиринг, нима кўрдингиз? – сўради терговчи.

– Эрталаб маҳалламиздаги Шабан қахвачининг қахвасидан бир хўплам ичиб келиш учун чиққандим. Йўлнинг нариги четида майхоначи хотинни кўриб қолдим. У аввалига менга эътибор ҳам бермади. Кейин ўзини девор панасига олди. Аввалига бу аёл бу ерларда нима қилиб юрибди экан, деб ўйладим. Лекин сўрашга тилим бормади. Кейин қахвахонага келиб, Ҳасанни кута бошладим, – чол эски отхонанинг эгасига имо қилди. – Лекин у ҳадеганда келавермади.



– Ҳа, мен дўконга ун олгани кетувдим, – ўзини оқлашга тиришди Ҳасан.

– Тўғри, унга кетган экан – чол ҳикоясини давом эттирди. – Эртаси куни Ҳасан қаҳвахонага келганида, «шу отхонангни анави тиланчига бериб яхши қилмадинг, бир балоси борга ўхшаяпти, эҳтиёт бўлгин» дедим.

– Унақа деганингиз йўқ-ку, Сулаймон ота, тўғрисини айтинг, – ҳовлиқди Ҳасан.

– Сиртимда айтмаган бўлсам, ичимда айтгандирман, – тутақиб кетди чол. – Ичимга кириб чиқмагандирсан?

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Нега куласизлар, – деди чол йўталиб, – майли, балки айтмагандирман, лекин менинг бунақа кулбам бўлганда ҳам, бир тиланчига ижарага бермаган бўлардим.

Чол бошини қашлаб нари кетди. Тергов гуруҳи бир четга ўтиб, ўзларича машварат қила бошлашди.

– Қидирувни бошлаш керак, – деди прокурор. – Менимча, бу ишда учинчи одамнинг ҳам қўли борга ўхшайди. Майхонани текшириб, аёлнинг ёрдамчисини сўроқ қилиш керак.

Майхонанинг эшиги очик турарди. Ичкарида ҳеч зоғ кўринмасди. Майхона кечаси мижозлар кетганидан сўнг очиклигича қолиб кетганди. Столлар йиғиштирилмаган, бўшаган шишалар, ювилмаган идишлар, шароб юки кетмаган қадаҳлар тартибсиз сочилиб ётарди.

Тезкор гуруҳ ходимлари орқа тарафда кичик бир эшикчани кўришди. Унинг ортида кичик бир хона бўлиб, у ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Сандиқ устида эса, ўрин-кўрпалар йиғилган эди. Афтидан, бу кўрпаларда кеча кечкурун ҳеч ким ётмаган эди. Девордаги миҳда эски, увада пиджак осифлик турарди. Унинг чўнтагидан жилдини кир босиб кетган паспортнинг учи кўринарди.

Тергов гуруҳи аъзолари эскириб кетган паспортни варақлаб кўришди. Бу ҳужжат асли чаноққалъалик Аҳмад Гунешга тегишли экан.

– Демак, ёрдамчининг исми Аҳмад бўлган, уларнинг иккиси ҳам нега майхонани беркитмай чиқиб кетишди экан? Ҳарқалай, иккисининг тили бир бўлган. Биргалашиб, аёлнинг бошига етишган, – тахминини билдирди терговчи.

– Балки ҳар икки аёлни ҳам ёрдамчининг ўзи ўлдиргандир?

– Бўлиши мумкин. Икковлашиб, тиланчининг қўлидаги қимматбаҳо узукни олмоқчи бўлишган. Тиланчини тинчителишган, ёрдамчининг ҳам фикри бузилган, кейин ўз бекасини бўғиб, жуфтакни ростлаган.

– Унда нега узук кампирнинг бармоғида қолиб кетган? Агар ҳар икки қотилликдан мақсад шу узук бўлса...

– Нима бўлганда ҳам, Аҳмадни топиш керак. Шунда кўп нарса ойдинлашади.

Прокурор шу заҳоти Аҳмадни топиб қамоққа олиш бўйича кўрсатма берди. Аҳмаднинг майхонага қайтиб келиши эҳтимолини назарда тутиб, бу ерда қоровул қўйишга қарор қилдилар. Аммо, ҳеч кимнинг хаёлига полиция бошқармасидан бир неча қадам наридаги ҳожатхонани текшириш келмади.

\* \* \*

Аҳмад ҳожатхона қоровулининг торгина ҳужрасида манқал ёнида титраганча, оёқларини иситиб ўтирарди. Унинг ҳам нима қилишни билмасдан боши қотганди.

У икки кун илгари бекасини эски отхона олдига ташлаб кетганидан сўнг нималар юз берганини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди. Фақат йўл-йўлакай Ножианинг «бу

кампир доктор Ҳалдуннинг онаси бўлади, мен бу аёлни кўпдан бери биламан, агар «қушча» кўлга илинса, майхонани таъмирлашга етгулик пул ундириб олардик» деганини эшитганди.

Ўша куни аксига олгандек, мижозлар ҳам кўп келди. У столдан бунисига югуравериб, оёғида оёқ қолмади. Кечгача тиним билмади. Ярим оқшомда мавзе қоровули келиб, майхонани ёпишни талаб қилгач, ўзи ҳам бироз енгил тортди. Бироқ шу пайт бекасининг «агар мен кечга қолсам, изимдан етиб бор» дегани эсига тушди. Ҳатто пиджагини ҳам киймасдан кўчага отилди. Шошганидан майхонани қулфлашни ҳам унутди. Кўчада совуқ шамол эсиб турарди.

У отхона саҳнида юмалаб ётган бекасини аввал маст деб ўйлади. Одатда, Ножия баъзан ётиб қолгунча ичарди. Ҳатто эргаси куни ҳам бошини кўтара олмасди. «Кўтариб олиб кетарман» деган хаёлда унинг устига энгашди-ю, даҳшатдан тош қотди.

Эсини тўплаб олгач, хаёлига биринчи урилган фикр қочиш бўлди. Ташқарига ўқдек отилди. Шаҳар ҳам ортда қолди. Эти жунжика бошлаганини ҳис этди. Пиджагини олмаганидан афсусланди. Паспорти ҳам қоп кетибди. Полициянинг қўлига тушиб қолса, нима бўлади? Қаерга беркинади? Ҳаво бунча совуқ бўлмаса! Кўчада юриш ҳам хавфли. Эрталабгача қаерда тунаб қолиш мумкин экан-а?

«Нима бўлса ҳам, пиджагимни кийиб оламан» деди Аҳмад ва ортига қайтди. У энди югура олмас, ҳансираганча, кетиб борарди. Шаҳарнинг кўчаларидан бирида кетиб бораркан, яқин орадаги ҳожатхона қоровулхонасида ишлайдиган эски таниши, ҳамюрти, марҳум отасининг дўсти Ҳало амаки эсига тушди. Қария кечалари қоровулхонасида ётиб қоларди.

Ярим кечаси эшиги тақиллагач, Ҳало амаки мудроқ кўзларини ишқалаб, эшигини очди. Эски танишини кўриб, ажабланди. Қоқ ярим тунда нима қилиб юрганини сўради. Аҳмад нима дейишини билмай, «ишдан қувилдим» деди. Чол бироз минғирлаб тургач, «майли, кир қани» деди.

Эрталаб денгиздан тиланчи аёлнинг жасади топилгани ҳақидаги совуқ хабар шаҳарга ёйилди. Бу хабар Аҳмаднинг бошига гурзидек келиб тушди: демак, тиланчини ҳам ўлдиришибди-да?!

Ҳожатхонага кирганларнинг ҳаммаси шу ҳақда гапирди. Аҳмад нима бўлса ҳам, қоровулнинг хужрасидан чиқмай ўтиришга қарор қилди. Тиланчининг қотили топилавермагач, одамлар орасида турли гап-сўзлар оралайверди. Энди сўз фақат тиланчининг қўлидаги узук ҳақида борарди. «Агар узук тиланчида қолган бўлса, бека у ерга нега борди? Тиланчини ким ўлдирди? Нега узук унинг ўзида қолди?»

– Қотилни топишса, осишади, – деди Ҳало амаки.

Аҳмад майхонада қолиб кетган пиджаги ва паспорти ҳақида ўйлар ва ўзини қўярга жой топа олмасди. Ундаги нотинчлик, хавотирни Ҳало амаки пайқади.

– Ҳа, ўғлим, тинчликми? Кечадан бери хужрадан чиқмайсан, хомушроқ кўринасан? Бирор нима бўлдимми? Ишни ўйлаяпсанми? Ўғлим, бош омон бўлса, дўппи топилади. Жонинг омон бўлса бас.

Аҳмад бошқа нарса хусусида ўйларди: «Кечкурун қоронғи тушиши билан отхонага бораман. Агар бекамнинг жасади ҳалиям ётган бўлса, уни дарров кўмиб ташлаш керак. Чуқурроқ кўмиш керакки, ҳеч ким хабар топмасин. Балки опчиқиб, денгизга улоқтириш керакдир?»

– Пиджагингни опчиқсанг бўларкан.

Аҳмад сапчиб тушди.

– Нима?

– Майхонангга кириб пиджагингни опчиқсанг бўларкан, – деди Ҳало унга парво қилмасдан. – Қунишиб ўтиришингни қара.

Аҳмад индамасдан ўтираверди. Қоронғи тушиши билан у отхонага бориб, жасадни гум қилишга қатъий бел боғлаганди. Ҳало амаки скамейкада ўтирганча, мижозларга атир сепиш билан машғул эди.

Қош қорайиши билан Аҳмад қарорини ижро этишга отланди.

– Амаки, мен майхонадан пиджагимни олиб келай, – деди-ю, ташқарига чиқди.

– Бекангга илтимос қил, балки сени ишда олиб қолар, – деди Ҳало амаки унинг ортидан бақириб қоларкан.

У ростдан ҳам майхонага пиджагини олиш учун кирмоқчи эди, аммо ўйланиб қолди. Аввал тезроқ отхонага бориб, жасадни бир ёқли қилиши керак.

Отхонага кирганида атроф коп-қоронғи бўлиб қолганди. Эшик ёпиқ экан. Эшикни очишга уринганида, қулоғига йўтал товуши эшитилди. Торкўчадан кимдир ўтиб борарди. Аҳмад деворга қисиниб, нафас ҳам олмасдан кута бошлади. Мана йўтал ҳам, қадам товушлари ҳам тинди. Бир амаллаб отхонага кирди. Бекасининг жасади кўринмасди. Демак, полиция хабар топган кўринади. Улар майхонани ҳам тинтиб кўришган. Пиджак ҳам, паспорт ҳам ўша ерда эди.

Уни қотил деб ўйлашлари аниқ. Гарчи умуман айби бўлмаса-да, баданига қалтироқ югурди. Қулоғи остида чолнинг сўзлари жаранглади:

– Қотилни топишса, албатта, осишади.

Оёғини қўлга олиб, майхонага югурди. Ўша оқшом қандай қолган бўлса, ҳамма нарса шу алфозда ётарди. Мана, пиджаги ҳам ўша миҳда осиеғлиқ турибди. Бироқ, унга қўл узатмасдан, қатъий овоз янгради:

– Кўлингни кўтар! Қимирлама!

Ҳеч ким кўринмасди, аъзои бадани қалтирар, юраги бўғзига қадалганди. Фақат пешонасига тиралган тўппончани кўра олди.

– Нега? Мен ўлдирганим йўқ, – деди у жон ҳолатда.

– Буни кейин аниқлаштирамиз. Қани, юр бу ёкка!

Ўйлаб ўтирадиган фурсат эмасди. Аҳмад жон ҳолатда ўзини ташқарига урди. Унинг йўлини тўсиб чиққан иккинчи полициячига чап бериб кўчага отилди. Орқасидан ўқ овози янгради. Аҳмад ўқлар қулоғи остидан чийиллаб ўтганини эшитди. У айикдай лапанглаб қочиб борар, орқасидан полиция тинимсиз таъкиб этарди.

У катта кўчани кесиб ўтаётганида, муюлишдан чиқиб қолган катта юк автомашинасини илғамади. Ҳайдовчи ҳам уни кўрмади. Тормоз босилди, аммо кеч эди.

Натижада...

Шаҳарда бу антиқа воқеалар одамларнинг тилидан тушмай қолди. Ҳамма ёрдамчи йигитнинг икки аёлни ўлдиргани ва тақдирнинг ўзи ундан шу тариқа ўч олгани ҳақида гапирарди. Аммо бу қотилликка уни нима мажбур қилгани ҳамма учун жумбоқ эди.

Ҳалдун бу воқеалардан сўнг анчагача ўзига келолмади, одамларнинг ҳам кўзига кўринмай юрди. Ҳар гал кўзини юмса, онасининг мўлтираб турган кўзларини кўрарди. У йиллар давомида онасини ўлган деб юрарди. Аммо, онасини топмай туриб, йўқотди. Нега ўшанда онаси унга бор гапни айтмади экан? Ўғлининг шарманда бўлмаслиги учунми?

У соатлаб кўзларини бир нуқтадан олмай ўтирарди.

– Ҳа, – деди Ниҳатбей. – Уни бу ерга оналик туйғуси етаклаб келган эди. Бундай олижаноблик ҳар қандай онанинг ҳам қўлидан келмайди.

- Бечора онам, – деди Ҳалдун ҳиқиллаб.
- Бечора... – хўрсинди Нермин ҳам.

\* \* \*

Қонун бўйича узук Ҳалдунга ўтди. У эса, қайнонасининг совғаси сифатида узукни Нерминнинг бармоғига тақди. Кейин одмигина тўй қилиб, оила қуришди. Бироз муддат ўтгач, келин-куёвлар Назаннинг қабри устида мармар ёдгорлик ўрнатишди.

**Камол, Ўрхон**  
К-21 Тубсизлик гирдобидаги аёл [Матн] / Ў. Камол;  
турк тилидан Р. Жабборов таржимаси. – Тошкент:  
«O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 184 б. – («Жаҳон ада-  
биёти» кутубхонаси)

ISBN 978-9943-28-593-4

УЎК: 821.512.161-3  
КБК 84(5Тук)

*Адабий-бадиий нашр*

«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси

ЎРХОН КАМОЛ

ТУБСИЗЛИК ГИРДОБИДАГИ АЁЛ

*Роман*

Иккинчи нашри

Мухаррир *Н. Қидиралиев*  
Рассом-дизайнер *Д. Мулла-Ахунов*  
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*  
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*  
Мусаххих *З. Қудратов*  
Компьютерда саҳифаловчи *Н.Аҳмедова*

Нашриёт лицензияси АЛ № 158, 14.08.2009.  
2018 йил 29 октябрда босишга рухсат этилди.  
Офсет қоғози. Бичими 84 × 108<sup>1/32</sup>.  
Times New Roman гарнитурасида офсет усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 9,66. Нашр табоғи 8,93.  
Нусхаси 5000. Буюртма № 18-517.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
uz [www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)